«Биз сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик»

Анбиё сураси, 107-оят

Аллоҳнинг элчиси

МУҲАММАД ﷺ

Ислом тамаддунининг ахлоқий асосларини намоён этувчи сийрат ва суратли қўлланма



Биринчи нашр



Муқова ва китоб дизайнери: Тейлор ва Тоглоу (Taylor ва Toglaw)

Фикр-мулоҳаза ва мурожаат учун:
muhammadpocketguide@gmail.com
info@uma.org.au

Кириш

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Бизларга энг улуғ бандаси ва Расули ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари бўлишдек буюк бахт ато этган Ҳақ субҳонаҳу ва таолога ҳамду саноларимиз бўлсин.
Барча оламларга раҳмат бўлиб келган, мўминларга ота-оналаридан ҳам меҳрибон бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга дуо ва саломларимиз бўлсин.

Қўлингиздаги ушбу китоб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини дунёга замонавий услубда таништиради. Қўлланма ўз ўқувчиларига Ислом тамаддунининг ахлоқий асосларини ва у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётларини суратлар билан бойитилган ва бирламчи маълумотлар билан чекланган ҳолда намоён қилиб беради. Китоб 12 қисмдан иборат. Ҳар бир қисм алоҳида мавзуга бағишланган. Мавзулар суратли тақдимот услубида ёритиб берилган.

Китоб муаллифи доктор Ҳуссам Тоглоу (Hussam Toglaw) маркетинг ва тадбиркорлик маърузачиси бўлиб, у Сидней технология университетида бизнесни бошқариш йўналиши бўйича докторлик унвонига эга. Шу билан бирга, у эркин Ислом тадқиқотчиси ҳам ҳисобланади. Ҳуссам Тоглоу илмий фаолиятидан ташқари сўнгги 20 йил ичида динлараро мулоқотлар билан шуғулланиб келди. Унинг тарихий зиёратгоҳ жойларида орттирган тажрибаси қўлингиздаги китобнинг ёзилишига сабаб бўлган. Бу китоб қайсидир маънода тарихий масжидлар ва ноёб ислом меъморчилигига эга давлатларга ташриф буюрувчилар учун сайёҳлик қўлланмаси вазифасини ҳам ўтайди.

Ушбу китоб дунёдаги араб, инглиз, немис, рус, испан, италян, хитой, япон, турк тили каби 29 та тилга таржима қилинган. Китобнинг асли инглиз тилида ёзилганлиги сабабли ўзбек тилига таржима учун китобнинг айнан инглиз тилидаги нусхаси асос қилиб олинди.

Китобни таржима қилиш тарихи узоқ ўн йилларга эга. Ўша вақтлар китоб ҳақида маълумотга эга бўлганимда муаллиф билан бир неча бор электрон почта орқали боғланишга ҳаракат қилдим, лекин бунинг уддасидан чиқа олмадим. Насиб экан, 2020 йил октябрь ойида яна бир бор ҳаракат қилиб кўрдим ва ижобий жавоб олишга муваффақ бўлдим.

Китобда келган Қуръони Карим оятларининг маънолар таржимаси учун марҳум Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг "Тафсири Ҳилол" китобларидан фойдаланилди. Ҳадисларнинг таржимаси учун эса «Олтин Силсила» китоблари ва юртимизда чоп этилган ҳадис китоблари асос қилиб олинди.

Ушбу қўлланма таржимоннинг биринчи иши бўлганлиги учун нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Китобдан бирор фойда кўрсангиз, Аллоҳнинг марҳамати ва бирор камчилик кўрсангиз,каминанинг нуқсони деб билгайсиз.




Муҳим эслатмалар

Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам исмларини тилга олганда, «соллаллоҳу алайҳи васаллам» деб ҳурмат билдириш диний талаб ҳисобланади. Араб тилида бу шундай ёзилади (ﷺ)

Бу китобимизда пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам исмлари тез-тез тилга олингани, ҳар бир бетнинг ҳажми барча тилдаги нашрлар билан бир хил бўлиши кераклиги ва мусулмон бўлмаган ўқувчиларни чалғитмаслик учун баъзи жойларда қисқа «алайҳиссалом» сўзидан фойдаланилди. Саҳобийлар исмларидан кейин ҳам «розияллоҳу анҳу» ёки аёл саҳобиялар исмларидан кейин «розияллоҳу анҳо» айтилиши керак бўлган сўзлар баъзи жойларда ёзилмади. Бундан ҳеч қандай ҳурматсизлик кўзда тутилмаган ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда йўл тутилган.

Оламни ва барча мавжудотларни яратган ягона зот Аллоҳдир. Ушбу қўлланмамизда агар Худо сўзи тилга олинса, бу энг Улуғ ва энг Буюк бўлган Аллоҳни англатади.

Китобда фойдаланилган арабча номлар араб талаффузига яқин қилиб ёзишга ҳаракат қилинди.



«Ўтмиш анбиёлар билан менинг мисолим бундай: бир киши чиройли ва гўзал бино қурдида, бурчакларнинг бирида бир ғишт жойини бўш қолдирди. Одамлар бу гўзал бинони зиёрат қиладилар, томоша қилатуриб, ажабланган ҳолда: «Бу бўш жойга ҳам ғишт қўйилмайдими?!» дейдилар. Ана шу ғишт менман ва мен пайғамбарларнинг якунловчисиман»

Пайғамбар Муҳаммад
(соллаллоҳу алайҳи васаллам)

«Саҳиҳул Бухорий: 4734, 4735»

Муқаддима

Оламларнинг ва барча мавжудотларнинг яратувчиси бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Аллоҳ инсонни энг яхши суратда яратди ва унга эшитиш, кўриш ва фикрлаш қобилиятини берди. Аллоҳ одам учун ердаги барча нарсаларни бўйсундириб қўйди ва унга ерни обод қилишни ва бузғунчилик қилмасликни ишониб топширди. Шунга кўра, инсон Аллоҳга ибодат қилиши, Унинг динини ер юзида ёйиши керак. Бизнинг Яратувчимизнинг буйруқ ва кўрсатмалари аниқ. У одамларга яхшилик қилишни ва ҳар қандай ёмон ишлар ва жирканч нарсалардан тийилишни буюради.

Яратгувчимиз ер юзидаги ҳаётимизни қисқа муддатли қилиб белгилади. Ер юзидаги ҳаёт охиратдаги абадий ҳаёт учун кўприкдир. Бу қиёмат кунидир. Ким бирор яхшилик қилса, бунинг учун мукофотланади ва ким бирор ёмонлик қилса, буни кўради ва бунинг учун жазоланади.

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Аллоҳ одамларга ўзининг ҳидоятига бошлаш учун ва уларнинг яратилиш мақсадини ҳамда бу ҳаётда яшашдан мақсади нима эканлигини тушунтириш учун кўплаб пайғамбарларни юборди. Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад ва бошқа пайғамбарлар алайҳумуссалом Аллоҳнинг одамларга юборган элчилари эди.

Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инсониятга сўнгги илоҳий хабарни етказиш учун танлаб олган бўлиб, ул зот баъзи муҳим хусусиятлари билан ажралиб турар эдилар.

Бу ҳақда инсоният учун сўнгги илоҳий китоб бўлган Қуръони Каримда маълумотлар келади. Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари Аллоҳнинг амрларини амалда намойиш этган ва уни қўллаган ҳаёт эди. Яратганнинг амрларига ихлос билан амал қилиш бутун инсониятга тинчлик, фаровонлик келтиришини у зотнинг ҳаётлари исботлади. Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсоният тараққиёти учун бурилиш нуқтаси бўлган ислом тамаддунининг ахлоқий асосларини яратдилар.

Бироқ бугунги кунда дунё ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар ва оғир фалокатлар юкланган ўта муҳим босқични босиб ўтмоқда. Ер шаридаги барча халқлар ушбу босқичдан хавфсиз чиқиш йўлини қидирмоқдалар.

«Усул» умумжаҳон маркази пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари ҳақида қисқача сийратни ҳамда унинг ер юзидаги миллионлаб одамларнинг қалбини ёритган таълимотлари ҳақида қисқача маълумотларни тақдим этади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ва издошлари Аллоҳнинг сўнгги хабарига чин дилдан ишониб, Унинг Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотларини қўллаганларида, қаерга етиб борсалар, адолат ва раҳм-шафқатни ёйишга

муваффақ бўлганлар.

Ушбу китоб пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида бўлиб, уларнинг ҳаётлари ва Арабистон яриморолида ва Исломни дин сифатида қабул қилган барча минтақаларда тинчлик ва осойишталикни тарғиб қилган динлари ва оламларнинг Робби Аллоҳнинг барча одамларга юборган хабарлари тўғрисида тезкор, осон ва аниқ маълумотларни тақдим этувчи қўлланма сифатида яратилган.

Бундан ташқари, пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотлари мусулмонлар жамиятларида ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий меъёрларни белгилаб бериш билан бирга Ислом тамаддуни учун ахлоқий пойдеворни ўрнатди.

Аллоҳ таоло айтади: «Биз сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик». Анбиё сураси, 107-оят.

Коинот ва барча мавжудотларнинг яратувчиси бўлган Роббимиздан бизни ҳақ ва тўғри йўлга ҳидоят қилишини сўраймиз.

«Усул» умумжаҳон маркази

Мундарижа





Юқоридаги ёзув Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам исмларининг араб тилида, масжид кўринишига ўхшатиб ёзилишидир. Ўртадаги шакл худди масжиднинг юқори қисмидаги қуббага ўхшайди. Қубба «Муҳаммад» сўзидаги «ҳ»ни билдиради. Масжиднинг пастки қисми эса «Аллоҳнинг элчиси» маъносини ифодаловчи «Расулуллоҳ» сўзининг шакл кўринишида ёзилганидир.

Олти бурчак «Муҳаммад» сўзларидан ясалган. Бу шаклда «Муҳаммад» сўзи олти марта такрорланган бўлиб, ёзувда араб тили хаттотлик санъатининг бошқа бир услубидан фойдаланилган.

Хаттот Фарид Али

Араб тилида «Муҳаммад» тўхтовсиз, тинимсиз, ҳамиша мақталадиган инсон деган маънони билдиради. Барча пайғамбарлар мақталадилар, аммо пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтовсиз мақталадилар.

Қисм

1

Иқтибослар





Жон Адаир

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг етакчилиги» китобининг муаллифи.Турин шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ходимлар коллежининг етакчилик бўйича тадқиқотлар факультети декани

«Етакчилик пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларида бир неча марта ўз исботини топган. Бу эса биз билган етакчиликнинг шарт ва қонун-қоидаларига тўлиқ мос тушади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётларини ўрганган ҳар бир киши у зотнинг етакчиликка қанчалик мос келишлари ҳақида ўзи хулоса чиқаради».



Вилям Монтгомери Ватт

(1909–2006) Шотландиялик тарихчи ва Эдинбург университетининг Араб тили ва Исломий тадқиқотлар бўйича фахрий унвонга эга профессори. «Муҳаммад алайҳиссалом Маккада» китоби, Оксфорд, 1953 йил, 52-бет.

«Унинг ўз эътиқоди учун таъқиб ва таҳқирларга дучор бўлишга тайёрлиги, унга ишонган ва унга раҳбар сифатида қараган одамларнинг юксак хулқий фазилатлари ва унинг ютуқларининг улуғлиги – буларнинг барчаси унинг қанчалик тўғри ва ростгўй инсон эканига далолат қилади. Бундай мақом-мартабага эришган бирор бошқа шахс Ғарбда маълум эмас».



Маҳатма Ганди

(1869–1948) Ҳиндистон мустақиллиги ҳаракатининг сиёсий ва маънавий етакчиси

«Мен миллионлаб инсонларнинг қалбига ўз ҳукмини ўтказаётган яхшиларнинг яхшисини билишни истайман. Мен тўлиқ ишонаманки, ўша кунларда Исломга ҳаёт бағишлаган куч асло қилич эмас эди. Ўша куч – Пайғамбар алайҳиссаломнинг жуда поклиги, тенгсиз фидойилиги, ўз бурчига улкан масъулияти, саҳобаларига чексиз садоқати, жасорати, матонати, Аллоҳга ва вазифага мутлақ имон-эътиқоди эди. Мен унинг ҳаёти ҳақидаги китобнинг иккинчи жилдини тугатганимдаёқ Пайғамбар алайҳиссаломнинг буюк ҳаёти ҳақида бошқа китоб варақлашга ҳожат қолмади».



Иоганн Волфганг Гёте

(1749–1832) Европалик буюк шоир

«У зот алайҳиссалом шоир эмас, пайғамбардир. Шу сабабдан Қуръони Каримга инсон тарафидан ёзилган таълим олиш ёки кўнгил очиш китоби сифатида эмас, балки илоҳий Китоб сифатида қараш керак».



Уилям Дюрант

(1885–1981) Америкалик тарихчи, файласуф ва 4 жилдлик «Тамаддун тарихи» китоби муаллифи, 4-жилд, 25-бет.


«Муҳаммад исми тўхтовсиз, тинимсиз, ҳамиша мақталадиган деган маънони билдиради. Инжилнинг баъзи қисмларида у зот алайҳиссалом келишлари ҳақида аниқ маълумотлар келган. Муҳаммад алайҳиссалом умуман ёзишни билмаганлар. У зотнинг хат-саводлари йўқлиги араб тилида Қуръони Каримнинг нозил бўлишига тўсқинлик қилмади».



Алфонс Ламартин

(1790–1869) Франциялик шоир, ёзувчи ва сиёсатшунос. «Туркия тарихи» китоби муаллифи, Париж, 1854 йил, 276–277-бетлар.


«Агар кишининг улуғлиги ва буюклиги унинг амалга оширган ишларига, зафарларига, имконияти кам бўлишига қарамай, катта ишларни қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом башариятнинг энг улуғи ва буюгидир. У зот ҳам пайғамбар, ҳам нотиқ, ҳам даъватчи; қонуншунос, қалблар ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом-раҳбар, давлат арбоби, ҳарбий қўмондон ер юзининг йигирмата минтақасида исломий салтанат қура олган... Муҳаммад алайҳиссалом ана шундай беқиёс зот эди! Унга ҳеч бир буюк инсон тенглаша олмайди! Наҳотки у ўлчовларга сиғса?!»



Томас Карлайл

(1795–1881) Шотландиялик тарихчи, файласуф ва «Қаҳрамонлар, қаҳрамонлар эътиқоди ва тарихдаги қаҳрамонлар» китоби муаллифи

«Муҳаммад алайҳиссалом шундай оддий халқ бўлган арабларни йигирма йилдан озроқ вақтда «ёруғлик ва илм ташувчилар» даражасига кўтарди: араб халқи учун бу зулматдан нурга чиқиш эди. Бу билан араблар илк маротаба ўзгалар назарига тушдилар. Дунёнинг яратилишидан буён билинмай, бепоён саҳроларда изғиб юрган қашшоқ ва подачи халқ!»



Реверенд Режиналд Босуорт Смит

(1839–1908) «Муҳаммад ва Муҳаммадийлик» китоби муаллифи. Лондон, 1874 йил, 92-бет.

«У бир пайтнинг ўзида ҳам Папа, ҳам Цезарь эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўқ эди. Цезарь бўлиб, унда Цезарнинг беҳисоб лашкари ҳам йўқ эди. Агар бирор-бир шахс мен мунтазам қўшинсиз, тансоқчиларсиз, саройларсиз, давлат даромади(солиқлар)сиз – Унинг изни-ихтиёри билан бошқардим дея олса, унда у Муҳаммад (алайҳиссалом)дир».



Лев Толстой

(1828–1910) Машҳур рус ёзувчиси. «Уруш ва тинчлик» китоби муаллифи.

«Муҳаммад алайҳиссалом улуғ ҳукмдор эди. У жамиятни ҳақиқат нури ила бирлаштирди, шунинг ўзиёқ ҳурматга лойиқдир. У инсонларни қон тўкишдан халос этиб, тинч-осойишта яшашга тарғиб этди ва уларга маънавий юксалиш йўлини очиб берди. Албатта, бундай инсонни барча ҳурмат-эҳтиром қилса арзийди».




Морис Букай

(1920–1998) Франциялик шифокор, гастроэнтерология бўйича мутахассис. Мисршунослик бўйича Франция жамияти аъзоси. «Қуръон, Таврот, Инжил ва замонавий илм» китоби муаллифи.

«Агар яхшилаб мулоҳаза юритилса, Қуръон арабларнинг ҳам, бутун оламнинг ҳам, кейинги асрлардаги олимларнинг ҳам, йигирманчи асрда тараққиётга эришдик, деб даъво қилаётган бизнинг илмий савиямиздан ҳам юқори туради. Бу китоб уммий (ўқиш-ёзишни билмаган) киши тарафидан содир бўлиши мумкин эмас. Бу эса Муҳаммаднинг пайғамбарлиги собит экани ҳамда ваҳий юборилган Набий эканига етарли ҳужжат-далилдир!»

У зотнинг васфлари

Қисм 2



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари ёзилган хаттотлик иши:

У зотнинг саҳобалари тарафидан бизга етиб келган ахлоқ ва сифатлари.

Хаттотлик иши муаллифи – испаниялик Нурия Гарсия Масип

Муҳаммад ﷺ васфлари

Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёки у зотдан олдинги пайғамбарларнинг суратларини чизиш ёки тасвирлаш Ислом динида йўқ. Чунки инсон, айниқса пайғамбарлар суратини чизиш Ислом динида ман этилган. Шунга қарамай, у зотлар ҳақидаги маълумотлар бизгача ишончли санадлар орқали етиб келган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари ҳақидаги маълумотлар эса у зотдан олдин ўтган буюк динлар тарғиботчилари – пайғамбарлар тўғрисидаги маълумотларга қараганда кўпроқ, муфассал ва синчиклаб ўрганилган. Бу маълумотларнинг келажак авлодга етиб келишида у зотнинг саҳобалари ва аҳли оилаларининг ўрни беқиёсдир. Имон келтирган ҳолатда Муҳаммад алайҳиссалом билан кўришиб, мусулмон ҳолида вафот этган инсон «саҳоба» дейилади.

У зот қандай кўринишда эдилар?



Муҳаммад алайҳиссалом араб миллатига мансуб улуғ насабли оиладан эдилар. У зот кўркам юзли, ранглари тиниқ, оққа мойил буғдойранг эдилар. Бўйлари узун ҳам, паст ҳам эмас, балки ўрта бўйдан бир оз баландроқ, елкалари эса кенг эди. У зотнинг қоринлари ҳар доим кўкраклари билан бир текис бўлган. Юришлари салобатли, шахдам ва хотиржам эди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари у зотни чиройли, кенг пешонали, бурунлари нозик ва ўртачадан сал узунроқ, киприклари узун, кўзлари катта ва қора, тишлари бир текис ва маржондек, кулгилари табассумдан иборат ёқимли эди, деб тасвирлайдилар. Сочлари жингалаклик ва силлиқлик ўртасида деб айтадилар. Сочларининг ранги қоп-қора бўлиб, умрларининг охирида озгина оқ тушган, деган васфларни ҳам келтириб ўтадилар.

Саҳобалар у зотнинг юзлари худди ўн тўрт кунлик ойдек чарақлаб турганини таъкидлайдилар. У зот баланд овоз билан қаҳқаҳа отиб кулмаганлар. Кулгилари табассумдан иборат бўлиб, кулганларида тишлари маржондек кўзга ташланган. Муҳаммад алайҳиссалом мулойим, самимий ва очиқ чеҳрали бўлганликларини у зотни кўрган барча инсонлар таъкидлайди.

Хулқ-атворлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам очиқ чеҳра, хушфеъл ва хушмуомала эдилар. У зот ҳеч қачон ҳақоратли ёки беҳаё сўзларни сўзламас эдилар. У зот бировнинг айбини қидирмас ва ҳаддидан ошириб мақтамас эдилар.

Сўзлашлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам беҳуда гап гапирмас эдилар. У зотга сермазмун ва пурмаъно сўзлаш хусусияти берилган эди ва ҳар қандай ўринда керагича сўзлардилар, ортиқчаси бўлмас эди. Сўзлашлари аниқ ва тиниқ эди, қисқа сўзлар билан кўп маънони ифода этардилар. У зот мукаммал сўзлардилар, сергап ҳам, ўта камгап ҳам эмасдилар. Гўзал нотиқлик маҳоратлари ҳар қандай инсонни ўзига тортар эди.

Бирор нарсага урғу бермоқчи бўлсалар, сўзларини уч марта имо-ишора билан қайтарар эдилар. У зот фақат Аллоҳнинг розилиги учун сўзлар эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига:

«Ким ноҳақ бўлатуриб баҳс-мунозарани тарк этса, унинг учун жаннат чеккасида бир уй бино қилинади, кимки ҳақ бўла туриб тарк этса, унинг учун жаннатнинг ўртасига (қаср) бино қилинади. Кимнинг хулқи гўзал бўлса, унинг учун жаннатнинг энг олий жойига (қаср) бино қилинади», деганлар. (Абу Довуд ва Термизий ривояти)

Феъл-атворлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳис-туйғуларини мустаҳкам назорат қилар эдилар. Ғазаблансалар, бошқа тарафга ўгирилар ёки сукут сақлар эдилар. Фақат Аллоҳ учун ғазабланардилар. Агар кимдир Аллоҳнинг ҳукмига қарши бирор иш қилса, қаттиқ ғазаблари чиқар эди. У зот Қуръони Карим ва Аллоҳнинг ҳукмига тескари бўлган ишга биринчи бўлиб қарши чиқардилар ва ҳеч ким у зотга қарши чиқа олмас эди. Ҳамма ноҳақликларга қарши шундай қаттиқ ғазаб қилардиларки, то ҳақ қоим бўлмагунча ғазаблари тушмас эди.

У зотнинг одамлар билан муомалалари

У зотнинг муомалалари чиройли ва латиф бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга биринчи бўлиб салом берар ва қўл бериб кўришсалар, қўлларини биринчи бўлиб тортиб олмасдилар.

У зотни дастлаб кўрган киши ҳайбатларидан ўзини йўқотиб қўяр, яқиндан таний бошлагач эса яхши кўриб қолар эди. У зот табиатан мулойим эдилар, ҳеч қачон бировни камситмаганлар.

Нигоҳлари маъноли ва ўткир эди. Бошқаларга қарамоқчи бўлсалар, тўлиқ нигоҳ билан қарар эдилар, бирор киши у зотга мурожаат қилганда ўгирилиб қарамоқчи бўлсалар, нафақат юзлари, балки бутун гавдалари билан ўгирилиб қарар эдилар.

Агар кўпчилик олдига ташриф буюрсалар, ўзларига яқин жойга ўтирар эдилар. Кимдир олдиндан жой банд қилиб қўйишини ёқтирмас эдилар ва саҳобаларига ўзларининг амалларига эргашишни буюрар эдилар. У зот ҳаммага бирдек бағрикенглик билан муомала қилар эдилар. У зотнинг саҳобалари бир-биридан фақат қанчалик эзгу амаллари ва Аллоҳ учун қилган тақволарига қараб фарқланардилар.

Ҳаёт тарзлари

У зотнинг ҳар бир ишда тутган йўллари ўртачалик эди, ошириб ҳам, камайтириб ҳам юбормас эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон ўзлари учун тайёрланган овқатни ёки ичимликни танқид қилмасдилар ёки жуда мақтаб ҳам юбормасдилар.

У зот қачон уйларида бўлсалар, кунларини уч қисмга тақсимлардилар: бир қисми Аллоҳ учун, бир қисми оила аҳли учун, яна бир қисми эса ўзлари учун. Ҳар доим уй юмушларида ёрдам берар, кийимларини тартибга келтирар, оёқ кийимларини таъмирлар эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам чиройли кийинар ва хушбўйланиб юришни яхши кўрардилар.

Бомдод намозидан кейин у зот масжидда ўтириб, қуёш чиққунга қадар Қуръони Карим тиловат қилишни ва Аллоҳни улуғлашни афзал кўрардилар. Ярим кечаси эса уйқудан туриб, Аллоҳ учун таҳажжуд (тунги намоз) ўқир ва дуолар қилар эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ва оилалари учун ҳар қандай хайр-эҳсон ва закот (муайян молдан белгиланган қисмини муносиб шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилингандек мулк қилиб бериш) берилишини тақиқлаб қўйганлар. У зот ўз оила аҳлидан ҳеч кимни одамлар учун закот тарқатиш ишларига тайинламас эдилар.

У зотнинг яшайдиган уй деворлари лойдан кўтарилган ва унинг томи хурмо япроқлари ва туя териси билан ёпилган эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунё матосининг менга нима кераги бор? Менинг дунё билан бўлган муомалам йўлида бир дарахтга учраган, пешин вақти дам олиш учун унинг соясида бир оз дам олиб, сўнг яна йўлида давом этган бир йўловчининг алоқаси кабидир», – дердилар. (Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида ривоят қилинган)

У зот вафот этганларида, ўзларидан кейин оқ хачирлари, қуроллари ва (Аллоҳ таоло йўлида) ўзлари садақа қилган ердан бошқа на бирор дирҳам, на бирор динор, на бирор қул, на бирор чўри ва на бошқа бирор нарса (мерос) қилиб қолдирдилар. «Саҳиҳул Бухорий»



Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинага келган вақтларидаги уйлари ва дастлаб қурилган масжидлари тасвири

Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари тасвири

Қисм

3

Сийрат



Сийрат

Шахсий маълумотлар

Исмлари	**Муҳаммад** ﷺ
Оталарининг исми	Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб (насаблари пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломга бориб тақалади)
Уруғлари	У зот алайҳиссалом Бану Ҳошим – Ҳошимий оиласиданлар (Бану Ҳошим эса Арабистон яриморолидаги нуфузли қабила бўлмиш Қурайшдан эди)
Туғилган саналари	Тахминан, милодий 570 йил[1], 20–22 апрель
Туғилган жойлари	Макка шаҳри – Арабистон ярим ороли, (ҳозирги Саудия Арабистони Қироллиги)
Вафот этган саналари	Милодий 632 йил, 6 июнь (у зот вафот этганларида тахминан 63 ёшда эдилар)
Вафот этган ва дафн қилинган жойлари	Мадинаи мунаввара шаҳри (Маккадан 400 км шимолда)




Болалик ва ўспиринлик

Таваллуд – 2 ёш	Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ака-ука ва опа-сингиллари бўлмаган, ёлғиз фарзанд бўлганлар. Оталари у зот туғилмасларидан олдин вафот этган. Оналари у зотни Маккадан ташқарига, Ҳалима исмли энагага эмиздириш учун бериб юборган. Бу арабларнинг одати эди.
2–6 ёшлар	У зот ўз оналари Омина билан унинг вафот этгунига қадар, яъни милодий 576 йилгача яшадилар.
6–8 ёшлар	Боболари Абдулмутталиб билан у вафот этгунига қадар яшадилар.
8–25 ёшлар	У зот амакилари Абу Толиб билан яшадилар. Абу Толибнинг 10 та фарзанди бор эди.

Таълимлари


Муҳаммад ﷺ уммий бўлганлар: ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмас эдилар. У зот ҳеч қачон маккадан ташқарида яшамаганлар ва яҳудийлик, христианлик каби таълимотларни ва бошқа илмларни ўрганмаганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримнинг муаллифи ёки уни ёзган инсон эмаслар. У зот уни ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз, бирор жойига ўзларидан бирор нарса қўшмасдан умматга етказганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапирган гаплари ёки берган таълимлари Қуръони Карим билан аралашиб кетмаган: уларнинг барчаси «Ҳадис» ёки «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари» деб номланадиган китобларда жамланган бўлиб, бу китоблар у зотнинг таълимлари, яшаш тарзлари ва Қуръони Каримнинг тафсири ҳақида хабар беради.[2]



Ҳаёт йўллари

Болалик – 25 ёшлар	У зот бироз вақт бошқаларнинг қўй ва эчкиларига чўпонлик қилганлар. Бундан ташқари, амакилари Абу Толиб билан савдогарлик ҳам қилганлар. Ишончли маълумотларга қараганда, у зот 12 ёшга тўлганларида биринчи марта амакиларига қўшилиб тижорат бўйича Шом (ҳозирги Сурия)га сафар қилганлар.
25–40 ёшлар	У зот алайҳиссалом тижорат билан шуғулланадиган Хадижа исмли бой-бадавлат аёл учун савдогар бўлиб ишлаганлар. Улар бир ердан ҳар хил маҳсулот олиб, бошқа бир ерда сотар эдилар. У зот тўғрилик, ҳалоллик ва ишончлиликлари билан одамлар орасида машҳур эдилар. «Ас-Содиқ, Ал-Амин», яъни «ростгўй ва ишончли» деган номни муносиб олган эдилар.
40–63 ёшлар	Муҳаммад алайҳиссалом 40 ёшга (милодий 610 йил) етганларида илоҳий ваҳийни қабул қила бошладилар ва шундан бошлаб ўзларининг бутун ҳаётларини Аллоҳнинг хабарини ер юзидаги барча инсонларга етказиш учун бағишладилар. У зот инсонларга Аллоҳнинг яккаю ягоналигини таълим бердилар ва ижтимоий адолат, тинчлик, муроса ва фаровонликка чақирувчи Аллоҳнинг китоби – Қуръони Каримни етказдилар.



Оилавий ҳолатлари

25 йил мобайнида бир аёл билан турмуш қурганлар: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Асад номли олийжаноб оиладан бўлмиш Хувайлиднинг қизи Хадижага уйланганлар.

Хадижа ўз қабиласининг ҳурматли аёли эдилар. У киши бева эдилар. Хадижа Муҳаммад алайҳиссаломга турмушга чиқиш ниятларини дугоналари орқали билдиргунларича у зот Хадижа билан ҳамкорликда икки йил ишладилар.

Баракали никоҳ: Хадижа у зотдан 15 ёш катта эдилар ва уларнинг иккалалари ўз жамиятидаги мавқеига кўра бир-бирига ўхшаш оилалардан эдилар.

Уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ намунали оила қуришлари учун тўсқинлик қилмади ва улар 25 йил[3] давомида – милодий 619 йил Хадижа 65 ёшда вафот этгунларига қадар бирга турмуш кечирдилар.

6 фарзанднинг отаси ва оила бошлиғи: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Хадижа тинч-тотув ҳаёт кечирдилар; улар тўрт қиз: Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима ва икки ўғил кўрганлар. Ўғилларидан бири Қосим 17 ойлигида вафот этган ва иккинчиси Абдуллоҳ эса 1 ёшида вафот этган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам оилалари билан вақт ўтказар, уй ишларида ёрдамлашиб турар эдилар. Ривоятларда келишича, у зот кийимларини тикар, шиппакларини ямардилар, кишилар уйида қиладиган ишларни қилаверар эдилар. Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қанчалар буюк ва муҳим ишлар билан банд бўлишларига қарамай, уй ишларида аҳли оилаларига қарашиб юборар эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадижа онамизни жуда яхши кўрар ва қадрлар эдилар.

Муҳаммад алайҳиссалом Исо алайҳиссаломнинг оналари Марям онамиз ўз замонининг энг афзал аёли бўлганликлари каби бир неча марта Хадижа онамизни ҳам ўз замонининг энг афзал аёли деб тасвирлаганлар.

(«Саҳиҳул Бухорий»)



Бу сурат Мадина шаҳридаги пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом масжидлари ёнидаги Бақиъ қабристонидан олинган. Бу қабристонга у зотнинг баъзи саҳобалари, қариндошлари, аёллари ва фарзандлари дафн қилинганлар.

Макка шаҳридаги Хадижа дафн қилинган Ал Маъала қабристони.

Вазифа 23 йил давомида бажарилди

Милодий 610 йил

Илоҳий ваҳий бошланди

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи ваҳийни Аллоҳдан қабул қилдилар ва ер юзидаги барча одамлар учун Аллоҳнинг пайғамбари этиб тайинландилар. Пайғамбарлик вазифаси кучли ишонч, фидойилик, садоқат ва ҳалолликни талаб қилар эди.

Милодий 610–612 йиллар

Асосий мусулмонлар жамоаси шаклланди

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз дўстлари, яқинлари ва қариндошларини яккаю ягона Аллоҳ таолога имон келтиришга, ибодат қилишга ва Аллоҳ таолонинг башариятга юборган охирги Ислом динини қабул қилишга махфий даъват этдилар. Пайғамбарликнинг дастлабки уч йилида тахминан бир юз ўттиз нафарга яқин киши Исломни қабул қилди ва уни бошқаларга ошкора етказадиган кучли жамоа вужудга келди. Бу мусулмонлар жамоаси бой ва камбағал кишилардан иборат эди.

Милодий 613–615 йиллар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ошкора даъватларига қаршилик

У зот ва у зотга эргашувчилар Ислом динига одамларни ошкора чақира бошладилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ишончли ва ростгўй деб танилган бўлишларига қарамай, Маккалик зодагонлар у зотга ишонмадилар. Улар у зотни шоир, сеҳргар ва жиннига чиқардилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам васваса ва таҳдидга учрадилар

Макка зодагонлари Муҳаммад алайҳиссаломга васваса ва таҳдид қилиб, одамларни ота-боболари динидан айнитиб, йўлдан ураётганини даъво қилдилар. Қандай қилиб бўлмасин, у зотни бу йўлдан қайтаришга уриниб, турли таъна-маломатларни айтиб таҳдид ҳам қилдилар. Шунингдек, улар одамларни у зотни эшитишдан қайтаришга ҳам ҳаракат қилдилар. Улар янги мусулмонларга қарши қаттиқ душманлик қилдилар. Макка зодагонлари камбағал


мусулмонларни таъқиб қилдилар ва қийнадилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига эргашганларни қўллаб-қувватладилар ва уларнинг баъзиларини Ҳабашистонга юбордилар

У зот ўз издошлари билан жуда яқин эдилар. Дастлаб у зотга жуда кам кишилар эргашган эди. У зот улар билан Арқамнинг уйида кўришиб, Ислом динининг асл моҳияти – Аллоҳнинг яккаю ягоналигини, яъни тавҳидни тушунтириб берардилар. Шу боис бу хонадон ўзига хос ўқув маскани вазифасини бажарди. У зот олдиларига келганларга Ислом дини ва таълимларини етказиб, керакли таълим-тарбия берар ва ҳар бир банда зиммасидаги масъулият ва мажбуриятни англатар эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи саҳобалари бошига тушган азоб ва мусибатлардан арз-шикоят қилиб келганларида, сабр қилишга буюрар ва тазйиқ кучайиб борганидан кейин Ҳабашистондан бошпана излашларини маслаҳат бердилар. У диёрда насронийлик динига эътиқод қилувчи подшоҳ адолат билан ҳукм юритаётганини ва у қўл остидагиларга зулм қилмаслиги хабарини бердилар.

Икки нуфузли киши Исломни қабул қилди

Уларнинг бири Умар ибн Хаттоб ва иккинчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталиб эди. Бу мусулмонлар учун муҳим ва катта ўзгаришдан дарак берарди. Ҳамза милодий 625 йили Уҳуд жангида шаҳид бўлди. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни қўллаб-қувватлаб, мушриклардан ҳимоя қилиб турган эди. Ҳазрат Умар ҳам янги динга қувват бериб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан уч йил ўтиб мўминларнинг амири бўлди ва Ислом халифалигини ўн бир йил бошқарди.



Милодий 616–618 йиллар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қамалга учрадилар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва уларнинг тарафдорлари Макка зодагонлари томонидан бир дарага қамал қилиндилар. Улар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдан узиб қўйилди. Бу қамал уч йил давом этди. Бу вақт орасида улар қаттиқ азоб-уқубатни бошдан кечирдилар. Шу йилларда мусулмонларнинг имонлари, сабрлари ва янги динга ишонч-эътиқодлари чинакамига синовдан ўтди.

Милодий 619–620 йиллар

Маҳзунлик йили

Макка бошлиқлари ижтимоий-иқтисодий қамални бефойда эканини кўриб, уни бекор қилдилар. Шу йили Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафодор аёли Хадижа ва амакилари Абу Толиб вафот этдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан умидлари бутунлай узилиб, Ислом даъватини ундан бошқа ерда давом эттиришга қарор қилдилар. Шу мақсадда у зот Тоиф шаҳрига борганларида, уларни шаҳар аҳли яхши кутиб олмади[4]. Шунга қарамай, Муҳаммад алайҳиссалом 20 дан ошиқ қабилалар билан Ислом ҳақида гаплашдилар, лекин айтарли натижага эришмадилар.

Милодий 620–622 йиллар

Умиднинг уйғониши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж давомида Ясриб (Маккадан 400 км шимолдаги шаҳар)дан келган олти киши билан учрашдилар ва уларга Ислом дини ҳақида гапириб бердилар. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга имон келтирдилар ва ўз юртлари Ясрибга қайтиб, ўз қабиладошлари ва бошқаларни Ислом динига таклиф қилиш истаги пайдо бўлди. Улар келаси йил ҳаж мавсумида яна Маккага қайтиб келишга ва Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашишга келишиб олдилар.

Янги мусулмонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқлик ҳақида байъат (ваъда) бердилар

Ўша олти киши ўзларидан ташқари яна олти киши билан келаси йили мил. 621 йили Маккага қайтиб келдилар. Улар у зотга содиқлик ҳақида байъат қилиб, у зотни Аллоҳнинг пайғамбари деб қабул қилдилар.

Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги ваъдаларни бердилар:
(1) Аллоҳга ҳеч нарсани шерик этмасликка, (2) ўғрилик қилмасликка, (3) зино қилмасликка, (4) болаларини ўлдирмасликка, (5) қўшниларга бўҳтон қилмасликка ва (6) яхши ишга буюрган пайтларида Аллоҳнинг пайғамбарига осий бўлмасликка.

У одамлар Ясрибга қайтиб кетиб, ўз қабила бошлиқларини ва бошқаларни Ислом динини қабул қилишга чақирдилар. Улар келаси милодий 622 йили ҳаж вақтида етмишдан ошиқ эркак ва икки нафар аёл киши билан Маккага келдилар. Уларнинг барчаси бу йил ҳам худди олдинги йилдагидек Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилдилар.



Ақоба ёки Байъа «Тантанали ваъда» масжиди[5]

Маккадан 400 км шимолда янги мусулмонлар жамоаси ташкил топди

Ясрибдаги икки асосий қабила Авс ва Хазражнинг бошлиқлари Исломни қабул қилдилар ва натижада уларнинг қабиладошлари ҳам мусулмон бўлдилар. Аллоҳнинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ясрибга кўчиб келиб, унинг бошлиғи ва етакчиси бўлишга таклиф қилиндилар.

Милодий 622 йил

Макка бошлиқлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдиришни режалаштирдилар; Ясрибга ҳижрат, яъни бир ердан бошқа бир ерга кўчиб ўтиш бошлаб юборилди

Маккадаги ҳолат анча ёмонлашди. У зот маккалик мусулмонлардан[6] Ясрибга ҳижрат қилишни сўрадилар. Милодий 622 йилнинг сентябрь ойига[7] келиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам Ясрибга ҳижрат қилдилар. У зотнинг ҳижратлари Ислом тарихида улкан бурилиш нуқтаси бўлди. Ясрибда Ислом гуллаб-яшнади, ислом давлатига асос солинди ва адолатли жамият барпо бўлди.

Милодий 623–624 йиллар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ясрибда мусулмон жамоаси раҳбари

Аллоҳнинг Расули бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жамоа мусулмонлар келишувига биноан, розилик ва тинчлик йўли билан Ясрибнинг бошлиғига айландилар. Ясриб аҳолиси араблар ва яҳудийлардан иборат эди. Шунингдек, бу ерда икки асосий араб қабиласи ва оз сонли учта яҳудий қабиласи бор эди. Араб жамоаси яҳудийлар жамоасидан сон жиҳатидан устунликни ташкил этар эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам турли маданиятли жамиятга эга бўлган Ясрибга кўчиб ўтганларидан сўнг, унинг номи ўзгарди:

Ясриб шаҳри «Мадина» деб юритила бошлади.

Маккалик мусулмонларнинг ҳижратларидан сўнг Ясрибнинг алоҳида арабларнинг гуруҳига мансублик даври тугаб, ўрнига бу жой Исломни қабул қилиб, имон келтирганларнинг уйига айланди.



Ясрибда Исломни қабул қилмаган яҳудий қабилалари ва араблар яшарди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ясрибни Ислом шаҳри деб атамадилар. Унинг ўрнига «Мадина», яъни «Шаҳар» деб номладилар ва унда истиқомат қилувчилар бир хил ҳуқуққа эга эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада тинчликка ва бирликка чақирдилар

У зотнинг Мадинадаги энг биринчи одамларга қилган хитоблари жуда қисқа бўлди, лекин биродарликни ва ижтимоий алоқани қўллаб-қувватловчи хитоб бўлди. У зот шундай дедилар:

«Эй одамлар, ўзаро саломни ёйингиз, таом едирингиз, қариндошлар билан алоқа қилингиз, тунлари одамлар ухлаётганда намоз ўқингиз, жаннатга саломатлик ила кирасиз». (Ибн Можа, 4331 ва Термизий, 5842)

Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларни кўп миллатли жамиятда тинчлик-тотувликда яшашлари учун ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишга ва яхши кўришга ундаганлар.

Милодий 623–624 йиллар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиб, Яҳудийлар билан келишув битимини имзоладилар

Аксар яҳудийлар охирги пайғамбар яҳудийлардан чиқади, деб умид қилардилар. Шу сабабдан уларнинг кўпчилиги Муҳаммад алайҳиссаломни «Аллоҳнинг расули» деб тан олмадилар, Муҳаммад алайҳиссалом мусулмон жамоаси раҳбари сифатида улар билан битим имзоладилар. Бу худди «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари конституцияси ва низоми» бўлиб, барча араб ва яҳудий қабилалари бу битимга рози бўлдилар.

Битим мусулмонлар, яҳудийлар, шунингдек, Ислом динини қабул қилмаган араблар учун эътиқод эркинлигини кафолатлаб берди. Шу билан бирга, битим Мадинадаги барча фуқароларни хавф-хатардан ҳимоя қилди ва унга кўра, Мадинага бирор душман ҳужум қилса, барча инсонлар ҳимояга отланишлари талаб қилинди. Келишув адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ёқлаб, эркинлик ўрнатди, жиноят ва ахлоқсиз ишларни тақиқлади.

Милодий 624 йил

Бадр жангининг бўлиб ўтиш сабаби

Мусулмонлар Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида, уларнинг аксарияти уй-жойларини ташлаб чиқишга мажбурланди ва мол-мулклари мусодара қилинган эди.

Бадр минтақаси

Макка бошлиқлари мусодара қилинган мол-мулклардан савдо-сотиқ ва тижорат учун фойдаландилар. Мусулмонлар йўлда келаётган савдо карвони Макка бошлиқларига тегишли эканини ва уни душманлари Абу Суфён бошқараётганини билишар эди. Бу савдо карвони Мадинага яқин савдо йўлидан ўтиши аниқ эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам карвонни қўлга киритиб, Маккада мусодара қилинган бойликларни ўз эгаларига қайтаришни маслаҳат қилдилар. Бор-йўғи 313 нафар мусулмондан ташкил топган қўшин ишни бажаришга киришди. Маккалик ақлли бир инсон Абу Суфёнга карвон йўлини ўзгартиришни маслаҳат берди. Шу билан бирга, урушга яхши тайёргарлик кўрмаган ва Макка қўшинига нисбатан кам қуролланган мусулмон қўшинига қарши жанг қилиш учун Макка раҳбарлари 950 кишилик қўшин юборди.

Ҳайратли томони шундаки, мусулмонлар Макка мушриклари устидан биринчи жангларида ғалаба қозонишди. Бу жангда Макканинг кўплаб раҳбарлари ва атоқли кишилари ҳалок бўлишди.



Милодий 625 йил

Макка бошлиқлари Уҳуд жангида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг тарафдорлари устига бостириб бордилар

Макка бошлиқлари баъзи араб иттифоқчилари билан биргаликда Мадина шимолидаги Уҳуд тоғига Бадр урушидаги мағлубият учун қасос олиш ва араб ерларидаги етакчиликни йўқотиб қўйишдан қўрқиб, мусулмонларга қарши ҳужум қилиш учун 3000 кишилик ҳарбий қўшин юборди.


Уҳуд тоғи жойлашган жой – Саудия Арабистони, Мадина

Мусулмонлар бу жангда мағлуб бўлдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жароҳат олган бўлсалар-да, лекин ҳаётлари сақланиб қолди. Уҳуд жангида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобалари ўлдирилди, уларнинг орасида Пайғамбаримизнинг севимли амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу ҳам бор эди.


Уҳуд жанги шаҳидлари, Саудия Арабистони, Мадина шаҳри, Уҳуд қабристони

Милодий 626 йил

Маккаликлар ва бошқа қабилалар билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда у зотнинг тарафдорлари ўртасида Хандақ жанги бўлиб ўтди

Бу жанг «Иттифоқ уруши» деган номни ҳам олган. Макка бошлиқлари баъзи араб қабилалари ва яҳудий қабилалари билан биргаликда ҳаракат қилишга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш учун ҳар томондан ҳужум қилишга ва мусулмон жамиятига барҳам беришга чақирдилар.

Ўн мингдан иборат қўшин Мадинага юриш бошлади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобалари билан маслаҳатлашиб, форслик мусулмон Салмон Форсийнинг таклифини қабул қилишга қарор қилдилар. Салмон Форсий Мадинанинг шимолдан кириш йўлига хандақ қазишни маслаҳат берган эди. У узунлиги 5.5 км, эни 4.6 метр бўлган чуқурлик эди.

Мусулмонлар ўзларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитга эга бўлиб, душманга янгича, ўйлаб кўрмаган ҳарбий усулни қўлладилар. Бир ойлик узоқ қамалдан сўнг маккаликлар қўшини ва иттифоқчиларининг сабр-тоқати тугаб бўлди. Устига-устак кучли бўрон туриб уларнинг чодирларини йиқитиб, қозон-товоқларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Натижада маккаликлар чекинишга мажбур бўлдилар.

Милодий 627 йил

Ҳудайбия шартномаси, 10 йиллик сулҳ

10 йиллик сулҳ

Хандақ жангидан бир йил ўтиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умра (Маккадаги «Масжидул Ҳаром»да жойлашган Каъбани зиёрат қилиш ва бошқа ибодатларни бажариш)ни ўзаро келишув асосида ўтказишни таклиф қилдилар. Мазкур ибодатни адо этиш учун Маккани зиёрат қилиш диний ҳуқуқ эди ва Макка шаҳри Арабистон яриморолидаги барча одамларга бундай ҳуқуқни беришни ўз зиммасига олган эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни бир минг тўрт юз кишидан иборат оддий зиёратчилар билан Мадинадан Маккага келаётганларини кўриб, Макка бошлиқлари ҳайрон бўлдилар.

Бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Макка бошлиқлари билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида ўн йиллик сулҳга келишув бўлиб ўтди. Унга кўра, мусулмонлар бу йил Маккага кирмай қайтиб кетишлари ва келаси йил – милодий 628 йилда келишлари мумкин бўлади. Сулҳнинг бошқа кўплаб бандлари бўлиб, бу мусулмонлар учун аламли шартлар эди ва бир қарашда маккаликлар фойдасига хизмат қиларди.



Милодий 628–629 йиллар

Сулҳ давомида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг динини Арабистон яриморолидан ташқари бошқа давлатларга ҳам етказдилар

Бу сулҳ мусулмонлар зарарига эмас, балки Ислом динининг тўсқинликка учрамасдан тарқалишига яхши бир имконият яратиб берган эди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Муҳаммад алайҳиссалом араб қабилаларига вакиллар, қўшни давлатларга, Форс, Византия ва Мисрнинг амир ва подшоҳларига эса ўзларини Аллоҳ юборган элчи сифатида қабул қилишга таклиф қилиб, мактублар жўнатдилар. Айни сулҳ сабаб Ислом динини таниб, унга кирувчилар сони кўпайиб борди.



Милодий 630 йил

Маккадаги тинч ҳаётнинг барҳам топиши

Орадан икки йил ўтмасдан, маккаликлар иттифоқчилари томонидан 20 нафар мусулмоннинг ноҳақ ўлдирилиши билан сулҳ шартлари бузилди.

Бу даҳшатли ҳаракатга жавобан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн минг нафар мусулмон билан Маккани забт этиш учун юриш бошладилар ва улар ўзлари урушмас экан, ҳеч кимга қарши урушмасликни ўз аскарларига тайинладилар[7].

Макка бошлиқлари мусулмонлар билан жанг қилишга тайёргарлик кўришмагани учун ноқулай ҳолатга тушиб қолдилар. Мусулмонлар қўшини Маккага етиб келганида унинг аҳлига хитоб қилиб, Аллоҳни яккаю ягона деб тан олишга чақирдилар ва уларга Одам алайҳиссаломдан тарқаганларини, Одам алайҳиссалом эса тупроқдан яратилганини эслатдилар.



Шундан кейин Макка аҳолисидан «Сизларга нисбатан қандай муомала қилишимни кутяпсизлар?» деб сўрадилар. Улар: «Яхшиликни, эй саҳоватли биродар ва саҳоватли биродарнинг ўғли!» – деб жавоб беришди.

Оммавий афв этиш намунаси: олдинги йиллар давомида маккаликлар томонидан турли хўрлик ва тазйиқлар бўлганига қарамай, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан юмшоқ муомалада бўлдилар. У зот маккаликларга қарата: «Бу кун сизлар айбланмайсиз. Бораверинглар, сизлар озодсизлар», – деб хитоб қилдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу хитоблари жуда таъсирли бўлди ва кўплаб одамлар у зотга байъат қилиш учун ҳузурларига келиб, Исломни қабул қилдилар. («Сунани Байҳақий» 9/118,18342, 18343)

Милодий 630–631 йиллар

Араб қабилалари Исломни қабул қилдилар

Макка тинчлик йўли билан фатҳ қилинди. Арабистон яриморолидан кўплаб қабила вакиллари Исломни ўрганиш учун Мадинага кела бошлади. Ҳавазон қабиласидан ташқари бошқа кўплаб араб қабилалари Исломни қабул қилди. Ҳавазон қабиласи Ҳунайн номли урушда мусулмонларга қарши урушиб, мағлубиятга учради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча саҳобаларини Арабистон ерларига Ислом дини ва «Аллоҳнинг Рисолати»ни одамларга етказиш ва ўргатиш учун юбордилар.

Муҳамммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага қайтганларида у зотнинг асосий мақсадлари Муқаддас Каъбани бут-санамлардан тозалаш эди. У зот араблар томонидан ибодат қилиб келинган барча бут ва санамларни синдирдилар ва Каъбани яккаю ёлғиз бўлмиш Аллоҳнинг уйи сифатида қайта тикладилар.



Милодий 632 йил


Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув хутбалари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз зиммаларидаги вазифани адо этдилар ва у зотнинг ҳаётлари поёнига етиб қолди. Милодий 632 йил у зот ҳаж амалини адо этишга киришиб, юз мингдан кўпроқ кишига сўнгги хутбаларини қилдилар.

У зотнинг бу хутбалари Аллоҳнинг яккаю ёлғизлиги, ҳаётнинг қадр-қиммати, мол-мулкни ҳимоя қилиш, ирқий тенглик, адолат қоидалари, аёлларнинг хулқ-атворлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқларига оид эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам милодий 632 йили Мадинада Оиша онамиз ҳужрасида ўзларидан мол-мулк мерос қолдирмай, бу ҳаётни тарк этдилар. У зот ўзларидан улуғ мерос – Аллоҳнинг Китоби ва Ҳадиси шарифни мўмин-мусулмонларга қолдириб кетдилар.



Маккадаги тоғлар – Саудия Арабистони

Ҳиро ғори жойлашган Нур тоғининг кўриниши, Макка



«Масжидул Ҳаром»нинг юқоридан кўриниши, Макка шаҳри, Саудия Арабистони



Саудия Арабистони, Макка шаҳри ҳамда муқаддас масжид «Масжидул Ҳаром»нинг юқоридан кўриниши.
Сузан Эскандер фотосурати



منظر عام لمكة المكرمة قبل الغروب (تصوير جوي)

Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳдан илк ваҳий нозил бўлган Нур тоғи.
Саудия Арабистони, Макка шаҳри

Нур тоғидаги Ҳиро ғори.
Муҳаммад алайҳиссалом бу тоғда ибодат қилар, мавжуд борлиқ ва унинг ортидаги ажиб бир ижодкор қудрати хусусида тафаккур қилардилар.

Савр ғори, Мадинага ҳижрат бошланганда Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобалари Абу Бакр уч кун яширинган жой.

Қубо масжиди; Исломдаги биринчи масжид, «Масжидун-Набавий»дан 8 км жанубда, Мадина шаҳри, Саудия Арабистони.

Қубо масжиди, Саудия Арабистони, Мадина


Бадр ҳудудининг юқоридан кўриниши


Бадрдаги маккаликлар қўшини жойлашган жой


Бадр жангида Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобалари жойлашган жой


Бадр жанги бўлиб ўтган жой


Уҳуд тоғининг кўриниши

Уҳуд жанги бўлиб ўтган жой. Сурат камончилар жойлашган тоғни ва шаҳидлар қабристонини кўрсатмоқда. Бу ерга 70 дан ортиқ саҳоба ва У зотнинг севимли амакилари Ҳамза дафн қилинган.



Ҳандақ ғазоти

«Уҳуд» тоғи

Ҳарра минтақаси (Вулкон минтақаси)

Хандақ қазилган макон

Силъа тоғи


Мадина шаҳри

Ҳарра минтақаси (Вулкон минтақаси)





Мадина шаҳрининг фараз қилинган тарихий кўриниши, Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари «Масжидун-Набавий» атрофини уйлар ва хурмо дарахтлари ўраб турибди.

(Мадина илмий текшириш ва тадқиқотлар маркази лойиҳаси, Саудия Арабистони)



«Масжидун-Набавий»нинг замонавий кўриниши





Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан фақатгина Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрлари ва унинг аниқ жойи сақланиб қолган ва у зотга имон келтирганлар бу ҳақда ихтилоф қилмайдилар.

Муҳаммад алайҳиссалом ўз уйларига дафн қилиниб, ётган қабрлари «Масжидун-Набавий»га туташган.

Бу расм масжиднинг ён тарафи бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳозирги кунда алоҳида ўраб қўйилган қабрларини ва уйларини кўриш учун одамлар кирадиган жойни кўрсатиб турибди.

Эслатма шуки, у зот масжидга эмас, балки ўз ҳужраларига дафн қилиндилар. Валид бин Абдулмалик томонидан Байтуллоҳ атрофи кенгайтирилганда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг уйлари янги қурилган масжид биносининг бир қисми бўлиб қолди.

Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрлари (чапдан биринчи) Мадинадаги «Масжидун-Набавий» масжидида. Ундан кейинги қабрлар биринчи халифа (ворис, ўринбосар) ва Ислом жамиятинининг бошлиғи Абу Бакр Сиддиқ ва иккинчи халифа Умар бин Хаттобнинг қабрларидир.



Пайғамбар алайҳиссалом масжиди
Новшад Али фотосурати



ИЗОҲЛАР

1. Баъзи маълумот ва ҳисоб-китобларга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом милодий 571 йил туғилганлар.

2. Қуръони Карим асл араб тилида яккаю ягона пайғамбар Муҳаммад алайҳисссаломга нозил қилинган. Қуръони Карим маъноларининг таржималари турли тилларда: инглиз, француз, хитой, ўзбек ва бошқа кўплаб тилларда мавжуд. Бу таржималар Қуръони Карим деб номланмайди, балки унинг маъноларининг таржимаси ҳисобланади. Бу китобда Қуръони Каримдан келтирилган оятлар таржимасининг ўзбекча маънолари манбаси фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.


3. Баъзи маълумотларга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом ва Хадижа розияллоҳу анҳо 24 йил ва бир яна неча ой бирга ҳаёт кечирганлар.

4. Муҳаммад алайҳиссалом Тоиф шаҳрида қаршиликка учрадилар ва бу ерда энг ёмон муомалани бошдан ўтқаздилар. Тоифни жуда ҳам кўнгиллари совиган ҳолатда тарк этдилар ва у зот Тоифда Аллоҳга ажойиб дуо қилдилар (кейинги бетга қаранг, дуонинг тўлиқ матни бошқа китобларда келтирилган).

5. Ақоба ёки Байъа масжиди, яъни ваъда масжиди: Аббосий халифа Абу Жаъфар Мансур томонидан қурилган. Масжид Мадинадан келган мусулмонларнинг пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга байъат қилиб, Исломни қабул қилган жойларида қурилган.

6. Оз сонли мусулмонлар Маккада қолдилар ва Ясриб, яъни Мадинага ҳижрат қила олмадилар.

7. Ислом тақвими (ҳижрий йил ҳисоби) Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган кунларидан бошланади (тахминан, милодий 622 йил, 13 сентябрь). Маккада тинчликнинг ўрнатилиши эса тахминан милодий 630 йилнинг 8 январига тўғри келади.



Эй Аллоҳим! Қувватимнинг заифлигидан, чора-тадбиримнинг камлигидан ва одамлар олдида ожизлигимдан Сенга шикоятлар қиламан.

Эй меҳрибонларнинг меҳрибони, сен заифларнинг Хожасисан, Сен Роббимсан.

Мени кимларга ташлаб қўйдинг?! Мени нохуш қаршилайдиган бегоналарга қолдирдингми? Ёки ишимни душманимга топшириб қўйдингми?

Менга Сен ғазаб қилмасанг, бас, парво қилмасман.

Лекин сенинг офиятинг мен учун кенг мўл-ку! Зулматларни ёритган, дунё ва охират ишини ислоҳ қилган.

Юзингнинг Нури билан менга ғазабинг тушишидан ёхуд норизолигинг нозил бўлишидан паноҳ сўрайман.

Рози бўлгунингга қадар танбеҳинг устимгадир. Куч ҳам, қувват ҳам фақат Сенинг биландир.

Қисм

4

Пайғамбарлик



Япониялик хаттот Нобуко Сагава томонидан ишланган арабча хаттотлик намунаси

«Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик»

Сабаъ сураси, 28-оят



Жабалун-Нур – Нур тоғи
Макка – Саудия Арабистони

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва пайғамбарлик

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларини билмаганлар

У зот оддий ва содда ҳаёт кечирганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлмасдан олдин ҳам тўғрисўз, ҳалол ва амин деган фазилатлари билан Макка аҳли орасида танилганлар. У зот бут-санамларга сиғиниш кенг тарқалган кўпхудолик жамиятида яшасалар ҳам ҳеч қачон уларга ибодат қилмаганлар.

У зот ҳар доим бутун борлиқ ягона Аллоҳ тарафидан яратилган ва У уни бошқариб турибди, деб қаттиқ ишонар эдилар. У зот Макканинг 4 км шарқий томонида ва денгиз сатҳидан 634 м тепаликда жойлашган тоғдаги бир ғорга ёлғиз чиқиб кетиб, у ерда Аллоҳга ибодат қилиш билан машғул бўлардилар. Ибодатлари гуноҳлардан сақланиш, руҳий покланиш ва Аллоҳ ҳамда унинг махлуқотлари ҳақида фикр юритиш эди.

Ўқи

Бу «Жабалун-Нур» – Нур тоғи деб аталадиган тоғдаги Ҳиро номи билан машҳур бўлган бир ғор эди. Мана шундай ибодат билан машғул бўлаётган вақтларида Аллоҳ у зотга ўзининг биринчи ваҳийсини туширишни бошлади.


Ҳиро ғори

Бу хаёл ёки туш эмас эди

Муҳаммад алайҳиссалом ёшлари қирққа етиб, Ҳиро ғорига тез-тез борар ва у ғорда ибодат билан машғул бўлардилар. У зот Рамазон ойи(Ой ҳисоби бўйича тўққизинчи ой, тахминан милодий 610 йил)да шу ғордалик вақтларида фаришта Жаброил алайҳиссалом биринчи марта у зотнинг қаршисида пайдо бўлиб, «Ўқи!» деб хитоб қилдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кутилмаган ҳолдан қўрқиб кетдилар.

У зот ўқишни билмас эдилар ва нимани ўқишни ҳам билмадилар. Фаришта Жаброил яна «Ўқи!» дедилар ва яна «Ўқи!» деб қайтардилар, сўнгра у зот Аллоҳнинг қуйидаги оятларини ўқидилар:

> *«Яратган Роббинг номи билан ўқи. У инсонни алақдан яратди. Ўқи! Роббинг Карамлиларнинг карамлисидир. У қалам билан илм ўргатгандир. У инсонга билмаган нарсасини ўргатди».*
>
> Алақ сураси, 1 – 5-оятлар

Фаришта Жаброил алайҳиссалом шуларни етказиб, дарҳол ғойиб бўлдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қўрқиб кетдилар

Муҳаммад алайҳиссалом қўрқиб кетганларидан бу ерда қолмай, дарҳол уйларига қараб шошдилар. У зот титраб-қалтирар ва Хадижага ўзларига бир нарса бўлганини айтиб, ўраб қўйишларини сўрадилар. Хадижа у зотга: «Аллоҳ сизни ҳеч қачон хор қилиб қўймас, ахир сиз яқинларингизга силаи раҳм қиласиз, муҳтожлар ҳолидан хабар оласиз ва бошига мусибат тушганларга ёрдам берасиз», – деб таскин берди.



Бу сурат Абдулмажид Ноэрат томонидан Муҳаммад сўзининг арабчада, шакл бериб ёзилганидир. Бу худди Нур тоғини ифодалаётгандек гўё.

Бу илоҳий ваҳийми ёки шайтоний васвасами?

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига бир кор-ҳол бўлмаса эди, деб қўрқиб кетган эдилар. У зот ўзларида рўй берган ҳолатни тушунмай, Хадижа розияллоҳу анҳо билан амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал ҳузурига бирга бордилар. Варақа насронийлик динида бўлиб, Инжилни тиловат қилар ва уни яхши билар эди. У Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларини обдан эшитиб, уни пайғамбарлик келгани билан қутлади ва бу худди яҳудийлар пайғамбари Мусога нозил қилинган ваҳийга ўхшаган ваҳий эканини айтиб берди. Варақа Муҳаммад алайҳиссаломга ёрдам беришни жуда ҳам хоҳласа-да, кексайиб қолгани учун ёрдам бера олмаслигини айтиб, афсусланди. У пайғамбаримизга Маккадан ўз аҳли томонидан ҳайдаб чиқарилишларини ва баъзилари у зотга очиқдан-очиқ адоват йўлини тутиб, қаттиқ қаршилик қилишларини хабар берди.

Сен Аллоҳнинг пайғамбарисан

Муҳаммад алайҳиссалом ўзларига келиб олишлари учун бир неча кун тоққа чиқмай турдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, Жаброил фаришта яна у зотнинг қаршисида пайдо бўлиб, илоҳий ваҳийни барча инсонларга етказиш учун Аллоҳнинг пайғамбари этиб танланганлик хабарини етказди ва мана бу оятларни ўқиб берди:

> *«Эй бурканиб ётган! Тур ва огоҳлантир! Ва Роббингни улуғла! Ва кийимингни покла! Ва азоб (сабабчиси, яъни гуноҳ ишлардан)дан четлан! Ва кўп (иш) қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма. Ва Роббинг учун сабр қил».*
>
> Муддассир сураси, 1 – 7-оятлар

Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил давомида ваҳий оятларини етказиб турдилар. Бу вақт мобайнида Аллоҳнинг рисолати Қуръони Карим инсониятга тўлиғича нозил бўлди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам барча инсонларга Аллоҳнинг рисолатини етказдилар

У зот милодий 610 йилда қабул қилган ваҳий тақозосига кўра ҳаракат қилдилар. У зот Арабистондаги ва ундан ташқаридаги одамларни ягона Аллоҳга имон келтиришга ва бутун инсониятга ҳидоят маёғи бўлган Аллоҳнинг буйруқларига итоат этишга даъват этдилар.

Рисолатнинг асл маъно-моҳияти қандай эди?

Имон ва қонун

Ислом рисолати тавҳид ақидасига асосланган, яъни яккаю ягона Аллоҳга имон келтириш, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган хабарларни тасдиқлаш ва унинг ҳукмлар тўплами, буйруқ ва қайтариқларидан иборат шариатга итоат этишдир. Шариат бир тизим ва қонун-қоидалардан иборат бўлиб, одамларнинг қайси амални қилиш ва қилмаслик, ўзаро муомала, одоб-ахлоқ ҳамда руҳоний ҳаётларини тартибга солади.

Шариат асосан учта катта қисмга бўлинади: 1. Ибодат: намоз, рўза, закот, ҳажга бориш ва бошқа ибодатлар. 2. Муомалот: инсонлар ўртасидаги муносабатлар, яъни адолат қилиш, инсонлар ҳақ-ҳуқуқлари, тижорат ва савдо ахлоқлари, мерос масалалари ва бошқалар. 3. Ахлоқлар: тўғри ҳаракатлар, одоб-ахлоқ қоидалари ва қадриятлар (ҳалоллик, самимийлик, тўғри сўзлилик, ўзаро муҳаббат, ҳамкорлик ва бошқалар).



Муҳаммад алайҳиссалом Ислом келган пайтдаги дастлабки 13 йил давомида имон-эътиқод, тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги) ва ўзларига ваҳий орқали хабар берилган ширкдан йироқ бўлиш ҳақидаги ақидавий таълимларни одамларга етказдилар. Ҳижратдан сўнг эса Мадинада шариат ва унинг ҳукмлари ҳақидаги оятлар нозил бўлди ва у зот шуни одамларга билдириш ва унинг татбиқига эътибор бердилар.


Аллоҳнинг буйруқлари

«Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб эшиттирай: (1) Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар; (2) ота-онага яхшилик қилинглар; (3) очликдан қўрқиб фарзандларингизни ўлдирманглар, чунки сизларни ҳам, уларни ҳам Биз ризқлантирамиз; (4) бузуқликларнинг ошкорига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманглар; (5) Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган бирор жонни ноҳақ ўлдирманглар. Ушбуларни сизга амр қилдикки, шояд, ақл юритсангиз», – деб айт.

(6) Вояга етмагунларича етимлар молига тегманглар, уни кўпайтиришга бўлса, майли;

(7) Ўлчов ва (8) тарозини инсоф билан тўлдириб беринглар. Бирор кимсага тоқатидан ортиқ нарса юкламаймиз; (9) сўзлаганда қариндошингиз зиддига бўлса ҳам, инсофдан чиқманглар; (10) Аллоҳга берган ваъдангизга вафо қилинглар. Булар насиҳат олишингиз учун буюрилган.

Анъом сураси, 151 – 152-оятлар



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таълимларини Ҳабашистонда амалий таништириш

Жаъфар ибн Абу Толиб динини ва ўзини ҳимоя қилиш учун Ҳабашистонга (ҳозирги Эфиопия, Африка) ҳижрат қилган саксон нафар мусулмондан бири эди. Бошпана сўраган мусулмонлар номидан Ҳабашистон подшоҳига Жаъфар шундай деди:

«Эй подшоҳ! Биз жаҳолатда яшаб юрган қавм эдик. Бут-санамларга ибодат қилиб, ўлимтикларни ер эдик. Фаҳш ишлардан бошимиз чиқмасди. Қариндошлик алоқаларини узиб, қўни-қўшнилар ҳақини адо этмасдик. Кучли ва зўравонлар заиф ва ночорларни эзарди. Ана шундай яшаб юрганимизда Аллоҳ бизга ўз орамиздан пайғамбарни юборди. Биз унинг насаби улуғлиги, аминлиги ва омонатдорлиги, бениҳоя иффат ва ҳаёли киши эканини яхши билар эдик.

У бизларни яккаю ягона Аллоҳга имон келтиришга, У Зотга ибодат қилишга, У Зотдан бошқа ўзимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган тошларни ва бутларни тарк қилишга чақирди. У бизни ростгўй бўлишга, омонатни адо қилишга, ҳаромдан ва қон тўкишдан ҳазар қилишга буюрди. У бизларни фаҳш ишлардан, ёлғон сўзлашдан, етимларнинг молини ейишдан, покиза ва маъсума аёлларга туҳмат қилишдан қайтарди.

Биз уни тасдиқладик ва унга имон келтирдик. Биз у Аллоҳдан келтирган хабарларга эргашдик. Шунда қавмимиз бизга адоват қилди. Улар бизни имонимиздан қайтариш учун бизни динимизга амал қилишдан олдинги ҳолимизга қайтармоқчи бўлишди. Улар бизни Аллоҳ таолонинг ибодатидан бутларга ибодат қилишга бурмоқчи бўлиб, зулм ва тазйиқлар ўтказганларидан безиб, сизларнинг юртингизга нажот излаб келдик. Эй подшоҳ! Бошқаларни қўйиб сизни ихтиёр қилдик, сизга қўшни бўлишга рағбат қилдик. Сизнинг ҳузурингизда зулмга учрамасак керак, деб умид қилдик».

Христианлик динидаги подшоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динидан хабар топди

Жаъфарнинг сўзидан кейин художўй бўлган Ҳабашистон подшоҳи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган Китобдан бирор оятни ўқиб беришини сўради. Жаъфар Исо алайҳиссаломнинг онаси ҳақидаги Марям[1] сурасининг дастлабки оятларидан тиловат қилиб берди. Бу оятларни эшитган подшоҳ йиғлади, соқоллари йиғидан ҳўл бўлди. Подшоҳ йиғидан тўхтаб:


Negash Mosque Tigray, Ethiopia

«Албатта, ушбу Муҳаммад алайҳиссалом келтирган нарса ва Исо келтирган нарса бир манбадан чиққандир», – деди.





Ислом Рисолати

Исломни содда қилиб тушунтирганда


Абдул Азиз Рашидий хаттотлик намунаси

«Ислом» сўзининг маъноси *ягона Аллоҳга бўйсуниш ва Унга ўзини топшириш* демакдир. Бу яккахудолик дини бўлиб, унга кўра Аллоҳ яккаю ягона ва ўхшаши йўқ ҳисобланади. Аллоҳнинг шериги ёки фарзандлари йўқдир, У туғмаган ва туғилмагандир ва У бутун оламни ва ундаги мавжудотларни яратган. Аллоҳ ҳақ илоҳдир ва Ундан ўзгалар ибодатга муносиб эмас. Ҳар бир мавжудот Аллоҳга муҳтож. Аллоҳ эса ҳеч кимга муҳтож эмас.

Худонинг исми

Унинг исми Аллоҳдир. Бу узун унли «о» билан Аллоох деб талаффуз қилинади. Аллоҳнинг яна гўзал исм ва сифатлари бор. Баъзи сифатлари Инжилда ҳам мавжуд. Масалан, араб тилидаги Қуддус сифати иброний тилидаги муқаддас маъносини англатувчи Қадош ёки Ҳаккадош сўзларига яқин. Араб тилидаги Аҳад исми ҳам иброний тилидаги Эчад исмига яқин ва «битта» деган маънони англатади. Исломда кўпроқ Аллоҳ меҳрибон ва раҳмли деб зикр қилинади.

Форсча	Арабча	Ибронийча	Оромийча
Худо	Аллоҳ	Элоҳим	Алаҳа

Изоҳ:
Аллоҳнинг оят ва ҳадисларда келган 99 та гўзал исм ва сифатлари мавжуд

«*У – Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У ғойибни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир.*
У – Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У – Малик, У – Қуддус, У – Салом, У – Муъмин, У – Муҳаймин, У – Азиз, У – Жаббор, У – Мутакаббир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир.
У – Аллоҳ – Холиқ, Бориъ, Мусоввир. Барча гўзал исмлар Уникидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этади. Яна У – Азиз ва Ҳакимдир».

Ҳашр сураси, 22 – 24-оятлар

Истиқоматда бўл

Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам ва Ислом

Бир одам Муҳаммад алайҳиссаломдан Ислом динини жуда содда қилиб тушунтириб беришларини ва ундан кейин бу ҳақда бошқа бир инсондан сўрашга ҳожат қолмаслигини сўради. Шунда у зот:

«Имон келтирдим, деб айт, сўнгра истиқоматда бўл (яъни Аллоҳга итоат қилиб, Унга мухолиф бўлишдан ўзингни тийгин)», – дедилар.

Ислом ақидасини қабул қилиш сўзларда, хатти-ҳаракат ва амалларда мутаассибликка оғмайдиган мўътадил ҳаёт тарзини тақозо этади.

Ислом ва тинчлик

Луғавий жиҳатдан «Ислом» сўзи араб тилидаги зарардан холи маъносидаги «салама» сўзидан олинган ва бу сўз тинчлик маъносини англатувчи «салаам» сўзи билан боғлиқдир. «Ислом» сўзи эса «бўйсуниш», «тоат», «ихлос», «тинчлик», «сулҳ» маъноларини билдиради.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон – мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одам», – дедилар. Яъни одамлар унинг тилидан ёки ҳаракатларидан бирор зарар кўрмасликлари керак.



Исломда «Салом» сўзи Аллоҳнинг гўзал исм ва сифатларидан биридир. Ким Аллоҳга бўйсунса, у ўзида ички хотиржамликни, тинчликни топади ва одамлар билан тинчликда, атроф-муҳит билан эса фаровон ҳаёт кечиради.

Мусулмон жамиятида одамлар ўзаро бир-бирлари билан «Ассалому алайкум» деб саломлашадилар, бунинг маъноси «Сизга тинчлик, саломатлик, офият тилайман» дегани. Саломлашишнинг тўлиқ шакли эса «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу» бўлиб, маъноси «Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин» деганидир.

Мусулмонлар ёки Муҳаммадийлар?

Бошқа динлардан фарқли ўлароқ, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашувчилар «Муҳаммадийлар» деб номланмайдилар. Исломни қабул қилган инсон «Муслим», яъни Аллоҳга ва Унинг расули Муҳамммад алайҳиссаломга сўзсиз итоат этган одам деб номланади.


Ислом ақидаси (имон)нинг етти асоси

Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканига, ўлгандан кейин қайта тирилишга имон келтиришдир.

Ислом дини рукн (асос)лари ва унга амал қилиш


Ислом дини мусулмон инсон бажариши фарз ҳисобланадиган беш асосга қурилган.

1	Шаҳодат	Шаҳодат калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир)
2	Намоз	Бир кеча ва кундузда беш маҳал намоз ўқиш
3	Рўза	Рамазон ойи рўзасини тутиш
4	Закот	Моли нисобга етса йилда бир марта закот бериш
5	Ҳаж	Агар молиявий ва жисмоний тарафдан йўлга қодир бўлса, умрида бир марта Маккадаги Каъбани (Аллоҳнинг уйи)ни ҳаж-зиёрат қилиш




1. Ислом динининг шаҳодат калимасини тилга олиш – Шаҳодат.

Бу Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва У барча нарсаларни яратувчиси эканлигини тан олишдир.




أشهدُ أن لا إله إلا الله وأشهدُ أنَّ محمداً رسول الله

Бирор инсон мусулмон бўлиши учун «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули эканлигига гувоҳлик бераман», деб шаҳодат калимасини тили билан айтиши ва дили билан тасдиқлаши керак бўлади. Араб тилида у қуйидагича талаффуз қилинади: «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳуу ва росуулуҳ»



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳнинг пайғамбари ва расули деб имон келтириш у зотдан олдин келган Аллоҳнинг барча пайғамбар ва расулларини тасдиқлаш билан бўлади.




Бу шаҳодат калимасининг араб тилида, хаттотлик ҳуснихатида ёзилишидир. Бу ёзувнинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад У Зотнинг бандаси ва расули эканлигига гувоҳлик бераман».

Исломдаги амаллар

2. Ҳар кунги намозларни тўкис адо этиш: солат

Ислом динида намоз ибодатдир. Намоз бандани яратувчи билан алоқа ўрнатишига ва унга яқинлашишига ёрдам беради. Бир кунда белгиланган вақтда беш маҳал намоз ўқиш ҳар бир мусулмон учун фарздир. Намоз ибодатининг моҳияти Аллоҳни мақташ, улуғлаш ва қалб, тил ва жисм билан Унга шукр келтиришдир.



«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен албатта яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қилурман. Бас, Менга ҳам ижобат қилсинлар ва имон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар».

Бақара сураси, 186-оят

Фикрни жамлаш

Намоз арабчада «солат» дейилиб, луғатда «яхшиликка дуо» деган маънони билдиради. Ҳар бир намозда Аллоҳга эгилиш, сажда қилиш каби жисмоний амаллар мавжуд. Намоз ўз бандасини Аллоҳга бўйсиниш даражасини кўрсатиб беради. У адо қилинаётган вақтда тўлиқ фикрни жамлашни ва дунё ишларини унутишни талаб қилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда саждага борган вақтида Аллоҳга энг яқин бўлади», – деганлар.

Ҳар куни беш маҳал намоз ўқиш баъзи одамларга кўпдек туюлади. Аслида эса у, энг аввало, инсоннинг руҳияти учун фойда бўлиб, кунига қирқ дақиқадан кўп бўлмаган вақтни олади. Биз ҳар куни уч-тўрт маҳал овқатлансак, бунга кетган вақтимиз учун ҳеч қачон шикоят қилмаймиз. Овқат танамиз яшаши учун керак. Худди шу каби руҳимиз ҳам озуқа олиши керак. Руҳ эса асосий озуқани беш вақт намозимиздан олиб туради. Намознинг бошқа кўпгина жисмоний ва маънавий фойдалари мавжуд бўлиб, у ҳақда алоҳида китоб ва рисолалар битилган.

3. Закот бериш

Йиллик соф маблағнинг 2.5%

Закот ислом динининг асосий рукнларидан биридир. Бойлиги нисобга етган одамнинг қамарий тақвим бўйича бир йилда бир марта белгиланган миқдор (2.5%)ни ҳақдорларга бериши «закот» дейилади. Закот фақир, мискин, қарздор ва бошқа шариат белгилаб қўйган инсонларга берилади.

Закот инсон қалбини очкўзлик иллатидан поклайди ва камбағаллар қалбидан нафрат ва худбинликни кетказади. Бу ижтимоий бирдамликни, ҳамкорликни, раҳм-шафқатни ва ҳурматни тарбиялайди. Закот бутун жамият фаровонлигини таъминлайди ва ижтимоий адолатга эриштиради.

4. Рамазон ойи рўзасини тутиш



Исломда Ой тақвими бўйича Рамазон ойида тўлиқ бир ой (29 ёки 30 кун) тонг отганидан то кун ботгунича рўза тутиш талаб этилади. Рўза тутиш вақтида мусулмонлар ният билан таом ейиш, ичимлик ичиш, жинсий яқинлик қилиш ва бемаъни ва лағв сўзлардан тийиладилар.

Аллоҳ розилиги учун рўза тутиш, аслида, ризқ фақат Аллоҳдан эканини тушуниб етишга ёрдам беради.

Одамлар қачон очликни ҳис қилсалар, камбағаллар ва очликдан қийналиб, қорни тўйиб-тўймай ҳаёт кечираётган кишилар ҳолатини яқиндан ҳис этадилар. Рўза тутиб, очликни ҳис қилган бойлар қалбида кўпроқ хайр-эҳсон қилишга рағбат пайдо бўлади. Бу камбағаллар ва бойлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаб, ижтимоий тенгликни вужудга келтиришга ёрдам беради.

Рўза инсон нафсини жиловлашга ва ўзини бошқаришга одатлантиради, руҳий жиҳатдан покланишга кўмаклашади. Рўза тутишнинг бундан бошқа кўпгина тиббий фойдалари ҳам борки, табиблар ҳатто баъзи беморларни даволашда уларга рўза тутишни тавсия этадилар.

Ой тақвими номлари	
1	Муҳаррам
2	Сафар
3	Рабиъул аввал
4	Рабиъус-соний
5	Жумодул аввал
6	Жумодус-соний
7	Ражаб
8	Шаъбон
9	**Рамазон**
10	Шаввол
11	Зулқаъда
12	**Зулҳижжа**


5. Маккани зиёрат қилиш. Ҳаж

Ният билан Зулҳижжа ойида Макка шаҳридаги Масжидул Ҳаромда жойлашган Каъбани зиёрат қилиш ва бошқа махсус амалларни бажариш ҳаж ҳисобланади. Бу Исломнинг бешинчи рукнидир. Балоғатга етган, ақли расо, оила-рўзғори эҳтиёжидан ортиқча озуқаси, мол-мулки бор, жисмонан соғлом, йўли бехатар ва очиқ кишига умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир.

Ирқи ва миллатидан қатъи назар, барча инсонлар Ислом дунёсининг руҳий марказига Одам алайҳиссалом фарзандлари ва Иброҳим алайҳиссалом миллатидан эканликларини тасдиқлаган ҳолда йиғиладилар.

Ягона Аллоҳ, Ягона Рисолат

Қуръони Каримда набийлар ва расуллар



Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин одамларни тўғри йўлга бошлаш учун набийлар ва расуллар юборган. Уларнинг барчаси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини тан олишга, фақат У Зотга ибодат қилишга ва итоат этишга чақирганлар.

Аллоҳ пайғамбарларни одамларга яшашдан мақсад нима эканлигини, тўғри йўлдан адашмаслик ва яхши хулқ-ахлоқларни ўргатиш учун юборган.

Қуръони Каримда 25 нафар пайғамбарнинг номи зикр этилиб, улардан баъзи бирларининг қиссаларига кўпроқ урғу берилган. Масалан, Қуръони Каримда Одам алайҳиссалом 25 марта, Нуҳ алайҳиссалом 43 марта, Иброҳим алайҳиссалом 69 марта, Мусо алайҳиссалом эса 136 марта ва Исо алайҳиссалом 25 марта тилга олинган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли худди бирор ким бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан биргина ғиштнинг ўрнини бўш қолдирган ҳолатига ўхшайди. Одамлар уйни айланиб кўриб, қойил қоладилар ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» –, дейдилар. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман», – деганлар. («Саҳиҳул Бухорий», 4734, 4735)

«Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик. Ҳеч пайғамбар Аллоҳнинг изнисиз оят (мўъжиза) келтирган эмас».

Ғофир сураси, 78-оят

Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Исога берилган нарсага ва пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага имон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз».

Бақара сураси, 136-оят



Забур, Таврот, Инжил ва Қуръони Карим Аллоҳнинг инсониятга юборган ваҳийларидир

Аллоҳнинг Қуръони Каримдан олдин юборган Китобларига имон келтириш Ислом динидаги имоннинг асосий шартларидан бирибдир. Ушбу ақидасиз ҳам имонли бўлиш мумкин эмас. Илоҳий китобларга имон келтиришнинг маъноси ўша китобларнинг асли Аллоҳнинг каломидан иборат эканига ишонмоқдир.

Қуръони Каримдан олдин келган илоҳий китобларга инсонлар томонидан ўзгаришлар киритилган. Ҳозирги кунда бузилмай, ўзгариш киритилмай қолган ҳақиқий, бирдан-бир илоҳий китоб Қуръони Каримдир. Қуръонни уламолар қуйидагича таърифлайдилар:

«Қуръон Аллоҳнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилган, тиловати ибодат ҳисобланадиган, ожиз қолдирувчи каломидир».

«***Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор***».

Моида сураси, 44-оят

«***Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир***».

Моида сураси, 46-оят

«***Ва Биз сен (Муҳаммад)га китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги Китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик***».

Моида сураси, 48-оят

«***Ана ўшалар, Аллоҳ неъмат берган зотлар пайғамбарлардан, Одам зурриётидан, Нуҳ билан бирга (кемада) кўтарганларимиздан, Иброҳим ва Исроилнинг зурриётидан, ўзимиз ҳидоят қилган ва танлаб олганлардандир. Уларга Роҳманнинг ояти тиловат қилинса, йиғлаб саждага йиқилардилар***».

Марям сураси, 58-оят

Пайғамбар алайҳиссаломлар	Муҳаммад	Исо	Мусо	Иброҳим
Тахминий даври	милодий 571–632	милодий 1–33	милоддан авв. 1400	милоддан авв. 1700
Тахминий умри	63	33	120	175

Муҳаммад ﷺ ва Иброҳим عليه السلام

Яҳудийлар ва Христианлар Иброҳим алайҳиссаломни ўз динининг отаси деб ҳисоблайдилар. Пайғамбарларнинг аксари уларнинг авлодидан бўлганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари ҳам уларнинг биринчи ўғли – кўп араб қабилаларнинг отаси Исмоил алайҳиссалом авлодига бориб тақалади. Бошқа тарафдан, Бани Исроил ва Яъқуб, Юсуф, Ҳорун ва Мусо алайҳиссалом каби кўп пайғамбарлар Ибоҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссалом авлодидандир.

Одам
Идрис
Нуҳ
Иброҳим
Исҳоқ
Исмоил
Яқуб
Қидор
Мусо
Исо
МУҲАММАД

Соф қалби ва теран ақли ила ҳақиқатни излаган Иброҳим алайҳиссалом Қуръони Каримда тез-тез тилга олинган. У зот қуёш, ой, бут-санамлар ёки бошқа яратилган нарса ёхуд мавжудотлар Аллоҳ бўла олмаслигини англаб етганлар. Аллоҳ бутун оламни ва барча мавжудотни яратувчисидир. Фақатгина Аллоҳ ибодат қилиш учун муносибдир. У яккаю ягонадир, Унинг шериги йўқ. Иброҳим алайҳиссалом ўз ҳаётларини одамларга яккахудоликни таълим беришга бағишлаб, айни йўлда кураш олиб борганлар. У зот самимий, ҳалол, кўп шукр қилувчи ва Аллоҳга итоатли эканликларини кўрсатиб бердилар. Иброҳим алайҳиссалом тарихда подшоҳларнинг подшоҳи ҳамда бутун дунё ва мавжудотларнинг эгаси Аллоҳга тўлиқ итоат этиш борасида энг буюк ва унутиб бўлмайдиган намунани намойиш этганлар.

«***Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди***».

Нисо сураси, 125-оят

Ягона Аллоҳ

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга қандай итоат қилиш кераклигини кўрсатиб берганлар, амали ва сўзи тўғри инсон эдилар, шунинг учун Қуръони Каримда «Аллоҳнинг дўсти» деб улуғланганлар. Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни бу дунёда энг яхши инсонлардан бири ва охиратда эса солиҳлардан қилиб танлаб олган (Нисо сураси, 125-оят, Бақара сураси, 130-оят). Аллоҳ Уни тўғри динга бошлади ва «имом» қилди, яъни одамларга бош қилди (Бақара сураси, 124-оят) ва уни Ўзининг уммати деб атади (Наҳл сураси, 120-оят).

Мусулмонлар Иброҳим алайҳиссаломни ўзларига «Мусулмонлар» (яъни яккаю ягона Аллоҳга ишонган ва унга бўйсунган инсон) деган номни берган инсон сифатида ҳам қадрлайдилар.

«***Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган эди***».

Оли Имрон сураси, 67-оят

Изоҳ: Иброҳим исми аслида Абрам ёки Аврамдир ва бу араб тилида «Иброҳим» деб ёзилади ва талаффуз қилинади. Роман Католик черкови Иброҳим алайҳиссаломни «Имонда бизнинг отамиз» дейди. Шарқ православ черкови эса уни «Солиҳ ота-бобо Иброҳим» деб эслайди.



Ибодат қилинадиган биринчи бинога Одам алайҳиссалом ерга туширилганларида тамал тоши қўйилган. Иброҳим алайҳиссалом фарзандлари Исмоил алайҳиссалом билан биргаликда шу бинони қайтадан қуриб, деворини кўтарганлар. Бино куб шаклида барпо қилинган бўлиб, «Каъба» деб аталади. У ҳозирги Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида жойлашган. Аллоҳ Иброҳим ва унинг зурриётлари Исмоил алайҳиссаломларга Аллоҳга ибодат ва сажда қилувчилар учун Каъбани поклашни буюрди. Аллоҳ у гўшани одамлар учун ибодат қиладиган ва хавф-хатар етмайдиган омонлик жойи қилиб қўйди.

Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом дуолари

«Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли Зотсан».

Бақара сураси, 128-оят



Саудия Арабистони, Макка шаҳридаги Муқаддас Масжид («Масжидул Ҳаром»). Бу Ислом динидаги муқаддас масжид. Қора рангдаги бино эса Каъбадир. Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломга Ўзини улуғлаш ва Унга, яъни яккаю ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш учун Каъбани қуришни буюрган. Намозда Каъба намозхоннинг юзланадиган томони ҳисобланади.



Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам «Масжидул Ҳаром»да намоз ўқиш улуғ ажр-савобга сабаб бўлишини таъкидлаганлар. Бу ерда ўқилган бир ракат намоз учун юз минг ракат намознинг ажр-савоби берилади.



Ҳаж

Ҳар йили уч миллиондан ортиқ мусулмон Маккадаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб, «Ҳаж» амалини бажаради. Бу Исломнинг бешинчи рукни бўлиб, иқтисодий ва жисмоний имконияти бор инсон умри давомида бир марта ҳаж қилиши фарз ҳисобланади.


Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж қандай адо этилишини ўргатганлар, унинг бир қанча амаллари Иброҳим алайҳиссалом билан боғлиқ, бу ҳақда кейинги мавзуларда тўхтаб ўтилади. Муҳаммад алайҳиссалом Каъбанинг атрофида айлана шаклида ҳаракатланганлар. Бу «Тавоф» деб номланади.

Айланиш етти марта, соат милининг ҳаракатига қарши бўйлаб, Аллоҳга бўйсуниш мақсадида амалга оширилади. Бу худди сайёралар ҳаракатига уйғунлашиб кетади.

Сўнгра Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қураётганларида қаерда турган бўлсалар, Муҳаммад алайҳиссалом ўша

ернинг орқасида намоз ўқиганлар. Ҳозирги кунда бу жой ўраб қўйилган бўлиб, у Иброҳим алайҳиссалом оёқларининг изи тушган тошни ўз ичига олади. Бу «Мақоми Иброҳим» деб аталади.

Шундан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо ва Марва тепаликлари орасида юрганлар.



Худди айни жойда – икки тепалик орасида минг йиллар олдин Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни ўз ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан ташлаб кетганларида, Ҳожар онамиз сув қидириб у ёқ-бу ёққа бориб келаверганлар. Иброҳим алайҳиссалом бу ерларни ибодат жойи бўлишини хоҳлаган Аллоҳнинг буйруғига итоаткорлик сифатида бўйсуниб, Ҳожар онамиздан шу ерда қолишни сўраган эдилар.

Ҳожар онамиз сув қидириб у ёқ-бу ёққа бориб келган икки тепалик яъни Сафо ва Марва орасидаги масофа тахминан 395 метр. Бу икки тепалик ўртасида юриш «саъй» деб аталади. Яъни Сафо ва Марва тепаликлари орасида илдам қадамлар билан юрилади ва бу Ҳожар онамизнинг худди шу жойда сув қидириб юрганига ўхшаб кетади.

Шунингдек, саъй кундалик ишларимиз, фаолиятимиз ва ҳаётимиз давомида қиладиган амалларимизга ўхшаб кетади. Бу амаллар яхшилик ва фойдали мақсадларга қаратилган бўлиши, дунё ва инсониятга яхши фойда келтириши керак.

Саъй 7 та даврадан (умумий масофа 2.76 км) иборат, у Сафо тоғидан бошланиб, Марвада тугайди.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган бошқа ҳаж амалларидан бири – бу ҳозирги кунда Мино (Макаддан 8 км шарқда жойлашган ер)даги «Жаморот» деб аталувчи жойга борганларидир. Бу ерда у зот Иброҳим алайҳиссаломнинг амалларига тақлидан тош отганлар. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, ўз ўғлини қурбонликка олиб кетаётганида, уларнинг йўлини шайтон тўсиб чиқади ва уни йўлдан урмоқчи бўлади. Шунда Иброҳим алайҳиссалом бир неча марта тош отиб, уни қувлайдилар. Ҳожилар бу амални бажараётганда ёмонлик ва ўзларидаги шайтоний майл-истакларга қарши чиқишни амалда кўрсатадилар.







Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғилларини қурбонлик қилдирмай, ўрнига қўчқорни беради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун Иброҳим алайҳиссаломнинг қурбонликлари рамзи сифатида қўй, эчки, мол ва туя каби ҳайвонлардан бирортасини сўйишни таълим берганлар.





Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кунлик беш вақт намознинг ҳар бирида Иброҳим алайҳиссалом ва унинг оилаларини дуо қилишни ўргатганлар, яна шуни таъкидлаш керакки, Муҳаммад алайҳиссалом ёшлигида вафот этган ўз ўғилларидан бирига «Иброҳим» деб исм қўйганлар.

Сен: (Эй Муҳаммад) «Албатта, Мени Роббим тўғри йўлга – рост динга – тўғриликка мойил Иброҳим миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди», – деб айт!

Анъом сураси, 161-оят



Иброҳим алайҳиссалом Фаластиннинг Ҳеврон шаҳрида дафн этилган. Бу пайғамбарнинг мақбарасини ўз ичига олган қурилиш мажмуаси «Ал-Масжид Ал-Иброҳимий» (Иброҳимнинг масжиди) деб номланади. Мусулмонлардан бошқа халқлар эса уни «Патриархнинг мақбараси» деб атайди.

Бино асосан икки тўғри бурчакли минорадан иборат тўрт бурчак шаклидаги катта масжиддир.

Шунингдек, у бир қанча хоналарни ва бир қатор ер ости ғорларини ўз ичига олади. Мазкур бинонинг марказий қисмида Иброҳим алайҳиссалом билан Сора онамизнинг ёдгорликлари мавжуд.

Жанубий хонада (ибронийча «Оҳел Йитжак») Исҳоқ алайҳиссалом ва Рифқанинг ёдгорликлари, унинг шимолий хонасида Ёқуб алайҳиссалом ва Лиянинг ёдгорликлари мавжуд.

Исҳоқ, Яқуб, Сораҳ, Рифқа ва Лиянинг асотирлари бино остидаги ер ости хоналарида сақланади.








Иброҳим алайҳиссалом ёдгорлиги

Ислом таълимоти қабрларга ёки дафн этилган марҳумларга ибодат қилишни ва илтижо қилиб сўрашни тақиқлайди. Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: «Агар сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан сўра ва агар ёрдамни истасанг, Аллоҳдан иста».

Изоҳ: Ислом таълимотига кўра, қабрлар улуғланмайди ва ҳамда қабрлар ер сатҳидан жуда баланд кўтарилиб кетмаслиги керак.



Аллоҳ гаплашган инсон

Муҳаммад ﷺ ва Мусо عليه السلام

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар Мусо алайҳисссаломни мақтаб, уни Қиёмат куни Аршнинг бир томонини ушлаб турганини кўришларини айтганлар.

(«Саҳиҳул Бухорий», 4/157, 3408. 4/159, 3414)

Муҳаммад алайҳиссалом Мадинага келганларида, яҳудийларнинг Ашуро куни (Аллоҳ Бани Исроил ва Мусо алайҳиссаломни Фиръавн зулмидан асраб қолган кун) рўза тутаётганларини кўриб, мусулмонларга ўша куни рўза тутишни буюрдилар. Чунки Мусо алайҳиссалом шу куни душмандан қутулганликлари учун Аллоҳга шукр тариқасида рўза тутганларини билдирган эди.



(Ашуро куни ҳижрий тақвимнинг биринчи ойи – муҳаррамнинг ўнинчи кунидир).




Қуръони Каримнинг тахминан учдан бир қисми Мусо алайҳиссалом билан Бани Исроил қиссалари баёнидан иборат. Шу билан бирга, Қуръони Каримда Бани Исроилга юборилган Ҳорун, Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар каби пайғамбарларнинг қиссалари ҳам зикр қилинган.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом билан гаплашиб, уни энг улуғ ва энг кўп машаққат чеккан беш нафар пайғамбар (Улул-азм) орасида зикр қилгани ва улардан аниқ аҳду паймон олганини Қуръони Карим таъкидлайди. Булар Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Мусо алайҳиссалом Фаластин диёри ва Ўлик денгиз кўриниб турадиган Небо тоғи яқинида вафот этганлар. Бу тоғда маҳобатли мақбара барпо этилиб, ҳозирги кунда у жой Иорданияда зиёратчилар учун диққатга сазовор маскан бўлиб келмоқда.



Мусо ва Муҳаммад алайҳиссалом ўртасида кўп ўхшашликлар бор. Иккаласи ҳам пайғамбар, ҳам расулдир ва уларга Аллоҳ Китоб нозил қилган ва улар Аллоҳнинг шариатини ва амрларини одамларга етказганлар. Улар ўз умматлари билан кўп вақт бирга яшаганлар ва уларни ҳидоятга даъват этганлар. Ҳар иккиси ҳам оила тутиб, фарзандлар кўриб, тарбия қилганлар.





98

Муҳаммад ﷺ ва Исо عليه السلام

Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар:

«Мен Марямнинг ўғлига барча одамлардан энг яқинидирман ва барча пайғамбарлар ота биродардирлар, Мен билан у (яъни Исо алайҳиссалом) ўртасида пайғамбар бўлмаган» («Саҳиҳул Бухорий», 3285)

Исо Қуръонда

Қуръони Карим Исо алайҳиссаломни «Аллоҳнинг каломи» ва Марямга етказилган «хушхабар» деб таърифлайди. Унинг исми Масиҳ Исо ибн Марямдир.

Аллоҳ уни Жаброил фаришта билан қўллаб-қувватлади ва уни Бану Исроилга уларни тўғри йўлга бошлаш, Унинг ва уларнинг ва бутун оламнинг Робби бўлмиш Аллоҳга ибодат қилишга чақириш учун пайғамбар қилиб юборди.

(Қуръони Каримнинг Бақара сураси, 87-оят; Оли Имрон сураси, 45-49-оятлар; Нисо сураси, 171-оятларига қаранг).



Назарет Фаластиннинг қуйи Жалалидаги тарихий шаҳри. Инжилда Марямнинг уйи сифатида айтиб ўтилган. Бу Исо алайҳиссаломнинг болаликлари билан боғлиқ.



Шунингдек, Қуръони Карим Исо алайҳиссаломни дунё ва охиратда машҳур (унутилмас ва буюк), солиҳлардан ва Аллоҳга муқарраб (яқин) зотлардан деб тасвирлайди.

Яна Қуръони Каримда Аллоҳ Исо алайҳиссаломга Муқаддас Китобни, Тавротни, Инжилни ва Ҳикматни ўргатди, деб келтирилган. Аллоҳ у зотни кўзи ожизларни ва моховларни даволаш, Аллоҳнинг изн-иродаси ила ўликларни тирилтириш каби мўъжизалари билан қўллаб-қувватлади.






Байтлаҳмдан олинган фотосуратлар: Дунёдаги энг қадимги черковлардан бири – «Туғилиш» черкови. Кўплаб насронийлар бу Исо алайҳиссаломнинг туғилган жойлари, деб ишонишади.

Исо Қайтади

Исо алайҳиссалом қайтиб келади. Муҳаммад соллаллоҳу
алайҳи васаллам Исо алайҳиссалом осмондан тушмагунларича Қиёмат бўлмайди, деб башорат берганлар.

У зот қиёматдан олдин ер юзига қайтиб, одамларни ислом динига даъват этиб, Аллоҳнинг шариатини ўрнатадилар. У зот сохта Масиҳ (Дажжол) билан жанг қилиб, Аллоҳга имон келтирган барча одамларни бирлаштирадилар. Адолатли ҳукмдор сифатида танилиб, дунёда тинчликни қарор топтирадилар. Исо алайҳиссалом келган вақтда мусулмонлардан у зотни қўллаб-қувватловчи ва эргашувчи бўлишлари талаб этилади.



Суриянинг Дамашқ шаҳридан олинган фотосуратлар: Баъзи ҳадисларга биноан, Исо алайҳиссалом Дамашқнинг шарқий қисмига тушадилар


Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан етказилган «Рисолат»нинг умумийлиги

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Иброҳим, Мусо, Исо алайҳиссаломлар ва бошқа пайғамбарларга берилган каби бир хил Рисолат берилган. Лекин у зотнинг вазифаси умумий эди. У зотга одамларнинг эътиқодини ислоҳ қилиш, уларни ҳақиқий имонга қайтариш ва солиҳ ишларни ўргатиш ишониб топширилган эди.

«Биз сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик» Анбиё сураси, 107-оят

Муҳаммад алайҳиссаломнинг Рум императорига мактуби

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари ва подшоҳларига ҳамда Форс, Византия ва Миср каби қудратли салтанатларга Исломни дин, яъни «Аллоҳнинг Рисолати» сифатида қабул қилишга чақириб, мактублар юборганлар. Византия қироли Ҳирақл Муҳаммад алайҳиссаломдан мактуб олганида, айни шу пайт тасодифан ўша жойда савдо-сотиқ қилаётган Абу Суфён (Макканинг асосий бошлиқлари ва савдогарларидан бири)и олдига таклиф қилди. Ҳиракл Абу Суфёндан баъзи саволларни сўрашини ва ундан ростгўй бўлишини талаб қилди.



Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг ﷺнинг Ҳирақлга мактублари (Араб тилидаги ҳақиқий нусхаси)

Ҳирақл: Ораларингизда Муҳаммаднинг насаби қандай?

Абу Суфён: У Макканинг олий оиласидан чиққан.

Ҳирақл: У хиёнат қилганми, ваъдасини бузганми ёки ёлғон гапирганми?

Абу Суфён: Йўқ, ҳеч қачон.

Ҳирақл: Унга эргашувчилар кўпайишмоқдами ёки камайишяптими? Улардан бирортаси динни қабул қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломдан мамнун бўлмай яна қайтмадими?

Абу Суфён: Аксинча, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашувчилар у билан завқланмоқдалар. Эргашувчиларнинг сони ортиб боряпти.

Ҳирақл: У ўз эргашувчиларига нимани буюради?

Абу Суфён: Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилишга ва ижтимоий адолатга.

Ҳирақл озгина муддат ўйлаб қолди ва: «Агар менга айтганларинг тўғри бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом менинг салтанатимни мерос қилиб олишга қодирдир», – деди.




Ҳукмдор Ҳирақл Рум империясини 610 йилдан 640 йилгача бошқарган. Шу йилларда у учта ҳарбий юриш ўтказган ва Форс империясини мағлуб этган ҳамда Сурия, Фаластин ва Мисрни қайтариб олган. 636 йилда Ислом дини Фаластин, Сурия, Миср ва Шимолий Африканинг катта қисмига, 642 йилда эса Ислом Форс давлатига етиб борди.

Ислом умумжаҳон дин

Ҳозирги кунда Ислом дини христианликдан кейин дунёдаги эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан иккинчи катта диндир. Икки юздан ортиқ мамлакатда олиб борилган кенг қамровли демографик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда дунёда турли ёшдаги 1,57 миллиард мусулмон яшайди ва бу 2015 йилги 6,8 миллиард аҳолининг 23 фоизини ташкил этган. (Дин ва жамоат ҳаёти тўғрисида Пев форум, 2015 йил).

Барча мусулмонлар араблар эмас

Араб мусулмонлари дунё мусулмонларининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади.



Дунёда тахминан 2,1 миллиард насроний мавжуд бўлиб, улар дунё аҳолисининг 32 фоизини ташкил этади ва дунёда 1,1 миллиард динсиз, яъни даҳрий (дунё аҳолисининг 15 фоизи) бор. Яҳудийлик дунё аҳолисининг 0,22 фоизини ташкил этади (тахминан 14 миллион киши).

ИЗОҲЛАР:

1. Қуръони Каримдаги Марям қиссаси, Марям сураси, 16–23-оятлар.

Китобда Марямни эсла. У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда...

Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда, Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди.

У: «Мен Роҳмандан сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар тақводор бўлсанг...» – деди.

У: «Мен Роббингнинг элчисиман, холос, сенга бир пок ўғилни ҳадя этиш учун келдим» – деди.

У: «Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузуқ ҳам бўлмасам?!» – деди.

У: «Ана шундай, Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир ва уни одамларга белги қилиш учун ҳамда Биздан раҳмат бўлиши учун, бу ҳукми чиқиб бўлган ишдир», – деди.

Бас, унга ҳомиладор бўлди. Сўнгра у билан узоқ маконга четланди.

Бас, тўлғоқ уни хурмо танасига олиб борди. У: «Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», – деди.

Марям ўз ўғлини қавмига олиб борди. Улар уни айблашди, лекин Исо алайҳиссалом (янги туғилган чақалоқ) мўъжизавий тарзда шундай деди:

У: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени пайғамбар қилди.

Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди.

Мени волидамга меҳрибон қилди ва жабр-ситам қилгувчи, бадбахт қилмади.

Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир», – деди.

Мана шу, шубҳа қилишаётган Исо ибн Марям тўғрисидаги ҳақ сўздир.


Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан покдир. У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади.

Қисм

5

Ислом тамаддуни

Қадриятлар ва ахлоқлар



Қадриятлар ва ахлоқлар

Шахсий ривожланиш ва етакчилик

Жисмоний ва руҳий эҳтиёжларни қондиришда мукаммал мувозанат

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам моддият ва руҳият ўртасидаги мувозанатни тўғри сақлашга чақирадилар. У зот ўз умматларига тана ва руҳ эҳтиёжларини иккиси ўртасидаги мувозанатни йўқотмаган ва шариат меъёрларидан чиқмаган ҳолда бирдек қондиришни ўргатадилар.


У зот динни яхшироқ турмуш тарзига эришиш ва мана шу муносабатни сақлаш учун ҳидоят йўли ўлароқ инсонларга ўргатдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таассубни қоралайдилар

Мутаассиб-лик йўқ

У зот меъёрий турмуш тарзига, холис қарашларга ва оқилона фикрлашга чақирадилар. Ривоят қилинишича, у зотнинг уйларига уч киши келиб, ибодатлари ҳақида сўрайди. Уйда эмасликлари сабабли у зотнинг аёллари улар билан гаплашадилар. Суҳбатдан сўнг улар у зотнинг ибодатлари ўзлари ўйлаганидан камроқ эканидан ҳайрон бўлишади.

Улар диний ҳаёт фақат маънавий озуқа беради ва тананинг баъзи эҳтиёжларини эътиборсиз қолдиришни ёки уни табиий хоҳиш-истаклардан маҳрум қилишни талаб қилади, деб ўйладилар.



Уларнинг тасаввурига кўра, диндор одам оила қурмасдан, ёлғиз яшаши керак. Шу билан бирга, ҳар куни рўза тутиб, беш маҳал адо этиладиган фарз намозларидан ташқари, ҳар кечаси яна қўшимча намозлар ўқиши керак.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу сўзини эшитиб, хафа бўлдилар ва кечаси нафл намозлар ўқишларини ва бошқа одамларга ўхшаб дам ҳам олишларини айтиб ўтдилар. Шу билан бирга, у зот бир йилда Рамазон ойидан ташқари яна баъзи вақтларда рўза тутардилар ва баъзи вақтларда оғизлари очиқ бўлар эди. Муҳаммад алайҳиссалом оила қурганлар ва одамларни турмуш қурмай ёлғиз ҳаёт кечиришларини ёқтирмас эдилар. У зот айтдилар:


> «Никоҳ менинг суннатимдир. Кимки суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмасдир».
> («Саҳиҳул Бухорий», 1184 ва «Саҳиҳи Муслим», 849)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам енгиллик турганда машаққатга қўйишни ёқтирмас эдилар

Енгиллатиш

Ривоят қилинишича, у зотда икки ишдан бирини танлаш ихтиёри бўлса, модомики гуноҳ бўлмаса, улардан енгилини танлар ва гуноҳ ишлардан ўзларини узоқ тутардилар.

(Қаранг: «Саҳиҳул Бухорий, 8/160, 6786.
«Саҳиҳи Муслим», 7/80, 2327).



Хаттотлик намунаси
Виссам Шавкат




Покланиш ва тозалик

Покланиш ва шахсий озодалик Ислом дининг асосий талабларидан биридир.

«...Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севадир (жисмоний ва руҳий)».
Бақара сураси, 222-оят

«Ва кийимингни покла!»
Муддассир сураси, 4-оят





Намоз ўқишдан олдин таҳорат олиш намознинг асосий шартларидан биридир. Унинг фарзлари – қўлларни тирсаклари билан ювиш, юзни ювиш, бошга масҳ тортиш, оёқларни тўпиқлари билан ювиш.


Ғусл, бутун баданни тўлиқ ювиш

Ғусл қилиш зарурати пайдо бўлса, буни имкон борича тезроқ амалга ошириш керак. Бу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, яъни у зотнинг ўргатганлари ва яшаш тарзларининг бир бўлагидир. Ғуслни фарз қиладиган бир қанча ҳолатлар мавжуд: эр-хотин қовушганидан, ҳайз, нифосдан сўнгги ҳолатлар ва бошқалар.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётнинг барча жабҳаларида тозалик ва поклик муҳим эканини уқтирганлар. У зот ўз саҳобаларидан уйларини ва унинг ён-атрофларини мунтазам тоза тутиш кераклигини тавсия этганлар. У зот йўлдаги озор берувчи нарсани ёки ахлатни олиб ташлаш савобли, хайрли иш эканини ўз умматларига таълим берганлар.

Шу билан бирга, у зот ўз саҳобаларини шахсий озодаликка ва тозаликка тарғиб қилганлар. У зотнинг бу борадаги кўрсатмалари қуйидагиларга далолат қилади:

- Тоза ва озода кийимлар кийинглар, лекин исрофчи бўлманлар.
- Ўзингиздан яхши ҳид келиб туриши учун хушбўйликлардан фойдаланинг.
- Тирноқларингизни, жинсий аъзолардаги ва қўлтиқ остидаги тукларни тозалаб туринг.
- Овқат ейишдан олдин ва овқатдан кейин қўлларингизни ювинг, уйқудан тургандан сўнг қўлни ювмасдан овқатга қўл узатманг.







Мисвок ва тиш парвариши. Тоза оғиз ва кун мобайнида хушбўй нафас

Муҳаммад алайҳиссалом: «Агар сизларга машаққат бўлишини ўйламаганимда, албатта, сизларни ҳар намоздан олдин тишларни мисвок билан тозалашга буюрар эдим», – деганлар. («Саҳиҳул Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим»)

Мисвок нима?



Мисвок Сальвадор персикаси (тиш чўткаси дарахти, Арак дарахти номи билан ҳам танилган)нинг умумий номидир. У Саудия Арабистонида кенг тарқалган. Мисвок пиликлари тишларнинг орасини тозалайди ва ишқалаган пайтда синиб кетмайди, аксинча, улар эгилувчан ва мустаҳкамдир. Мисвокнинг кимёвий таҳлили уни бир қанча фойдали минерал ва элементлардан иборат эканини кўрсатди. Улар кўп миқдордаги фторидлар, кремний, С витамини, оз миқдордаги хлоридлар, таннинлар, сапонинлар, лаванта ва стероллардан иборат.

Изоҳ: таҳлилий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мисвок тишларнинг орасидаги тошчаларни кетказиш, тиш милкларининг турғунлиги ва қон кетишига қарши курашишда ёрдам беради. Мисвок таёқчаси ўзидан тиш доғларини кетказиш учун пардоз вазифасини ўтайдиган шарбат ва силика (қаттиқ материал) ишлаб чиқаради. Мисвок тишларни юмшоқ ва самарали тозалашда катта ёрдам беради, тишларни эмаль ёки милкларга зарар бермасдан оқартиради.

Хлорид тиш тошлари ва доғларини олиб ташлашга ёрдам беради, С витамини эса тўқималарни даволашга ва тикланишига кўмаклашади. Мисвок бош оғриғини, оддий шамоллаш, кўнгил айниши, чарчаш ва бош айланишини кетказади.



Илм изланг

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам илм-фан тараққиёти ва тамаддун ривожига чақирувчи ҳидоят ва нур Рисолатини олиб келдилар. Рисолат «Ўқи» деган илоҳий ваҳийдан бошланди. Бир неча ўн йиллар ичида у Арабистон яриморолида ҳамда бутун дунёда илм-фанларни тубдан ўзгартирди ва ривожлантирди.

Қуръони Каримда ўқиш, фикрлаш, билим олиш, кузатиш, ўрганиш, тушуниш, тафаккур қилиш, ўйлаш, акс эттириш каби сўзлар кўп учрайди.




«*Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун белгилар бор.*

Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин», – дейдилар.

Оли Имрон сураси, 190 – 191-оятлар

> «*Ва ерда чуқур ишонувчилар учун белгилар бор. Ва ўзларингизда ҳам (белгилар) бор. Ёки кўрмаяпсизларми?!*»
>
> Қоф сураси, 20 – 21-оятлар

Муҳаммад алайҳиссалом фойдали илм олиш ва уни ўрганишга ундаш орқали одамлар ҳаётига қадр-қиймат бердилар. У зот ўз умматларини инсоният фаровонлиги учун илмдан фойдаланишга ва ер юзида бузғунчиликларга барҳам беришга чақирадилар. У зот илмни Аллоҳнинг розилиги билан боғлайдилар:



> «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради».
> («Саҳиҳи Муслим», 8/71, 2699)

Кўп асрлар давомида мусулмон олимлари соф ва амалий фанларда етакчи ва илғорликни қўлдан бермаганлар. Қуръон тили бўлган араб тили илмий даражалар берадиган кўп тармоқли университетларда, кимё, математика, ҳисоб, тиббиёт, астрономия, география, муҳандислик, санъат ва адабиёт каби илм-фан соҳаларининг тилига айланди.

Баъзи тадқиқотчилар Ғарб тамаддуни кўп миқдорда Ислом тамаддуни асосида пайдо бўлгани ҳақиқат эканини тан оладилар. Ислом тамаддуни бўлмаса, Ғарб тамаддуни эришган ютуқларнинг юзага келиши учун яна беш юз йил керак бўлган бўлар эди.

Олимлар	Асосий ҳиссалари
Жобир Кимё отаси **721–815 йиллар**	**Жобир ибн Ҳайён** машҳур қомусий олим эди. У кимё, фалакиёт, муҳандислик, геология, фалсафа, физика, доришунослик ва табиблик билан шуғулланган. У кўплаб олимлар томонидан «кимё отаси» деб эътироф этилади. У биринчи бўлиб азот, хлорид ва сульфат каби бир қанча кислоталарни кашф этган. Жобир буғланиш, ҳайдаш, ажратиш каби кимёвий жараёнларни таърифлаб берган. Кимё тарихчиси Эрик Жон Ҳолмярд Жобир Ибн Ҳайёнга кимё фанини илмий тажрибавий фанга айлантиргани учун юксак баҳо беради.
Хоразмий Алгоритм отаси **780–850 йиллар**	**Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** ўз замонининг таниқли энг буюк олимларидан бири эди. У математика, фалакиёт, география ва бошқа фанлар билан шуғулланган. У дунёга биринчи бўлиб ўнлик саноқ ҳисоблаш тизимини жорий этади. У алгебра (яъни «ал-жабр») фанига асос солиб, математика фанига катта ҳисса қўшди. Рисола XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, «Algorithmi» рисоласи номи билан бутун Европага тарқалди ва шундан кейин у «алгоритм» деб аталадиган бўлди.
Розий Шифокорлар отаси **865–929 йиллар**	**Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий** У кўплаб олимлар томонидан «шифокорлар отаси» деб эътироф этилади. У биринчи бўлиб сувчечак ва қизамиқ касали бошқа-бошқа касалликлар эканини аниқлаб берди. У кўплаб аралашмаларни ва спирт ҳамда керосин каби кимёвий моддаларни кашф қилган. Эдвард Гранвилле Бровн Розийни шифокорларнинг энг яхшиси деб ҳисоблайди. У тиббиёт соҳасига оид кўплаб китобларни ёзиб қолдирган бўлиб, улар турли тилларга таржима қилинган. Жумладан, инглиз тилига ҳам ўгирилган. «Ал-Ҳавий» тиббий қомуси, «Катта доришунослик», «Буйрак ва сийдик пуфагидаги тошлар» ва «Тажрибалар китоби» асарлари Розийнинг номини бутун дунёга машҳур қилди.

Олимлар	Асосий ҳиссалари
Ибн Сино Замонавий тиббиёт отаси **980–1037 йиллар**	**Абу Али ал-Ҳусайн ибн Сино** тиббиёт соҳасидаги таниқли мусулмон олимларидан ва дунёдаги энг машҳур табиблардан биридир. У қомусий олим бўлиб, илм-фан, дин ва фалсафага оид икки юздан ортиқ китоб муаллифи. Авиценнанинг иккита энг муҳим асари – бу Арастунинг анъаналарига асосланган фалсафага оид китоб «Китоб аш-шифо» ва тиббиётга оид «Тиб қонунлари» китоби. «Тиб қонунлари» китоби ўн тўрт жилддан иборат. Унда касалликлар таснифланиб, унинг келиб чиқиш сабаблари тушунтириб берилган. Бу китоб турли тилларга таржима қилинган ва Европада етти аср мобайнида, яъни 18 аср бошларигача илмий даргоҳларда асосий дарслик сифатида ўқитилган.
Жазарий **1136–1206 йиллар**	**Абул Из ибн Исмоил Жазарий**. Унинг энг машҳур китоби «Тасвирий санъатда илм ва техника бирлашуви» деб номланади. Мазкур китобда эллик хил механизм суратлари билан тушунтирилган. Жазарий дастурлаш мумкин бўлган биринчи аналог компьютер деб ҳисобланган йирик астрономик «қалъа соати» ихтирочиси сифатида танилган. Доналд Роутлеж Ҳиллнинг сўзига қараганда, Жазарий замонавий шам соатларини тасвирлаб берган. Шунингдек, у айланма ҳаракатни чизиқли ҳаракатга айлантирадиган сув соати ва кранк милини ихтиро қилган.


Ибн Сино

Рим рақамлари

I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X

Араб рақамлари

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10

Спорт орқали шахсий ривожланиш

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини жисмонан чиниқишга буюриб, сузиш, камондан ўқ отиш, чавандозлик каби спорт турларини ўрганишга чақирар эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида одамлар спортдан завқ олардилар. Югуриш мусобақалари спортдан роҳатланишнинг кенг тарқалган кўриниши эди. Ривоят қилинишича, у зот Оиша розияллоҳу анҳо билан югуриш бўйича мусобақалашиб



турганлар. Бир сафар мусобақада аёллари ғолиб чиққан бўлса, бошқа сафар у зот ғолиб чиққанлари ривоятларда келади. Ушбу мусобақа у зотнинг ўз аёлларига муҳаббатлари ва аёллари билан ўйин-кулги қилганларига далилдир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина шаҳридаги «Масжидун-Набавий» нинг ғарбий қисмида пойга учун жой ажратган эдилар. От пойгалари шу ерда ўтказилар эди. Шу майдон ёнида «Сабақ» (яъни



пойга майдонининг масжиди) номли масжид ҳам қурилган.

Ижтимоий қадриятлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларни бир-бирларини яхши кўришга буюрганлар



Муҳаммад алайҳиссалом айтадилар: «Имон келтирмагунингизча жаннатга кирмайсизлар, ўзаро бир-бирларингизга муҳаббат қўймагунингизча имонли бўлмайсизлар. Сизларни, агар амал қилсангиз, ўзаро муҳаббат пайдо қиладиган ишга далолат қилайми? Саломни ораларингизда ёйинглар». («Саҳиҳи Муслим», 54)

У зот: «Сизлардан бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлолмайди», – дедилар. («Саҳиҳи Муслим», 2699)

Яна у зот айтадилар: «Ким бир мўминдан бир дунёвий ташвишини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат кунидаги ташвишларидан бирини аритади. Модомики, банда биродарига ёрдам берар экан, Аллоҳ унинг ёрдамида бўлади».[1] («Саҳиҳи Муслим»)



Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақадир.
Муҳаммад ﷺ

Одамларга салом бериш саломатлик ва тинчлик тилашдир

Муҳаммад алайҳиссалом: «Бирорта хайрли ишни ҳақир-арзимас санаманг. Ҳатто биродарингизга очиқ юз билан йўлиқишни ҳам!», – деганлар[2]. Ва яна у зот: «Ким биринчи бўлиб салом берса, у Аллоҳга бошқалардан кўра яқинроқдир», – дедилар.[3] У зотдан бир одам Исломнинг қайси амали яхшилиги ҳақида сўради, шунда у зот: «Таом едиришинг ва таниган-танимаганга салом беришинг», – дедилар[4] («Саҳиҳи Муслим», 2626)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан илиқ кўришар эдилар



Ривоятларга кўра, у зот одамлар билан кўришганда очиқ чеҳра билан кўришар, улар билан қўл беришиб кўришганда эса қўлларини биринчи бўлиб тортиб олмас эдилар.

Муҳаммад асоллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазил қилиб турар эдилар

У зот мулойим ва некбин инсон эдилар. Муомала қилган кишилар у зотнинг ёқимли инсон ва шу билан бирга иззат-икромли ва ҳурматли эканликларини айтардилар. У зот ўз яқинлари ва оила аъзолари билан гоҳида ҳазил-ҳузул ҳам қилиб турганлар.

У зот вақтларида югуриш пойгалари кўнгилочар ўйинлардан бири бўлган. У зот аёллари билан бир неча марта югуришда мусобақа қилганликлари айтилади.

Кекса аёлга ҳазил қилганликлари



Ривоят қилинишича, бир кампир Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени жаннатга киргизсин», деди. У зот алайҳиссалом: «Эй фалончининг онаси, жаннатга кампирлар кирмайди-ку», – дедилар. Кампир йиғлаб қайтиб кетди. Шунда у зот алайҳиссалом: «Унга айтинглар, у жаннатга кампир ҳолида кирмайди. Чунки Аллоҳ таоло (жаннатга кирадиган аёллар ҳақида)«(Улар) жозибали ва тенгқурдирлар», деган». Буни эшитган кампир хурсанд бўлиб кетди.



У зотнинг саҳобалари билан ҳазиллари

Бир куни Суҳайб Румийнинг бир кўзи оғриб қолди. У саҳобалар олдига келиб ўтирди, унинг кўриниши яхши эмасди ва у хурмо еийишни бошлади. Шунда у зот унинг кўнглини кўтариш учун: «Сен чап кўзинг оғриб турганида хурмони қандай еяпсан?», – дедилар. У эса: «Ё Расулуллоҳ, эътибор берманг, мен хурмони кўзим оғримаётган тарафдаги тишларим билан чайнаяпман», – ҳазил билан жавоб беради.

(Ҳоким, 4/411, 8357. Ибн Можа, 4/500, 3443)

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича: «Бир киши Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига улов сўраб келди. Шунда у зот: «Бўпти, сени туянинг боласига миндириб қўямиз», – дедилар. «Туянинг боласини нима қиламан?» – деди ҳалиги киши. У зот кулиб: «Ахир туя ҳам туянинг боласи бўладими?» – дедилар»[5].




Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларга ғамхўрлик қилганлар ва уларни яхши кўрганлар

У зот болаларга эътибор бериб, саломлашар ва бирга ўйнар эдилар. Бир куни бир боланинг қуши ўлиб қолгани учун хафа бўлиб турганини кўрдилар. У зот бошқа жойга кетаётган бўлсалар-да, унинг хафалигини кетказиш ва хурсанд қилиш учун бир муддат унинг олдида қолдилар[6].

(«Саҳиҳул Бухорий», 8/30, 6129. «Саҳиҳи Муслим», 6/176, 2150)

Муҳаммад алайҳиссалом ота-оналарга болаларини ўпиш ва қучоқлаш орқали меҳрларини изҳор этиб, ҳамма болаларига бир хил муомалада бўлиш кераклигини билдирганлар.



У зот ҳеч қачон боласини ўпмаган отанинг қалбида раҳм-шафқат йўқ, деб айтганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўшниларини яхши кўрганлар

У зотнинг Исломни қабул қилмаган ва меҳр-шафқати йўқ бир яҳудий қўшнилари бор эди. У бетоб бўлиб ётиб қолганида у зот унинг уйига кўришга чиқардилар ва бу унинг қалби юмшашига сабаб бўлди. Яна у зот бир яҳудий бола касал бўлиб қолганида уйига бориб, ҳолидан хабар олганлар. У бола бир оз вақт у зотга хизмат қилган эди. («Саҳиҳул Бухорий», 2/94, 1356)

Қўшниларингизга нисбатан меҳрибон бўлинглар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшниларга яхшилик қилишни алоҳида таъкидлаганлар

У зот ўз саҳобаларига фаришта Жаброил алайҳиссалом у зотга қўшниларга яхшилик қилишни бир неча бор таъкидлаганини айтганлар[7]. У зот: «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин», – деб айтадилар. («Саҳиҳул Бухорий», 8/10, 6015)

Бир жойда у зот Абу Зарга: «Агар шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ солгин. Сўнг қўшниларинг оиласига қара ва уларга ҳам таомингдан улаш», – деганлар. («Саҳиҳи Муслим», 8/37, 2625)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлмағур ижтимоий одатларни бекор қилдилар

У зот яхши хулқ эгалари қиёмат куни ўзларига энг яқин ва энг севимли бўлишларини бир неча маротаба таъкидлаб, шундай дедилар:

> «Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Бир-бирингизга ҳасад қилманг ва биродар бўлинглар»[8]

> «Аллоҳга ишонган киши лаънатламайди ёки қасам ичмайди ёки ёмон сўзлар сўзламайди»[9]

Масхара ёки туҳмат қилиш йўқ

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримдан қуйидаги оятларни ўқидилар:

«Эй имон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Имондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир».

Ҳужурот сураси, 11-оят

Ёмон фикр, ёмон гумон, жосуслик ва ғийбат

«Эй имон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган бdatabaseродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир».

Ҳужурот сураси, 12-оят


Нотўғри хабарларни тарқатманг

«Эй имон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар».

Ҳужурот сураси, 6-оят


Одоб-ахлоқ қоидалари орқали қадрни юксалтириш

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини тутиш одоб-ахлоқларига эътибор бердилар. У зот ўз саҳобаларига одоб-ахлоқ ҳаёт тарзларининг бир қисми ва намунаси эканлигини ўргатдилар. Шу билан бирга, Қуръони Каримнинг бир қанча оятлари мулойимлик, яхши муомала ва одоб-ахлоққа чақиради. У зот фаришталар хафа бўлишга сабаб бўладиган амалларни айтиб ўтганлар, яъни баланд овоз, ёмон ҳид ва бошқа нарсалар.



Қуйидаги ишлар баъзи исломий одоб-ахлоқларни умумлаштиради:

- Баланд овозда гапирманг ва кибр билан юрманг.
- Касал инсонни зиёрат қилиш тавсия этилади, лекин унинг ҳузурида кўп қолиб кетманг, дам олсин.
- Масжидга хушбўйланиб боринг.
- Саримсоқ ёки пиёз истеъмол қилган ҳолатда масжидга борманг, ёқимсиз ҳид ёки ҳаракат, масалан, кекириш кабилар билан бошқаларга азият етказманг.
- Ёрдам берувчи бўлинг ва тиғиз ҳамда тор жойларда фақат ўзингизни ўйламанг, бошқаларга ҳам жой беринг.



- Одамларни исмлари ёки улар ёқтирган тахаллуслари билан чақиринг. Улар ёқтирмайдиган лақаб ёки тахаллус қўйманг.
- Эснаганда оғизни қўл билан ёпинг ва бошқалар аксирганда дуо қилинг.
- Гаплашганда энг мақбул ва одамлар яхши кўрадиган сўзларни ишлатинг. Яхши сўз Ислом динида садақа ҳисобланади.
- Ота-онага яхши муомала қилинг ва уларга бақирманг, ёмон сўз сўзламанг ва «уф» деманг.
- Болалар ота-онанинг ҳузурига кираётганда, эшикни тақиллатсин, рухсат берилсагина кирсин.
- Агар сув тарқатаётган бўлсангиз ва ўзингиз ҳам сув ичишни истасангиз, ўзингиз энг охирида ичганингиз яхшидир.
- Агар овқатга таклиф қилинсангиз, овқатни ёки бирор егуликни ўзингизга яқин турганидан олинг ва бошқаларга нисбатан хушмуомалада бўлинг.
- Сув ичаётганда идишнинг ичига қараб нафас олманг.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларга нисбатан баъзи одоб-ахлоқ намуналари

Нигоҳингизни ерга қаратинг, номаҳрам аёлларга ёки ўтаётган одамларга тикилиб қараманг.

У зот тиззаларини букиб, сонларига оёғини қўйган ҳолда аёллари Сафиянинг туя устига кўтарилишига ёрдам берганлар.

(Анас бин Моликдан ривоят қилинган, «Саҳиҳул Бухорий», 9/20)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилардилар

У зот ўз саҳобаларига кўрсатмалар берганларида саҳобалар уни икки хил шаклда тушунган вақтлари ҳам бўлган. Агар уларнинг тушунчалари Ислом шариатидан ташқарига чиқмаса, у зот фикрларини қабул қилганлар.

Мусулмон бошлиқ Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Зотус Салосил ғазотида эҳтилом бўлиб қолади. У ғусл ва таҳорат қилмасдан эрталаб бомдод намозини ўқиб бергани учун уни маломат қилишади. У зот сабабини билиш учун уни қабул қиладилар. Амр ибн Ос у зотга кечаси совуқ бўлгани учун ювинсалар касал бўлиб қолишдан ва қўмондонлик қила олмасликдан қўрқиб, таяммум қилганлигини айтади. Пайғамбар алайҳиссалом кулиб қўядилар ва бирор нарса демайдилар. (Қаранг: Ҳоким, 1/177, 634. Абу Довуд 1/132, 334)


У зот билан мулоқот қилиш осон эди

Анас ибн Молик ўн йиллар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларида қоим бўлган ва: «У зот қилган ишимни нимага бундай қилдинг ёки буюрган ишимни нимага қилмадинг, деб сўрамас эдилар», – дейди. (Термизий, 3351)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам маслаҳатлашишни ва умумий қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлайдилар (Шўъро)

У зот ҳар доим ўз саҳобалари ва ҳатто аёллари билан маслаҳатлашардилар. У зот ўз издошларига холис бўлишни ва ақлни ишлатишни маслаҳат берар эдилар. У зот уларни вакил қилганлар ва қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилганлар.





Макка бошлиқлари бошқа араб қабилалари билан Мадинага ҳужум қилишни режалаштирганда, форслик мусулмон Мадинанинг шимолий томонида хандақ қазишни таклиф қилди.

Гарчи бу Арабистон ярим оролида илгари нотаниш ва урфга кирмаган услуб бўлишига ва уни оддий одам таклиф қилганига қарамай, бу таклифни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жиддий қабул қилдилар ва у кўпчилик мусулмонлар томонидан маъқулланди. Улар 5,5 км узунликдаги ва 4,6 метр кенгликдаги чуқур қазидилар.

Бошқа сафар Бадр урушида бир мусулмон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй Аллоҳнинг расули, Агар бу ерда қароргоҳ қилиш Аллоҳнинг ваҳийси бўлмаса, бошқа бир жойга кўчишни таклиф қилсам майлими?» – деди.

У киши сабабларини тушунтириб, маслаҳат қилингандан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва бошқа саҳобалар биргаликда қарор қабул қилиб, у ердан бошқа бир ерга кўчиб ўтдилар.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам исмларининг араб тилида, хаттотлик услубида шакл бериб ёзилиши. Хаттот Фарид Али

Бошқа дин вакилларини ҳурмат қилинг

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини ўз эътиқодларини ҳурмат қилган ҳолда бошқа дин вакиллари билан дўстона муносабатда бўлишга ва тўғри муомала қилишга чақирадилар.


У зот бир неча марта одамларни уларнинг эътиқодидан қатъи назар, қанчалик ҳурмат қилишларини намойиш этдилар. Ривоят қилинишича, у зот ўз саҳобалари билан ўтирганларида, одамлар тобут кўтариб ўтиб қолишди. Шунда у зот марҳумнинг ҳурматига жойларидан турдилар. Саҳобалардан бири у зот нима сабабдан яҳудий марҳум учун жойларидан туриш сабабини сўрайди. У зот эса: «У инсон», – дейдилар. Яъни унинг ирқи, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, унинг инсон эканлигини таъкидлайдилар.


(Қаранг: «Саҳиҳул Бухорий», 2/85, 1312. «Саҳиҳи Муслим», 3/58, 961)

Динлараро мулоқот ва бошқа динларга мансуб кишилар билан тинч-тотув яшаш

Динлараро мулоқот

Динлараро мулоқотни турли диний эътиқод ва урф-одат вакиллари ўртасидаги икки томонлама мулоқот ёки мунозара деб таърифлаш мумкин. Бу мулоқот шубҳа ва чалкашликларни тушуниш ва хабардор бўлиш ёки душманликдан дўстона муомалага ўтиш каби ижобий натижаларга эришишга ёрдам беради.







Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам милодий 632 йили Мадинадаги ўз масжидларида, Яманнинг Нажрон шаҳридан Исломни ўрганиш, Ислом ва христианлик ўртасидаги фарқни муҳокама қилиш учун келган христиан дини вакилларини қабул қилдилар.

У зот ҳурмат, заковат, ўзаро тушуниш ва яхшиликка асосланган ҳолда бошқа дин вакиллари билан суҳбатлашиш ва муҳокама қилиш учун кўрсатмалар бердилар ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатдилар. Қуръони Каримда шундай дейилади:

Христианлик дини вакиллари билан мулоқот

«Роббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт. Албатта, Роббинг Ўз йўлидан адашганларни ўта билгувчи ва ҳидоят топгувчиларни ҳам ўта билгувчидир».
Наҳл сураси, 125-оят

«Сизлар аҳли китоблар (Яҳудийлар ва Насронийлар)нинг зулм қилганларидан бошқалари билан фақат яхши услубда мужодала этинглар ва уларга: «Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага имон келтирдик, бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир ва биз Унга бўйсунгувчимиз», – денглар. Анкабут сураси, 46-оят



Арабча хаттотлик намунаси: «Одамларнинг энг яхшиси бошқаларга фойдаси тегадиганидир». Хаттот Ҳасан Челеби

Диний бағрикенглик

Умар масжиди ва Муқаддас Қабр черкови, Қуддус

Қадимги Қуддус шаҳрида диний бағрикенгликнинг ажойиб намунаси кўп асрлар давомида мавжуд бўлган. Бу Ислом жамиятининг иккинчи халифаси Умар ибн Хаттоб Қуддусни (милодий 638 йил) тинчлик йўли билан эгаллаб олган вақтларидан бошланди.

Умар розияллоҳу анҳуга Қуддус патриархи Софроний «Муқаддас Қабр» черковида намоз ўқиб олишни таклиф қилди. Бу черковни «Тирилиш черкови», шарқий православ христианлари эса «Анастасис черкови» деб ҳам атайдилар.





Бу христианларнинг дунёдаги энг муқаддас жойи. У христианлар Исо алайҳиссалом хочга тортилган жой, деб ишонадиган Калварини ҳамда у дафн қилинган, деб ишонадиган қабрни ўз ичига олади. Милодий IV асрдан бери бу жой муҳим зиёратгоҳ бўлиб келмоқда.

Эътиборли жихати шундаки, ўша таклифдан сўнг Умар ибн Хаттоб черковда намоз ўқишга рози бўлмади ва: «Агар мен черковда намоз ўқисам, мусулмонлар буни ўзларига масжид қилиб олишлари мумкин», – деди.

Ҳазрат Умар черковдан ташқарига чиқиб, ёлғиз ўзи намоз ўқиди. Халифа Умарнинг бу иши Ислом бошқа динлар билан тинч-тотув яшашини ва ислом жамиятида ҳамма ибодат эркинлигига эга эканини тасдиқлади.



Умар розияллоҳу анҳу намоз ўқиган жойда бу тарихий воқеани ёд этиш учун масжид қурилган. Кейинчалик бу масжид «Умар масжиди» деб номланган.

Халифа Умар «Муқаддас Қабр» черковини сақлашни биринчи Қуддус қозиси, пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Убайда ибн Сомит розияллоҳу анҳуга ишониб топширди. Убода милодий 658 йили вафот этди ва девор билан ўралган «Муқаддас Ибодатхона»нинг жанубий бурчагига – «Меҳр-шафқат дарбозаси» қабристонига дафн қилинди. Ибодатхона «Қуббатус Сахро», яъни «Қоя гумбази» ва «Ақсо» масжидини ўз ичига олади.



Умар розияллоҳу анҳунинг аҳдномаси

Умар розияллоҳу анҳу Қуддус аҳолисига тинчлик ва ҳимоя ҳақида аҳд берди ва бу «Умар аҳдномаси» номи билан машҳур бўлди. Бу бир неча асрлар давомида масжид деворида турган ва ҳатто ҳозир ҳам мавжуд.



Умар розияллоҳу анҳунинг аҳдномаси

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман


Ушбу Аллоҳнинг бандаси, мўминларнинг амири Умар Илия (Қуддус) аҳлига берган омонликдир. У уларнинг жонларига, молларига, черковларига, хочларига, беморларига ва соғларига ҳамда барча миллатига омонлик берди.

Уларнинг черковлари маскан қилинмайди, бузилмайди ва черковлар, улардаги жиҳозлар, хочлар ҳамда уларнинг молу мулкларидан бирор нарса камситилмайди. Улардан бирор кишига зарар етказилмайди. Илияда улар билан бирга бирорта ҳам яҳудий маскан тутмайди. Илия аҳли зиммасида жизя бордир.

Савдо ва тижорат одоб-ахлоқлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам исломий қадриятларга асосланган савдо ва тижоратга чақирдилар ва алдашни, ахлоқсиз муомала, фирибгарлик, ёлғон, монополия ва эксплуатацияни қораладилар.

У зот айтадилар: «Ким бизни алдаса, биздан эмас» *(«Саҳиҳи Муслим»)*. Яна у зот: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», – дедилар. *(«Саҳиҳул Бухорий», 2076/16)*



Ёлғон гапириш ва ваъданинг устидан чиқмаслик – мунофиқлик

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«Тўртта аломат бор, кимда шу тўрт аломатнинг ҳаммаси топилса, ҳақиқий мунофиқ бўлади. Борди-ю булардан биттаси топилса, уни тарк қилмагунча мунофиқлик аломатидан қутула олмайди:

1. Ишониб омонат топширилса – омонатга хиёнат қилади.
2. Гапирса – ёлғон гапиради.
3. Аҳдлашса – аҳдига вафо қилмайди.
4. Урушиб қолса – кек сақлайди ва ноҳақлик қилади».

Мадина бозорларидан бири, ҳозирги пайтлар

Эркин савдо ҳудуди

У зот Мадинага келганларидан кўп ўтмай, ўз саҳобаларига бир ер сотиб олишни ва у ерни эркин савдо учун жой қилишни буюрдилар. Одамлар у жойда ҳеч қандай тўловларсиз ёки божларсиз сотиш ва сотиб олиш каби тижорий фаолиятларини юритардилар. Бу «Манааха» деб аталар эди.



Манааха – бу туялар чўкадиган жой, яъни туялар ўркачида олиб юриладиган тижорат мақсадидаги юкларни тушириш жойи.

Қуйидаги расмда пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 14 аср олдин эркин савдо учун ажратиб берган ерларини ўраб турган девор тасвирланган.

Манааха девори, ҳозирги кўриниши



Фотосурат Ўмон Султонлиги «Буюк Султон Қобус масжиди»дан олинган. Нозик ислом меъморчилиги ёғоч шифтлар, исломий пештоқлар ва девор безаклари орқали акс эттирилган.

ИЗОҲЛАР

1 «Риёзус солиҳийн», 183/3, 245/2, «Саҳиҳул Бухорий», 13.

2 «Риёзус солиҳийн», 121/5.

3 «Риёзус солиҳийн», 858/2.

4 «Саҳиҳул Бухорий», 11.

5 Абу Довуд, Имом Аҳмад ат-Термизий.


6 «Саҳиҳул Бухорий» 862/1, «Саҳиҳул Бухорий» 598/10.

7 Бошқа бир ривоятда Муҳаммад алайҳиссалом: «Менга Жаброил қўшнига яхшилик қилиш ҳақида шунчалар тавсия қилдики, ҳатто уни меросхўрим қилиб қўйса керак, деб ўйладим», – дедилар.

8 «Риёзус солиҳийн», 1591/1, «Саҳиҳул Бухорий», 6065.

9 «Риёзус солиҳийн», 1734/1, 1738/3.





«Қоя гумбази», Қуддус. Расмлар моҳир фотосуратчи Питер Сандерс томонидан олинган

Қисм

6

Аёллар



Султон Аҳмад Масжиди, Истанбул, Туркия

Аёлларнинг ҳақлари

Ислом келишидан олдин арабларда аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга эмас эдилар. Бадавий араблар қизлардан кўра ўғил болаларни афзал кўрар, баъзи бир тошбағир ва бемеҳр оталар ор-номус қилганидан қиз фарзандларини тириклайин кўмар эдилар.

Исломда жинсий камситиш йўқ: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғил ва қиз болалар ўртасидаги камситишни қоралаб, саҳобаи кирoмларини қайси бири бўлишидан қатъи назар, баравар одоб ва тарбия беришга ўргатдилар. Ҳақиқат шуки, у зот қиз фарзандларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатишни ва токи улғайиб, оқу қорани таниб олгунига қадар эътибор беришни даъват этардилар. У зот шундай дедилар:

«Аёллар ва эркаклар худди эгизаклар кабидирлар».
(Термизий, 1/154, 113)

Аёллар эркакларга ўхшаб мерос оладилар: Исломга қадар аёллар мерос олиш ҳақ-ҳуқуқидан бутунлай маҳрум эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу одатларга чек қўйиб, уни тўғри ва одилона ҳал этдилар. Аёлларнинг ҳам эркаклар қаторида мерос олиш ҳақлари тикланди. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари исломий мерос тизимини яратмаганлар, балки у зот эркак ва аёл учун мерос тақсимотини белгилаб қўйган Аллоҳнинг Қуръони Каримдаги ҳукмларини инсонларга етказганлар.



«Муҳаммад» сўзининг Араб хаттотлигида, бадиий, симметрик кўринишида гўзал бир услубда ёзилиши. Сўзнинг асли шундай кўринишга эга. «Муҳаммад» сўзининг биринчи ярмидаги М ва Ҳ ҳарфлари билан сўзнинг иккинчи ярмидаги М ва Д ҳарфлари бир-бирига симметрикдир.

Аёлларнинг ўзига хосликлари

Исломдан олдинги даврларда аёлларга эркакларнинг шахсий мулки сифатида қаралган. Ислом аёлларнинг ўзига хос табиат ва фарқларидан келиб чиққан ҳолда уларга инсоний қадр-қимматга лойиқ эканларини билдирди. Бунга аниқ мисол шуки, турмушга узатилганда аёлларга олдинги шариф (ота-боболари исми) ларида қолиш-қолмаслик ихтиёри берилди. Аёллар ҳам бой-бадавлат бўлишлари мумкин ва Ислом уларнинг мол-мулкларини ҳимоя қилади. Агар аёлнинг эри вафот этса, унинг қолдирган мулкидан мерос олишга ҳаққи бор. Аёлнинг ўзига Исломдан олдинги жоҳилият даврига хос мерос бўлиб ўтадиган мулк сифатида муносабатда бўлинмайди.

Аёл жинсий алоқа учун эрмак воситаси эмас

Фоҳишалик ва зино Исломда узил-кесил ва қатъиян қораланади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам зинокор зино қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида бу ишни қилишини айтганлар. Демак, мўмин киши зино қилаётган вақтда имонсиз ҳолда бўлади.

> ***«Ва зинога яқинлашманглар. Албатта, у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир».***
>
> Исро сураси, 32-оят



Бу хаттотлик намунасининг маъноси: «Донишмандликнинг чўққиси Аллоҳдан қўрқишдир».

Аврат ва Исломда шарм-ҳаё

Ислом балоғатга етган аёлларга авратни яъни юзи, кафти ва қадамидан ташқари бутун баданини ёпиб юришни ва шарм-ҳаёга мувофиқ кийинишни буюради. Бундан ташқари, Ислом аёлларни ўз қадди-қомати ёки номаҳрамларга кўрсатиш маъқул бўлмаган аъзоларини бошқаларга кўз-кўз қилиб, ундан кўнгил очиш ва жинсий майл уйғотиш мақсадида фойдаланишни қоралайди. Ислом дини эркаклардан ҳам шарм-ҳаёли бўлишни талаб қилади. Бегона эркакни кўрганда аёллар нигоҳларини пастга қаратишлари, уларнинг диққат-назарини жалб этмайдиган даражада шарм-ҳаё тақозосига кўра кийинишлари ислом одоб-ахлоқ қоидалари сирасига киради.

Гўзал ва очиқ-сочиқ аёлларнинг таналарини кўз-кўз қилган турли лавҳа ва суратларни тижорий мақсадда намойиш этадиган ширкатлар, тижорат ва рекламалар Ислом динида тақиқланади.

Ислом жинсий зўравонлик, жинсий тажовуз, жинсий касалликлар ва яланғочлик, беҳаёлик акс этган ва тубанликка олиб борадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат ва воситалардан узоқ бўлишга чақиради.




Оила қуринг!

Никоҳсиз жинсий алоқа

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларни турмуш қуришга ва уй-рўзғор тутиб яшашга тарғиб этганлар. У зот ўз саҳобаларини ношаръий жинсий муносабатлардан қайтарганлар, эркак-аёлни ўзаро ҳалол турмуш қуришга ундаб, уни исломий қадриятлар даражасига кўтарганлар.

(Қаранг:«Саҳиҳул Бухорий», 3/26, 1905)


Бир ёш йигит Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан зино қилишга, яъни никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқада бўлишга рухсат сўради. У зот: «Мана шу ишни бошқа бир киши онанг билан қилишини хоҳлайсанми?» – дедилар. У: «Йўқ», – деди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом: «Худди шундай бошқа инсонлар оналари билан бундай бўлишини хоҳламайдилар», – дедилар.



Сўнгра у зот йигитдан: «Қизинг, синглинг ё амманг билан шу иш бўлишини хоҳлайсанми?» – деб уч марта сўрадилар. Ҳар сафар у йигит: «Ҳаргиз...ҳаргиз... ҳаргиз!» – деб жавоб берди. У зот ҳам: «Худди шундай бошқалар ҳам қизлари, сингиллари ва аммалари билан бундай бўлишини хоҳламайдилар», – деб жавоб бердилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўлларини йигитни қалбига қўйиб, ҳақига шундай дуо қилдилар: «Эй Аллоҳ, унинг гуноҳларини кечир, қалбини поклагин ва фаржини сақлагин!» («Муснади Аҳмад», 10/5220, 22641)

Изоҳ: Ислом мажбурий никоҳни қабул қилмайди; эркак ҳам, аёл ҳам ўз майл-истакларига қараб оила қуриши керак. Йигит бўлажак келинга (келиннинг оиласига эмас!) у рози бўлган миқдорда мол-мулк бериши керак ва бунинг номи «маҳр» деб аталади. Маҳр пул шаклида бўлиши ёки бошқа қимматбаҳо нарсалар ҳам бўлиши мумкин.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ваколат берганлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жамиятдаги аёлларнинг ўрни ва хизматларини камситмаган ҳолда ҳар ҳафтанинг маълум кунларини аёллар таълимига ажратганлар.

У зот хотин-қизларни исломий тадбир, байрамлар ва ибодатларда фаол бўлишга чақирганлар. Ҳатто у зотнинг уйдаги хизматкорлари ҳам у зотга учраб, ёрдам сўраши ва маслаҳатларини олиши мумкин эди.

Шунингдек, у зот эркаклар каби ўзларига аёллар ҳам байъат қилишини маъқул деб топдилар. Чунки улар ҳам Ислом шариатига биноан жавобгар ва масъулдир.

Жамиятда аёлларга ҳал қилувчи куч сифатида қаралиб, Ислом умматини вояга етказиш, шакллантириш ва келажак авлодни вояга етказишда уларнинг хизматларига катта баҳо берилган. Шунингдек, Исломда муслима аёл-қизларга жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Гарчи ҳар доим болалар тарбияси ва уларнинг парвариши ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласига катта аҳамият берилган бўлса-да, аёллар ишлаш ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ҳамда ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларига шарт-шароитлар яратиб берилган.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ғамхўрлик қилишга даъват этдилар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга яхши муносабатда бўлиш кераклигини кўп-кўп таъкидлашлари баробарида уларни нозик шиша каби нафис хилқат деб таърифладилар. У зот саҳобаларига ким қизларини тўғри тарбияласа ва уларга ғамхўрлик қилишда Аллоҳ таолони танитиб, итоат этишни таълим берса, жаннатга ноил бўлишини билдирдилар[1].

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам оналарга юксак ҳурмат-эҳтиромда бўлишга чақирадилар



Бир йигит у зотдан: «Эй Аллоҳнинг Расули! Кимга яхшилик қилай?» – деди. «Онангга», – дедилар. У йигит: «Ундан кейин-чи?» – деб сўради. У зот яна: «Онангга», – дедилар.

У йигит яна шу саволни такрорлади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учинчи марта ҳам «Онангга», деб жавоб бердилар. Яна у йигит қизиқиб тўртинчи марта шу саволни берганида, Муҳаммад алайҳиссаломнинг оналарга жуда яхши муомалада бўлиш кераклигини таъкидламоқчи эканликларини англади. У зот у йигитга: «Отангга», – дедилар. Яъни онадан кейин яхшилик қилишга энг муносиб инсон бу отадир[2].(«Саҳиҳул Бухорий», 2/8, 5971. «Саҳиҳи Муслим», 8/2, 2548)

Ҳадисни шарҳловчилар юқоридаги ҳадисни оналар бошига учта катта машаққат тақдир этилгани билан шарҳлайдилар: 1) ҳомиладорлик, 2) тўлғоқ ва туғиш, 3) эмизиш ва сутдан ажратиш.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга яхши муомалада бўлишга чақирадилар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эркакларни аёлларга яхши муносабатда бўлишга чақирадилар. Агар эркак аёлининг хусусиятларидан бирини ёқтирмаса, бошқа хусусиятини яхши кўради. У зот яна айтадилар:



«Мўминларнинг энг имони мукаммали гўзал хулқлисидир. Сизларнинг энг яхшингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўладиганингиздир». (Термизий, 6/188, 3895)

Бу муҳаббат, меҳр ва ўзаро тушунишни зиёда қилади.

Исломда ажрашиш

Исломда фақатгина жиддий сабаб бўлса, эр-хотинга ажралишга рухсат берилган. Аммо никоҳни сақлаб қолиш учун қаттиқ уринишлардан кейин бошқа иложи қолмаган вақтдагина ажралишга рухсат берилади. Агар эр-хотин ажралишдан бошқа чора йўқлигига аниқ ишонса, уни ортиқча дилхираликка йўл қўймай, тинч йўл билан ҳал этиш керак бўлади[3].

Ажрашиш

«***Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда уларни яхшилик билан ушлаб қолинг ёки яхшилик билан қўйиб юборинг. Уларни тажовуз учун, зарар етказиш юзасидан ушлаб турманг. Ким ўшандай қилса, шубҳасиз, ўзига зулм қилади. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билманг. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва ваъз этиб туширган китоби ва ҳикматини эсда тутинг. Аллоҳга тақво қилинг ва билингки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир***».

Бақара сураси, 231-оят

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларини яхши кўрганлар



У зотнинг биринчи аёллари Хадижа розияллоҳу анҳо вафот этганларидан маълум муддат ўтиб, ўзларининг энг яқин дўстлари Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг қизлари Оиша розияллоҳу анҳога уйландилар. Олдинги аёлларини қанчалик яхши кўришларига қарамасдан, у зот алайҳиссалом Оишани яхши кўрар ва унга нисбатан самимий ва очиққўнгил эдилар. У зотдан саҳоба Амр ибн Ос: «Сиз аёллардан кимни кўпроқ яхши кўрасиз?» – деб сўради. У зот ҳеч иккиланиб ўтирмай: «Оишани», – дедилар.

(«Саҳиҳул Бухорий», 5/5, 3662)

Аёлингизга бўлган муҳаббатни эътироф этинг: Оиша розияллоҳу анҳонинг айтишича, Муҳаммад алайҳиссалом ўз севгиларини худди арқоннинг боғланган тугунидек, деб таърифлаганлар. Оиша онамиз у зотдан «Арқон тугуни қандай?» деб сўраганида у зот ўз севгиларини «Тугундек тугун», деб жавоб бериш билан билдирганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам завжаи мутоҳҳаралари Хадижа розияллоҳу анҳога муҳаббат ва садоқатда

Вафодор эр бўлинг

У зот Оиша розияллоҳу анҳога қўчқор ёки қўй сўйилганда гўштидан аёллари Хадижанинг дугоналарига ҳам улуш юбориб туришни тайинлардилар.

Буни унчалик хушламаган Оиша онамизга шундай дакки берганлар: «Аллоҳ менга ундан яхшироғини бермаган. Одамлар (менинг пайғамбарлигимни) инкор қилишганда у иймон келтирди, улар мени ёлғончи қилишганда тасдиқлади. Мени маҳрум қилишганда ўз моли билан менга мадад бўлди. Аллоҳ менга аёлларимдан фақат Хадижадан фарзанд ато этди», – дедилар. (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривоятлари).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг марҳум рафиқаси Хадижа розияллоҳу анҳога илтифотлари Оиша онамиз рашкини қўзғайди. Шунга қарамай, у зот оламдан ўтган аёлларига ҳам адолатли ва содиқ эканини асло эсдан чиқармаганлар.





Бу Муҳаммад сўзининг арабчада гулга ўхшатиб ёзилган намунасидир.
Хаттот Фарид Али





Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминларнинг оналари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари кўпхотинликни жорий қилмаганлар: кўпхотинлик Исломдан олдинги замонлардан ҳам мавжуд эди. У пайтларда эркак киши бир вақтнинг ўзида бир қанча аёлларга уйланиб, кўнгли тусаган канизак ёки чўриларни ўз тасарруфига олиши оддий ҳол эди. Ислом дини кўпхотинликни тартибга солди, уни камайтириб чегаралади.

Иброҳим алайҳиссаломни Исҳоқнинг онаси Сорага ва Исмоилнинг онаси Ҳожарга уйланганликлари тарих китобларида нақл этилган. Шу билан бирга, Яъқуб алайҳиссаломнинг тўрт нафар аёли бўлган, иккиси ҳур ва иккиси эса чўри бўлган[4].



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг асосий даврини биргина аёл билан яшаб ўтказганлар

У зот Хадижа розияллоҳу анҳо билан 25 йил умр кечириб, тўрт қиз ва икки ўғил кўрганлар. Иккала ўғиллари ёш пайтидаёқ вафот этган.

Хадижа вафотидан сўнг у зот аввалига Савда исмли фақир ва бева аёлга уйландилар. Унинг эри бошпана истаб борган Ҳабашистон диёридан қайтиб келганларида вафот этган эди.

У зотнинг Савдага уйланишлари уни, унинг имони ва унга садоқатини қўллаб-қувватлаш маъносида бўлган эди. Бу пайтларда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 50 ёшда, Савда эса у зотдан каттароқ ёшда эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қадрдон саҳобалари Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг қизига уйландилар: орадан озгина ўтиб, у зот энг яқин дўстлари ва энг кўп ёрдам берувчи саҳоба Абу Бакрнинг қизлари Оиша розияллоҳу анҳога уйландилар. Бу турмуш Абу Бакрнинг оиласи ва Оиша онамиз учун улкан шараф эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқдан кейинги яқин саҳобалари Умар розияллоҳу анҳунинг қизига уйланганлар: икки йилдан сўнг Ҳазрат Умарнинг қизи Ҳафсанинг эри Уҳуд жангида вафот этиб, ўзи бева бўлиб қолади. Ҳазрат Умар ўзининг ишонган яқинларидан бир қанчаларига қизини бермоқчи бўлиб, таклифини айтганида, рўйхушлик бермайдилар. Сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга уйланмоқчи эканликларини маълум қиладилар. Бу турмуш Ҳазрат Умар билан қизи Ҳафса учун бениҳоя шараф ва юксак мақом-мартаба эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз душманларининг бева бўлиб қолган қизи билан оила қурганлар

Рамла розияллоҳу анҳо «Умму Ҳабиба» деган ном билан танилган эди. У Макканинг аслзода кишиси ва қурайшнинг бошлиғи Абу Суфённинг қизи эди. Бироқ у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга имон келтирмаган эди. Устига-устак, у зотга йигирма йил қарши урушган эди. Шунга қарамай, унинг қизи Рамла Исломни қабул қилган эди.

Рамла олдинги эри билан Ҳабашистонга ҳижрат қилиб, у ерда 15 йиллар яшаб қолган дастлабки муҳожирлардан эди.

Унинг эри христианликни қабул қилиб, ўша ерда вафот этган. Ҳабашистонда унинг эри ўлиб, ёлғизланиб қолганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳабибага турмуш қуришини билдириб, одам жўнатадилар ва улар турмуш қуришади. Ҳайратли жиҳати шундаки, унинг отаси Абу Суфён орадан бир йил ўтиб Исломни қабул қилади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудий қабиласидан бўлган Сафияга уйланганлар

Бани Назир қабиласи у зотга хиёнат қилиб, қарши курашган яҳудий қабилалардан бири эди. У зот ўз шаҳарларида, Хайбардаги қўрғонларига қамалиб олган бу қабила аҳлини бир қанча вақт қамал қилганларидан сўнг, улар ноилож таслим бўлдилар.

Асирга тушганлар орасида қабила бошлиғининг қизи Сафия ҳам бор эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уни озод қилиб, уйланишни таклиф қилдилар. Сафия қабул қилди ва улар турмуш қурдилар.

Бу билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам барча инсонларга яҳудий жамоасига қарши ҳеч қандай адоватлари йўқлигини амалда исботладилар, аммо тажовузкорларни ирқи ва эътиқодидан қатъи назар кечирмасликларини маълум қилдилар.

Сафия Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин ҳам у зотни меҳрибон ва адолатли умр йўлдоши сифатида мақтаб, тилга олган (Қаранг: Термизий, 6/188, 3894. «Муснади Аҳмад», 5/2609, 12587)



Мория Қибтийя

Худди шу йили Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам христианлик динида бўлган Миср ҳукмдорига элчи юбориб, Ислом хабарини етказдилар ва уни қабул қилишга даъват этдилар.

Миср ҳукмдори мулойим узр билан жавоб бериб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга инъом-эҳсонлар юборди. Шуларга қўшиб бир табибни ва Мория исмли чўрини ҳам жўнатди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Миср ҳукмдорининг туҳфасини бажонидил қабул қилдилар. У зот Мория розияллоҳу анҳога уйланиб, ундан Иброҳим исмли ўғил кўрдилар. Иброҳим ёш пайтида вафот этди ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг вафотидан жуда қайғурдилар[5].



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп хотинликни тартибга солиш учун Аллоҳнинг буйруғини етказганлар

Ислом кўп хотинли бўлишдан қайтармайди, лекин уни чеклов белгилаб тартибга солган. Исломда бирдан ортиқ аёлга уйланиш мажбурий эмас, лекин аниқ сабабларга кўра жоиз.

Эркак ўз аёлларига тўлиқ ҳурмат, адолат ва холисликни намоён эта олса, бирдан ортиқ аёлга уйланиши дуруст. Қуръони Каримнинг Нисо сураси, 3-оятида агар эркак уларга холис ва адолатли муносабатда бўла олмаса, бирдан ортиқ аёлга уйлана олмаслиги аниқ айтиб қўйилган.

Аллоҳнинг сўзи

Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттасига уйланинг

Шунингдек, мазкур оятда тўртта аёлга ҳам уйланиш рухсати фақат холис ва адолатли эрлар учун экани таъкидлаб қўйилган.

Ушбу ваҳий нозил бўлгунича эркаклар чекловларсиз ва шартларсиз жуда кўплаб аёлларга уйланиб келаётган эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун чеклов: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ваҳийдан олдин тўрттадан ортиқ аёлга уйланган эдилар. Расулуллоҳнинг рафиқаси бўлиш у зотнинг аёллари учун катта шараф эди. Бундан ташқари, уларга «мўминларнинг оналари» деган юксак рутба ҳам берилган. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари у зотга ҳалол эканини хабар берган. Бироқ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор-бир аёлларидан ажрашган тақдирда ҳам, у зотга бошқа аёллар турмушга чиқиши мумкин эмас эди[6].




Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига қўйилган чекловлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар у зотнинг аёлларига уйланишлари мумкин эмас эди. Чунки у зотнинг аёллари мўминларнинг оналари кабидир.



Қуръони Каримда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари бошқа аёлларга ўхшамаслиги айтилиб, уларни мўмин-мусулмонларнинг оналари сифатида кўришга буюрилган.

Агар у зотнинг аёлларидан бирортаси очиқ гуноҳ иш қилган бўлса, улар учун жазо икки баравар кўп бўлар эди. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бирорталари Аллоҳга ва Унинг Расулига ихлос билан итоат этсалар ва солиҳ амалларни қилсалар, улар икки баробар мукофот олар эдилар.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига ҳам танлаш ихтиёри берилди

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир аёлларидан икки нарсани улар билан ажрашиб бу дунё ҳаёти ва унинг зийнатини ёки Аллоҳни, Унинг Расулини ва охиратни ихтиёр қилишини сўраб чиқишлари кераклиги билдирилди. Бу тўғрида Қуръони Каримнинг Аҳзоб сураси, 28 – 29-оятларида маълумотлар мавжуд.

Барча мўминларнинг оналари иккинчи таклифни қабул қилдилар ва пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажралмасликни танладилар. Бу тарихдаги улуғ ва баракотли танлов бўлган эди. У зот вафот этганларидан кейин бу аёллардан ҳеч қайсилари бошқа одам билан қайта турмуш қурмадилар.

ИЗОҲЛАР

1. Бошқа ривоятларга кўра, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кимнинг битта ёки иккита, ёхуд учта қизи бўлса ва уларни сабр билан ўстирса, у жаннатга киритилишини айтганлар.
2. Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида ота-онага нисбатан яхши муносабатда бўлиш кераклиги таъкидланган (Исро сураси, 23-оятга қаранг).
3. Қуръони Каримнинг Бақара сураси, 229–232-оятларига қаранг.
4. Ёқуб алайҳисалом оилалари ҳақида, қаранг:

https://islom.uz/maqola/4501

5. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғиллари вафот этганда жуда маҳзун бўлиб, саҳобалари олдида йиғлаганлар. Ўз саҳобаларига мўмин одам Аллоҳнинг тақдирини очиқ юз билан қабул қилиши кераклигини айтганлар.
6. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ҳақида Қуръони Каримнинг Аҳзоб сураси, 50-, 51- ва 52-оятларига қаранг.



Қисм

7

Инсон ҳуқуқлари

«Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлилигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир».

Ҳужурот сураси, 13-оят



Инсон ҳуқуқлари

Озодлик, адолат ва ҳимоя

Ислом динида мажбурлаш йўқ

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий туша бошлагандан кейин ўзларини Аллоҳнинг элчиси деб эълон қилдилар. У зот илоҳий хабарни қабул қилиб, уни инсониятга етказиш учун курашдилар. Лекин ҳеч кимни уни қабул қилишга мажбурламадилар. У зот барча одамлар учун эътиқод ва танлов эркинлигини тасдиқловчи Қуръони Каримни етказдилар.

«Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммаси имонга келар эди. Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?» Юнус сураси, 99-оят

«Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга имон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир». Бақара сураси, 256-оят

Халқлар ва барча ирқлар тенглиги




Исломда барча одамлар инсон зотига мансублиги сабабли тенг деб қаралади. Тақво, яъни Аллоҳдан қўрқиш ва хулқий фазилатлар Аллоҳ наздида шахсий устунликнинг ягона мезонидир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай дейдилар:

«Сизларнинг Роббингиз бир. Ҳаммангиз Одам Атодан тарқагансиз. Одам Ато тупроқдан яратилган. Арабнинг араб бўлмагандан ва араб бўлмаганнинг арабдан тақво (инсон ўзини ҳаром ишлардан сақлаши ва қўриқлаши)дан бошқа нарсада устунлиги йўқ». («Муснади Аҳмад», 10/5586, 23972)



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қулларни озод қилишни тарғиб қилиб, уни бутунлай бекор қилиш учун исломий қоидаларни жорий этдилар

Қуллик Ислом дини келмасдан олдин ҳам мавжуд эди. Аслида, қуллик дунёдаги кўплаб ижтимоий тизимларнинг бир қисми сифатида яшаб қолмоқда. Илгари қуллар мол-мулк ва бойликнинг бир қисми ҳисобланган. Ислом бойлик ва мол-мулкни ҳимоя қилгандан кейин қулликка аста-секин чек қўйилди.



Исломнинг дастлабки кунларида қулни ҳақорат қилиш ва унга ёмон муомалада бўлиш гуноҳ деб ҳисобланиб, бу ишни қилган кишидан Аллоҳга тавба қилиб, уни озод қилиш талаб қилинган[2]. Бундан ташқари, исломий шариатнинг кўпгина талабларида уни бузгани учун тавба қилиш, унинг жазоси сифатида қулларни озод қилиш ёки бировдан қул сотиб олиб, уни озод қилиш шартлари мавжуд. Бундай шартлар қуллик бутунлай бекор қилинишига сабаб бўлди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларни қулларни Аллоҳ учун озод қилишга буюрганлар. Бир ўринда у зот Абу Масъуд ал-Бадрий деган киши ўз қулини калтаклаётганини кўриб қолдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қатъият билан:

«Билгинки, эй Абу Масъуд, сен бу болага азоб беришингдан кўра, Аллоҳ сени азоблашга қодирроқдир», – дедилар. Абу Масъуд ўзига келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таолонинг розилиги учун бу озоддир», – деди. У зот унга: «Агар шундай қилмаганингда ҳам, дўзах сени куйдирар ёки ўзига олар эди», – дедилар[3].
(«Саҳиҳи Муслим», 5/91, 1659)

Одамларни ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлиги

У зот видолашув хутбаларида юз мингдан зиёд одамга шундай дедилар:

«Эй одамлар, мусулмонлар ака-укадирлар. Мусулмонга биродарининг фақат чин кўнгилдан берган нарсасигина ҳалолдир. Сизларга етказдимми? Эй Аллоҳим, гувоҳ бўлгин.

Мендан кейин бир-бирининг бўйнига (тиғ) урадиган кофирларга айланиб кетманглар! Батаҳқиқ, мен сизларга маҳкам ушласангиз, ундан сўнг ҳеч ҳам залолатга кетмайдиган нарсани қолдирдим: Аллоҳнинг китобини ва менинг суннатимни. Етказдимми?! Эй Аллоҳ, гувоҳ бўлгин!» (Қаранг: Ҳоким, 1/93, 317. Байҳақий, 6/96, 11640)

Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга одамлар ҳаётини тартибга солувчи Аллоҳ таоло буюрган, қайтарган ёки бандалар қилишларига рози бўлган шариат кўрсатмаларини ўргатдилар. У зот барча одамлар қонунларни ҳурмат қилишлари ва жиноятчилар ижтимоий мавқеидан қатъи назар жазоланиши кераклигини таъкидладилар. Қонун адолатли қўлланганда, барча одамлар адолат ва хавфсизликдан роҳатланиб, хотиржам ҳаёт кечирадилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч ким, ҳатто ўзларининг қариндошлари ҳам қонундан устун эмаслигини аниқ кўрсатиб бердилар. Масалан, ўғирлик ва талончилик одамларнинг мулкига тажовуздир. Жиноятчилар ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўз жазосини олиши керак. У зот ўзларининг севимли қизлари Фотима ўғрилик қиладиган бўлса, уни ҳам жазолашларини айтганлар[4].

АДОЛАТ ШАРИАТ

Адолат билан ҳукм чиқармоқ; Тўъма ва яҳудий кишининг ҳикояси

Бир куни араб миллатига мансуб Тўъма ибн Убайриқ деган киши зирҳ кийимининг бир бўлаги бўлган зирҳли қалқонни ўғирлаб, яҳудий дўстининг уйига яшириб қўйди. Яҳудийни эса қалқонни ўғирлашда айблашди, аммо у айбловни рад этди ва у Тўъмани айблади.


Жиноятчи ҳали аниқ бўлмагани боис кўплаб араб мусулмонлари Тўъмага таскин бериб, ишни яҳудийга қарши қўзғатиш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фикрларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилишди, аммо исломий адолат устун келди. Тўъманинг айбдорлиги ва яҳудийнинг айбсизлиги исботланди. Шу воқеа сабаб Қуръони Каримда адолатга чорловчи бир оят нозил бўлди: (Қаранг: Ҳоким, 4/385, 8256. Термизий, 5/128, 3036)

«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида сенга Аллоҳ кўрсатганича ҳукм қилишинг учун туширдик. Сен хоинларнинг ёнини олувчи бўлма!»

Нисо сураси, 105-оят

Аёлларнинг ҳақлари ва мажбуриятлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув хутбаларида аёлларнинг ҳақлари ҳимоя қилинишини таъкидлаб шундай дедилар:




«Эй одамлар, сизларнинг аёлларда муайян ҳақларингиз борлиги ҳақиқат, лекин уларнинг сизларнинг устингизда ҳам ҳақлари бор.

Шуни ёдда тутингки, сиз уларни фақат Аллоҳнинг омонати ва Унинг изни туфайли ўзларингизга аёл қилиб олдингиз. Аёлларингизга яхши муносабатда бўлинг ва уларга меҳрибон бўлинг, чунки улар сизнинг шерикларингиз ва содиқ ёрдамчиларингиздир**»**.

(«Саҳиҳул Бухорий», 6/27, 5185. «Саҳиҳи Муслим», 4/178, 1468)

Етимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам етимларнинг ҳақлари билан боғлиқ Аллоҳнинг буйруқларини етказганлар. Қуръони Карим мусулмонларга етимларнинг ҳақларини ҳимоя қилишни ва уларга меҳр ва адолат билан муносабатда бўлишни буюради.

«Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар қоринларида оловни еган бўлурлар. Ва, шубҳасиз, дўзахга кирурлар».

Нисо сураси, 10-оят

Муҳаммад алайҳиссалом айтадилар:



«Мен ва етимни ўз қарамоғига олган киши жаннатда мана бундаймиз» деб, кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан, уларнинг орасини озгина очиб ишора қилдилар»[5].

(«Саҳиҳул Бухорий», 7/53, 5304)

Омонатларни эгаларига топширинг



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир киши учун жаноза намозини ўқиб беришларини сўрашди, лекин у зот аввал саҳобаларидан сўрадилар: «Бу кишининг қарзи йўқми ёки ўз қўлида бошқаларга тегишли бўлган бирор-бир омонати бор эдими?» Улар «Ҳа», – дедилар. Шунда У зот уларга аввал омонатни эгаларига топширишни ва кейин у учун жаноза намозини ўқиб беришларини айтдилар. Қуръони Каримнинг Нисо сураси, 58-оятида шундай дейилади:

«Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қилур. Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур! Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир».

Меросхўрларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш

Ислом шариатига кўра, кимдир вафот этганида, унинг энг яқин оила аъзолари мероснинг белгиланган қисмини, яъни вафот этган кишининг бойлиги ва мол-мулкини олиш ҳаққига эга. Ислом васият этаётган кишига ўз мол-мулкининг учдан бир қисмидан кўпини хайрия ёки садақа мақсадларида ажратишга рухсат бермайди. Бу меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг барчаси ўртасида мероснинг адолатли тақсимланишини таъминлашдир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор саҳобаларидан бирининг олдига ташриф буюрдилар. У саҳоба катта бойликка эгалигини ва унга меросхўр сифатида фақат битта қизи борлигини айтди. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан мол-мулкининг учдан икки қисмини хайрия учун қолдириши ҳақида сўради. У зот: «Йўқ», – дедилар. У ярми ҳақида сўради. У зот: «Йўқ», – дедилар. У учдан бир қисмини сўради, У зот: «Учдан бирига майли ва аслида у хам кўп. Сендан кейин меросхўрларингни бой, беҳожат ҳолларида қолдириб кетмоғинг, уларни одамлардан тиланиб борадиган ҳолларида қолдириб кетмоғингдан яхшидир», – дедилар.

Исломда судхўрлик йўқ

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг амри ила судхўрлик (эвазсиз ортиқча мол олиш) ҳаром қилинди, шунинг учун ҳозирдан бошлаб барча фоиз мажбуриятлари бекор қилинади. Сизнинг молингизни сақлаш сизники. Сиз ҳеч қандай адолатсизликка дучор бўлмайсиз ва азобланмайсиз. Аллоҳ судхўрлик бўлмайди, деб ҳукм қилди», – дедилар.

«Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган».

Бақара сураси, 275-оят



Бу араб тилидаги Муҳаммад исмининг хаттотлик услубида ёзилиши. Хаттот Фарид Али

Шаън ва қон тўкиш тақиқланди



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ноҳақ қон тўкишни, яъни интиқомни ва қонли жанжалларни ва низоларни тақиқладилар. Видолашув хутбасида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни эълон қилдилар:

«Исломдан олдинги даврларда одам ўлдириш (қотиллик) туфайли келиб чиқадиган ҳар қандай ҳуқуқ бундан буён бекор қилинади ва мен рад этган биринчи ҳуқуқ – бу Рабиъа (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қариндоши) ўлдирилишидан келиб чиққан ҳуқуқдир». (Термизий, 5/167, 3087. Ибн Можа, 4/243, 3055)

Қасддан қотиллик ва билмай ўлдириш

Қасддан қилинган қотиллик учун қасос олинади ва қотилга жазо тайинланади.

Қотиллик қилма

Аммо кимдир бирор кишини билмай ўлдирса ва тасодифан ўлимига сабаб бўлса, қатлга учраган кишининг оила аҳлига товон тўлаши керак. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида товон юз туя эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, ким бундан кўпроқ нарсани талаб қилса, у жоҳилият даврининг одамидир.

Исломда душманга муносбат

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларини душманларига муносабатда мўътадил бўлишга ва жуда кўнгилчан ҳам, жуда тажовузкор ҳам бўлиб кетмасликка ўргатганлар. У зотнинг ўзлари жанг майдонларида бўлдилар. Муҳаммад алайҳиссалом жангларда ҳарбий асирлар ва душманлар билан қандай муомала қилиш қоидалари ва ахлоқларини ўрнатдилар.

У зот мусулмонларга тинч яшаётган аҳоли билан жанг қилмасликни, болаларга ёки аёлларга ёхуд қарияларга тажовуз қилмасликни ва уларни ўлдирмасликни ҳам таълим бердилар. У зот уларга атроф-муҳитни вайрон қилмасликни ёки дарахтларга беҳуда зарар етказмасликни тайинладилар.

Ўлдирма!

оддий аҳолини, болаларни, аёлларни ва ёши катталарни

ВАЙРОН ҚИЛМА

Атроф-муҳитни ва дарахтларни кесма

Қуръони Каримнинг Бақара сураси, 190-оятида душманлар ва босқинчиларга қарши курашнинг асосий қоидалари белгилаб қўйилган ва унда шундай дейилган:

«Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкор бўлганларни хуш кўрмас».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз жонига қасд қилишни катта гуноҳ деб айтганлар

Ўз жонингга қасд қилма

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам буни қуйидаги сўзлар билан изоҳлайдилар:

«Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, қиёмат кунида ўша заҳари қўлида, уни ичган ҳолда жаҳаннам оловида абадий қолади. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша темир парчасини қорнига суққан ҳолида жаҳаннам ўтида абадий қолади. Ким тоғ тепасидан ташлаб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам шу хил азобга

гирифтор бўлади. Ўзини бирор нарсага уриб ўлдирган кимса, дўзахда ўзини уриб азоблайди. Ўзини ўзи бўғиб ўлдирган кимса, жаҳаннамда ҳам ўзини бўғиб азоблайди»[5].

Инсон ҳаётининг муқаддаслиги ва дахлсизлиги

Аллоҳ ҳаётни яратувчиси ва унинг ягона бошқарувчиси бўлгани учун У ҳар бир махлуқотни ҳаётига эгалик қилади. Аллоҳ Қуръони Каримда Одам алайҳиссаломнинг ўғли Қобил укаси Ҳобилни ноҳақ қатл этган тарихдаги биринчи қотиллик ҳодисаси тўғрисида қуйидагича баён қилади:

«Шунинг учун ҳам Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», – деб ёздик. Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра бундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар».

Моида сураси, 32-оят



Муҳаммад алайҳиссалом зўравонликни қоралаадилар



У зот ҳеч қачон зўравонликни Аллоҳнинг хабарини етказиш ёки Унинг динини мажбурлаш воситаси сифатида қўлламаганлар. У зот Мадинада исломий жамиятни барпо этган бўлсалар-да, ҳеч қачон Маккада қолган мусулмонлар жамоатидан муаммо пайдо қилиш ёки душманларига суиқасд уюштириш учун фойдаланмаганлар. Аслида, у зот ўз издошларидан улар яшаган жамиятнинг ижтимоий тартибини ҳурмат қилишни сўраганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларга ҳар доим ва ҳар қачон юмшоқлик ёки меҳр-оқибат ила муносабатда бўлинса, бу унинг қадрига қадр қўшишини ва яхши натижаларга мушарраф этишини ўргатганлар. Шунингдек, у зот қўполлик ва ноаниқ хатти-ҳаракатлар ҳар бир нарсани бузишини ҳам билдирганлар.







Туркиялик хаттот Ҳасан Челеби томонидан Қуръондаги бир оят учун ишлаб чиқарилган Ислом хаттотлигидан намуна. Аллоҳ Ўз бандаларига айтади: «...агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қилур...». Нисо сураси, 58-оят



Мисрлик хаттот Исаам Абдул Фаттоҳ Қуръони Каримдаги бир оят учун ишлаб чиқарган Ислом хаттотлигидан намуна. Аллоҳ одамларга айтади: «...Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас...». Исро сураси, 15-оят

ИЗОҲЛАР



1 Нельсон Мандела (Жанубий Африка Республикасининг биринчи президенти) ирқчилик ва турли ирқдаги одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилишига қарши курашиш бўйича ажойиб ибрат олса арзийдиган инсон. Унинг даврида Жанубий Африка ҳамма одамлар бир миллат сифатида биргаликда яшайдиган мамлакатга айланди.

Қуръони Карим таълимотлари Аллоҳ инсониятни ўзаро танишишлари учун уларни турли миллат ва қабилалардан қилганини таъкидлайди. Оқ танли одам оқ танли одамдан тақводорлик бўйича устунликдан бошқа устунликка эга емас. «Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлилигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир». Ҳужурот сураси,13-оят.

2 «Риёзус Солиҳийн» (1603/4), (1605/6)



3 Муҳаммад алайҳиссалом ишчиларни ёллаган ва уларга иш ҳақини тўламайдиганлар учун қиёмат куни Аллоҳ душман бўлишини таъкидлаганлар. У зот ишчиларга терлари қуриб улгурмасдан ҳақларини бериш кераклигини айтганлар. Иш ҳақини ўз вақтидан кечиктириш мумкин эмас ва ишни тугатгандан сўнг дарҳол унинг ҳақини бериш керак.


4 Ислом ҳуқуқшунослиги ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қуйидаги интернет сайтларига киринг:

https://fiqh.uz/

https://islom.uz/maqolalar/47/1

5 «Саҳиҳул Бухорий» (34/8)

6 «Саҳиҳул Бухорий» (5778) ва «Саҳиҳи Муслим» (109).



Араб тилида Муҳаммад исмининг шакл бериб ёзилиши, Хаттот Фарид Али

Қисм

8

Атроф-муҳит



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимлари

У зот атроф-муҳитни сақлашни барча мавжудотларни яратган ягона Аллоҳга бўлган имон билан боғладилар. Шунинг учун Аллоҳга ишонадиган киши атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин эмас. Чунки бу Аллоҳ мулкининг бир қисмидир. Атроф-муҳитга зарар етказиш ва унинг захиралари – сув, ўсимликлар, ҳайвонлар, тупроқ, ҳаво, денгиз экотизими ва бошқаларни исроф қилиш ёки ифлослантириш Ислом кўрсатмаларига биноан ман этилади.





«Қайси бир мусулмон бир кўчат ўтқазса ёки бир экин экса-ю, ундан қушми, инсонми, ҳайвонми еса, бу ундан садақа бўлади»

(яъни Аллоҳ тарафидан мукофотланади)

Пайғамбар Муҳаммад ﷺ

(«Саҳиҳул Бухорий», 2320 ва «Саҳиҳи Муслим», 1188)

Табиий бойликлар мукаммал мувозанатдадир

Муҳаммад алайҳиссалом ўз умматларига барча табиий бойликларни Аллоҳ яратган ва У томонидан мукаммал мувозанатга солиб қўйилган, деб таълим берадилар.

«Албатта, Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик».

«...Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир».

«...Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир».

Қуръони Карим, 54:49; 13:8; 27:88

Одамлар табиий бойликларда тенг ҳуқуқларга эга: Табиий бойликлар – бу Аллоҳнинг бутун инсониятга берган инъоми, уларни беҳуда сарфламаслик ёки ўзиники қилиб олишга йўл қўймаслик керак. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар сувда, ўт-ўланда ва оловда (иссиқлик қувватида) тенг улушларга эга эканини билдирдилар (қонуний равишда хусусийлаштирилганидан ташқари).

Ҳисса қўшинг

- Атроф-муҳитни ифлослантирманг
- Атроф-муҳитга зарар етказманг
- Табиий бойликларни исроф қилманг, ортиқча ишлатманг
- Табиий бойликлардан самарали фойдаланинг, қайта ишлашни йўлга қўйинг

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси Аллоҳнинг яратганларидан.

«Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюкдир»

Муъминун сураси, 14-оят

«Зарар йўқ» – бу умумий қоида.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам табиий бойликларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асраш ва одамларни ҳимоя қилиш учун умумий қоидаларни белгилаб қўйдилар. У зот ўз саҳобаларига шундай дедилар:

«Зарар бериш ҳам, зарар етказиш ҳам йўқ»

«Имон етмишдан ортиқ бўлакдан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа илаҳа иллаллоҳ» дейиш ва энг қуйиси – йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлашдир».

Аллоҳнинг расули Муҳаммад ﷺ

(«Саҳиҳул Бухорий», 1/11, 9)



Араб хаттотлигида Муҳаммад исмининг дарахт барглари шаклида ёзилиши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сувдан меъёрида фойдаланишни таъкидлаб, исрофгарчилик ва ортиқча сарф-харажатларни қораладилар



У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат олаётган саҳобаларидан бирига оқаётган дарё яқинида бўлса ҳам сувни беҳуда сарфламаслик кераклигини айтиб, унга танбеҳ бердилар.

Бошқа бир сафар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига оқмайдиган сувни ифлос қилмасликни ва унга пешоб қилмасликни буюрдилар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

> ***«...Сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмасларми?»***
>
> ***«Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса Роббига ўта ношукр бўлгандир».***
>
> ***«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас».***
>
> Анбиё сураси, 30-оят; Исро сураси, 27-оят; Аъроф сураси, 31-оят

Атроф-муҳитнинг яхшиланишига ҳисса қўшинг

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун олам қулаб тушган ва ер сайёрасида ҳаёт тугаган ҳолатда бўлса ҳам, одамларни атроф-муҳитни яхшилашга ҳисса қўшишга даъват этдилар. У зот айтадилар:



Ҳисса қўшинг

«Агар қиёмат қоим бўлаётганда сизлардан бирортангизнинг қўлида кўчати бўлса, кўчатни экишга имкон топса, дарҳол уни экиб олсин».
(«Муснади Аҳмад», 5/2727, 13100)

Аллоҳга ишонувчилардан атроф-муҳитни обод қилишга ҳисса қўшиши ва уни ҳимоя қилиши талаб қилинади. Аллоҳ ер юзида бузғунчилик қилувчиларни ва экинларни ва чорва молларини ҳалок қилувчиларни севмас.

«Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас»
Қосос сураси, 77-оят

Ҳайвонларнинг тинчлиги ва ҳаловати

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайвонларга яхши муносабатда бўлишга чақирадилар

У зот ҳайвонларни бирор сабабсиз қафасга солиб қўйишга ёки уни озуқадан чеклаб қўйишга қарши эдилар. Бундан ташқари, у зот ҳайвонларга озор бериш ёки бекордан-бекор калтаклашни ёқтирмасдилар. У зот ҳайвонларга мулойим ва яхши муомалада бўлишга қаратилган ҳар қандай маънавий чақириқни ёқлаб, турли-туман тушунтириш услубларини қўллаганлар.

Ҳайвонлар ва бошқа барча мавжудотлар Ер юзидаги катта жонли ҳаётнинг бир қисмини ташкил қилади

«Ер юзидаги ҳар бир юрувчи жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз. Сўнгра Роббиларига жамланурлар».

Анъом сураси, 38-оят



Ҳалол бу – ҳалол овқатдан кўпроқ нарсани англатади



Ҳалол, одатда, рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотларини таърифлаш учун қўлланади, аммо бу атама анча кенг маъно касб этади. Ҳалол – «рухсат этилган» таомлар ёки ҳаракатлар деган маънони англатади ва ҳаром унинг зиддидир – тақиқланган ишлар демакдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таъкидлашларича, мусулмонлар Аллоҳ рухсат бермаса, бирор-бир ҳайвонни ўлдиришга ҳақлари йўқ. Фақатгина Аллоҳнинг рухсати билан (барча жонзотлар унга тегишли) ҳайвонларнинг айрим турларинигина истеъмол қилиш учун сўйишлари мумкин. Озуқа учун фақат ўтхўр ҳайвонларни сўйиш мумкин (масалан, сигир, туя, қўй, эчки,товуқ ва бошқалар ва гўшт истеъмол қилмайдиган қушлар каби).

Илтимос, шуни ёдда тутинг: чўчқа ҳамма нарсани ўсимлик ва ҳайвонларни ҳам истеъмол қилиб кетаверадиган ҳайвондир. Чўчқа гўштини истеъмол қилиш Ислом ва яҳудийлик динида тақиқланган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига ҳайвонларни рухсат этилган ҳолатда сўйиш энг оғриқсиз тарзда амалга оширилиши кераклигини ўргатдилар

Масалан, жонлиқни ўтмас тиғ билан сўйиб бўлмайди, балки у ўткир бўлиши керак. Ҳайвонни тош билан уриш ёки сўйиш жараёнини кузатаётган бошқа бир ҳайвоннинг ёнида сўйиш мумкин эмас. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа жониворнинг ёнида жонлиқ сўяётган кишига: «Бошқа ҳайвонни икки марта ўлдирмоқчимисан?» – деганлар.

(Ҳоким, 4/231, 7658)



Ҳайвонларга яхши муносабатда бўлиш

Бир куни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига ҳайвонларга яхши муомалада бўлиш кераклигини хабар бердилар. Туянинг эгаси унинг устига тоқатидан ташқари юкни юклагани учун туя у зотга шикоят қилганини айтдилар. (Қаранг: Абу Довуд, 2/328, 2549)

Бошқа бир сафар, у зот ўз саҳобаларига:
«Ким бу қушнинг болаларини олган бўлса, тезда онасига қайтарсин (у қуш бошсиз жўжадек югуриб юрган эди)» – деганлар. (Абу Довуд, 3/8, 2675, 4/539, 5268)





Ҳайвонларга меҳр кўрсатганингиз учун сизга мукофот берилади

Ҳатто ҳайвонлар учун ҳам яхши муомалада бўлиш Аллоҳ томонидан мукофотланишга лойиқдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир марта саҳобаларига чанқаган одам йўлда қудуқ топиб, ичига тушиб, сув ичгани ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. У киши қудуқдан кўтарилгач, чанқаган итнинг тиллари осилган ҳолда нафас олаётганини кўради ва қайтадан қудуққа тушиб, оёқ кийимида олиб чиққан сувни итга беради. Шунда Аллоҳ унинг раҳмдиллигини тақдирлаб, олдинги гуноҳларини мағфират қилади. (Қаранг: «Саҳиҳул Бухорий», 3/132, 2466. «Саҳиҳи Муслим», 7/44, 2244)


Яна бир ўринда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига бир аёл мушукни ўлгунига қадар қамаб қўйгани ва озуқадан ман этгани учун Аллоҳ уни жазолаганини айтиб бердилар. У аёл мушукни егулик бермай ва на ўз ҳолига қўйиб юбормай ушлаб турган бўлади. (Қаранг: «Саҳиҳул Бухорий», 3071)



Қисм

9

Мўъжиза



«Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа томонидан тўқиб чиқарилган эмас. Ва лекин у ўзидан олдингининг тасдиғи ва китобнинг тафсилотидир. Унда ҳеч шубҳа йўқ. У оламларнинг Роббидандир».

Юнус сураси, 37-оят



Аллоҳнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатган мўъжизаси

Аксар олимларнинг фикрига кўра, Аллоҳнинг хабарини



етказиш ва одамларни тавҳид динига даъват этиш Муҳаммад алайҳиссалом учун олдинги кўплаб пайғамбарлар амалга оширган ишлардан кўра оғирроқ бўлган. Пайғамбаримизнинг асосий мўъжизалари Қуръони Карим бўлиб, мазкур илоҳий Китоб соф араб тилида баён этилган.

Араб тилида сўзлашадиган ўз қавмлари қарши чиқишларига қарамай, у зот билан саҳобалари Исломни турли миллатлар, турли тилларда сўзлашадиган жамоаларга ва Арабистон яриморолидан ташқаридаги маданият ва дин вакилларига етказишган.

«Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар». Нисо сураси, 82-оят

Нима учун Қуръони Карим абадий мўъжиза ҳисобланади?

Қуръони Каримнинг муаллифи инсон эмас. У Аллоҳнинг Каломи ва бутун инсониятга юборган абадий хабарларидир. Қуръони Карим пайғамбар ёки бошқа бирор киши томонидан ўзгартирилмаган, Аллоҳнинг Сўзларини ўз ичига олган ягона илоҳий китобдир.

Ҳақиқий пайғамбарлар келтирган ва фақат ўз даврида яшаган одамлар кўрган мўъжизалардан фарқли ўлароқ, Қуръони Каримга ушлаб кўриш, кўз билан кўриш, ўқиш ва авлоддан авлодга етказиш мумкин бўлган абадий мўъжиза сифатида қаралади.



«(Эй Муҳаммад), «Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмоқчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар», – деб айт».

Исро сураси, 88-оят

Қуръони Карим матнини сақлаб қолиш

Ҳозирги мусҳафлардаги Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср олдин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган Қуръони Каримдан асло фарқ қилмайди. Дастлаб кўпчилик мусулмонлар Қуръони Каримни сўзма-сўз ёд олганлар.

Муҳаммад алайҳиссалом вафот этганларидан кўп ўтмай, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Исломда биринчи халифа бўлганида Қуръони Карим тўлиқ бир китобга жамланди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан ўн уч йил ўтиб, учинчи халифа бўлганида бир қанча асл нусхалар битилиб, турли давлат ва минтақаларга тарқатилди.



Қуръони Карим ёзуви. «Ғофир» сураси 60-оятида Аллоҳ бандаларига айтади: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман».

Узвийлик ва такрорийлик, яъни «тавотур» Қуръони Каримнинг мутлақ ҳақиқий эканини тасдиқлайди. Чунки у битта матнни бир неча турли гуруҳ вакиллари томонидан бир хил ривоят қилинганини ва зиддият, қарама-қаршилик ва узилишларсиз бир авлоддан иккинчи авлодга ўтганини кўрсатади.

Қуръони Карим, Ҳадис ва Суннат



Шуни таъкидлаш керакки, Муҳаммад ﷺ сўзлари ва таълимлари Қуръони Карим билан аралашиб кетмаган. Қуръони Каримда одамларнинг ҳеч қандай сўзлари ёки изоҳлари йўқ, унда фақат Аллоҳнинг каломи мавжуд, холос. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганлари ва таълимлари алоҳида китобларда ҳадис ёки суннат номи остида тўпланган. Уларда пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг берган таълимлари, лафзлари, ҳаёт тарзлари ва Қуръони Каримнинг тафсирлари мавжуд.

Ҳадис китоблари билан бошқа муқаддас китобларни таққослаш

Қуръони Каримдан бошқа муқаддас китоблар ўзгартирилган, уларга баъзи кишиларнинг сўз ва иборалари кириб қолган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари мусулмон олимлар томонидан тўпланиб, у зотнинг сўзлари, амаллари, тақрир (бирор нарсага иқрор бўлиш,унинг тўғрилигини тасдиқлаш, маъқуллаш) ва таълимларини ўз ичига олган. У зотнинг ҳадислари бизга ишончли йўллар билан етиб келган.



Қурони Каримдан бошқа илоҳий китоблар эса юқорида айтилганидек инсонлар томонидан ўзгартирилган. Масалан, Библия 1400 йилдан 1800 йилгача 40 та турли муаллифлар томонидан ёзилган. Бу 2 та қисмга бўлинган 66 та алоҳида-алоҳида тўпламдир. 1-қисм – Эски Аҳд 39 та китобдан ва Янги Аҳд 27 та китобдан иборат.

Шуни айтиб қўйиш керакки, Қуръони Каримнинг аксар оятларида Аллоҳ таоло ўзига нисбатан «Биз» сўзини қўллайди. «Биз» дегани араб тилида улуғворлик ва қудратни англатади. Бошқа томондан, Қуръони Каримда тез-тез «айт» деган буйруқ хитоби қўлланади. Яъни, «Уларга айт, эй Муҳаммад» деган маънода.

Қуръони Каримнинг тенги йўқ ўқиш услуби

Қуръони Карим ўқилганда ёки тиловат қилинганда, одатда, «тажвид» атамаси зикр қилинади ёки Қуръони Каримни ўқиш услубини ўз ичига олган қоидалар билан боғлиқ жиҳатлар тушунтирилганда, тажвид илми тилга олинади.

Нафақат Қуръони Карим матни ноёб сақланиб қолган, балки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саҳобалари ўқиган услублари ҳам ўзгармасдан етиб келган.

Қуръони Каримни тиловат қилиш услублари ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган қорилардан то ҳозирга қадар инсонлар силсиласи ровийларнинг исмлари орқали ҳужжатлаштирилиб қўйилган. Бу бутун ислом дунёсини қамраб олган ва наслдан наслга ўтиб, шу кунгача давом этиб келмоқда.

Тажвид ноёб фан

«Тажвид» бошқа динларда намунаси йўқ жуда ноёб фан. Бу илм Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръони Каримни сўзма-сўз тиловат қилиш услубларини сақлаб қолиш учун унга саҳобалар берган энг юқори даражадаги эътиборни англатади.

Бой тил

Қуръони Карим асл араб тилида нозил қилинган. Мусулмон уламолар араб тилида жуда кўп сўзлар борлиги ва унинг тил қоидалари пишиқ ва пухталиги сабабли уни бошқа тиллардан устун, деб ҳисоблайдилар.

Араб тилида 28 та ҳарф бор, уларнинг баъзилари бошқа тилларда мавжуд эмас. Масалан, «дод», яъни йўғон «д» ва «то» йўғон «т»лар ва бошқалар.

Ҳар бир асл ёки ўзак сўздан олинадиган янги сўзлар сони юздан ошиши мумкин. Шунга кўра, араб тилидаги сўзларнинг умумий сони олти миллиондан кўпроқ. Бу дунёдаги энг таниқли тилларнинг сўзлари сонидан анчагина кўп.



Қуръондаги муҳим илмий маълумотлар

Катта портлаш ва коинотнинг яратилиши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида ҳеч ким коинотнинг яратилиши ҳақида етарли тушунча ё маълумотга эга эмасди. Одамлар сайёралар ҳаракати ҳақида кўп нарсани билмасдилар ва ернинг тухумсимон, думалоқ экани ҳеч кимнинг хаёлидан ҳам ўтмаган эди. Мусулмонлар Аллоҳга ва Уни коинотнинг яратувчиси эканига, Унинг яккаю ягона эканига ва коинотни қандай яратилганини фақатгина Ўзигина билишига ишонадилар.



Ўн тўрт аср олдин Қуръони Каримда коинотнинг яратилиши, Қуёш ва Ойнинг ҳаракати, Ернинг айланиши ва кун ва туннинг алмашиб туриши ҳақида сўз юритилган.

Замонавий илм-фан оламнинг яратилишини «Катта портлаш назарияси»га кўра изоҳлайди ва тушунтиради. Узоқ йиллар давомида тўпланган кузатув ва тажрибага оид маълумотлар буни қўллаб-қувватлайди. «Катта портлаш назарияси»га кўра, бутун олам дастлаб бир катта массага бирлашган, сўнгра улкан портлаш юз бериши натижасида самовий материянинг агломерацияланган булутларидан тутун ёки газсимон шаклдаги галактикалар пайдо бўлган.



Оламнинг кенгайиши

1925 йилда америкалик астроном Эдвин Хаббл галактикалар ва бутун коинот кенгайиб бораётганини англатадиган юлдузларнинг бир-биридан узоқлашаётгани ҳақидаги илмий кузатув далилларини келтирди. Шунингдек, бу сайёралар Қуёш атрофида эллиптик орбиталарда ҳаракатланиб, ўз ўқлари атрофида айланишларига аниқ илмий далилдир.

14 аср илгари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиган ва ҳозиргача сақланиб келаётган Қуръони Карим оятлари билан замонавий илмий кашфиётлар ўртасидаги ўхшашликларга ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ.



«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлган эканини, бас, Биз уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмасларми? Имон келтирмасларми?».

Анбиё сураси, 30-оят

«Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва ерга: «Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!» – деди. Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик» – дедилар».

Фуссилат сураси, 11-оят



«У кечаю кундузни, қуёшу ойни яратган Зотдир. Ҳаммаси фалакда сузмоқдалар».

Анбиё сураси, 33-оят

«Осмонни Ўз қўлимизда (қудратимиз) ила бино қилдик. Албатта, Биз уни кенгайтирувчимиз».


Зориёт сураси, 47-оят

Эмбриология ва инсоният яратилиши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсониятнинг яратилишини тушунтириб берадиган қуйидаги мўъжизавий оятни ўқидилар. Бундай билимлар у зотнинг даврларида маълум бўлмаган ва эмбриология фани 1400 йил олдин ҳали кашф этилмаган эди.

«... У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Барча мулк Уникидир. Ундан ўзга ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасиз?!»

Зумар сураси, 6-оят



Замонавий илм-фан қоринда ҳомилани ўраб турган ва эмбрионни мустаҳкам ва кучли ҳимоялайдиган зулмат пардасини ҳосил қилувчи учта қатлам мавжудлигини тушунтиради: (1) онанинг ички қорин девори, (2) бачадон девори ва (3) ҳомила атрофидаги ички мембрана.







Инсоннинг яратилиши Қуръони Каримнинг қуйидаги оятида мўъжизавий тарзда баён қилинган:



«Қасамки, батаҳқиқ, инсонни лой сулоласидан яратдик. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўштдан суяк яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюкдир».

Муъминун сураси, 12 – 14-оятлар

Ажабланарлиси шундаки, Қуръони Каримда айтилган эмбрионнинг ривожланиши тиббиёт фанлари кашфиётлари билан бир хил. Юқоридаги оятда аниқ айтиб ўтилганидек, суяклар гўшт пайдо бўлишидан олдин ҳосил бўлгани аниқланди[2].

Бундан ташқари, олимлар эмбрионнинг эшитиш қобилияти оналарнинг қорнида кўриш қобилиятидан олдин ривожланиб боришини аниқладилар. Бу Қуръони Каримда келтирилган кетма-кетликка мос тушади (қаранг: 32:9, 76:2, 23:78). Бу ўриндаги барча оятлар кўриш қобилиятидан олдин эшитиш қобилиятига ишора қилади:

> ***«...Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюкдир».***
>
> Муъминун сураси, 14-оят

309 Йилларнинг ҳайратланарли ҳисоби

Қуръони Каримнинг Каҳф сураси, 25-оятида ғорда ухлаб қолувчилар ҳақида оятлар келади, уларнинг ғорда уч юз йил қолиб кетиши ва қўшимча яна тўққиз йил ўтказгани айтилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида оятда нима учун юқоридаги йилларни биттада уч юз тўққиз йил деб айтилмаганлигини ҳеч ким билмаган.

Шунингдек, Арабистон ярим оролида ҳеч ким қамарий йил билан Қуёш, яъни Григорян тақвими ўртасидаги фарқни билмаган. Қамарий йил ҳисоби Қуёш тақвимидан ўн бир кунга қисқароқ ҳисобланади. Ажабланарлиси шуки, уч юз йил мобайнида қамарий йил билан Қуёш, яъни Григорян йили ўртасидаги фарқ тўққиз йилни ташкил қилади.

Қуръони Карим, одатда, 604 саҳифа ҳажмида чоп этилади. Унда тахминан 80000 та сўз бўлиб, бу сўзлар 114 та сура ва 6348 та оятни ташкил қилади. Қуръони Каримнинг энг узун сураси 286 оят, энг қисқаси эса 3 оятдан иборат.

Келажак воқеалари ҳақида ҳайратланарли хабарлар

«Рум мағлуб бўлди. Яқин (энг паст) ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. Саноқли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳимдир». Рум сураси, 1 – 5-оятлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида араблар яқин ўн йил ичида зиддиятнинг ривожланиши, икки катта кучлар давридаги ва ўртасидаги ҳолат қандай бўлишини ва мағлубиятга учраган империя бир неча йил ичида ғалабани тиклай оладими-йўқми, башорат қилиш деярли мумкин эмас эди. Форс империяси милодий 614–619 йиллар даврида Фаластин ҳудудида Рим империясини мағлуб этиб, Қуддусни эгаллаб олгани, аммо бир неча йил ичида римликлар Ироқнинг Найнаво шаҳрида форслар устидан ғалабани тиклаб олганлари тарихий ҳақиқатдир.

Ажойиб география

Ажабланарли жойи шундаки, яқинда ўтказилган геологик тадқиқотлар Иорданиянинг тоғли водийсида жойлашган Ўлик денгизни дунёдаги энг чуқур шўр кўл эканлигини аниқлади. У денгиз сатҳидан 422 метр пастда жойлашган. Унинг қирғоқлари ер юзидаги энг паст нуқтадир. Юқоридаги оятларда римликлар Арабистонга энг яқин Рим ерларида мағлубиятга учраганлиги ва аслида у ер юзидаги энг паст жойни ўз ичига олганлиги кўрсатилган.

Изоҳ: *Арабча «адна» сўзи (юқоридаги 3-оят) иккала маънони ҳам, яъни энг яқин ва энг паст маъноларни билдиради.*

ИЗОҲЛАР

1. Эски Аҳд милоддан аввалги 1500–400 йилларда яҳудий тилида ёзилган. Янги Аҳд юнон тилида милодий биринчи асрнинг иккинчи ярмида ёзилган. Одатда Матто китоби эрамизнинг 50 дан 75 йилигача ёзилган биринчи Хушхабар экани қабул қилинган. Тўртта Хушхабардан Юҳанно милодий 85 йилларга яқин ёзилган деб ҳисобланади.

2. Эмбриология ва Қуръони Каримдаги илмий далиллар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун www.islom.uz ва www.quran.uz сайтига ташриф буюринг.

Сувлар орасидаги тўсиқ: Икки қуруқлик ўртасидаги чегарани яққол белгилаш мумкин, аммо сувда-чи? Ер куррасида шундай нуқталар борки, у ерда икки сув ҳавзаси ҳеч бир тўсиқсиз учрашади, аммо сувлари аралашиб кетмайди. Ҳозирги замон илм-фани яқинда нима учун икки океан сувлари бир-бирига аралашмаслигини тушунтириб бера олди. Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ўрганилса, у зот ҳеч қачон икки океаннинг учрашадиган жойини кўриши мумкин бўлган жойларга саёҳат қилмаганлар, аммо бу 1400 йил олдин Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган Қуръони Каримда, Ар Роҳман сурасининг 19–21-оятларида ажабланарли тарзда тасвирланган: «Дарёю денгизларни бир-бири билан учрашадиган қилиб қўйди. Ўртадаги тўсиқдан ошиб ўтолмаслар. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз».



Қисм

10

У зотнинг сўзлари ва таълимлари



Муҳаммад алайҳиссалом икки қўлларидаги бармоқларини бир-бирига киригштириб:
«Мўмин билан мўмин бино кабидирлар, улар бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар», – дедилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 481 ва «Саҳиҳи Муслим», 2585

Орзу-ҳавас

Ажал

Инсон

Муҳаммад алайҳиссалом ерга учта чизиқ чиздилар ва айтдилар: «Мана бу инсон (бу дунёвий ҳаётида кўп орзу-ҳавас ва режаларига эга бўлган). У ўзининг орзу-ҳавасларига эришиш ёки уни амалга ошириш учун яшар экан, тўсатдан унга ажал келиб қолади».

«Саҳиҳул Бухорий», 6417 ва «Саҳиҳи Муслим», 1671

У зотнинг айтганлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари ва таълимлари жуда таъсирли бўлиб, ҳаётнинг инсон руҳияти, ахлоқлар, ижтимоий масалалар, савдо ва бошқа қирраларини қамраб олади. У зотнинг сўзлари ҳикмат ва илоҳий ваҳийга асосланган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, амаллари ва сифатлари суннат сифатида танилган ва улар ҳадис тўпламларида мужассам бўлган. Суннат Ислом шариатининг Қуръони Каримдан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланади.

«Сизнинг Биродарингиз адашгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ. У ҳаводан нутқ қилмас».

Нажм сураси, 2 – 3-оятлар

Қуйида у зотнинг турли ҳаётий масалаларга оид ҳадислари келтирилади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил:

- кексалигинг олдидан ёшлигингни;
- касаллигинг олдидан саломатлигингни;
- камбағаллигинг олдидан бойлигингни;
- машғул бўлиб қолишдан олдин бўш вақтингни;
- ўлим етишидан олдин ҳаётингни», – дедилар».

Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган, 7846 (4/341)



«Мўминларнинг имони мукаммали хулқи гўзалидир».

(Термизий ривоят қилган)

«Икки неъмат борки, кўп одамлар уларни бой бериб қўяди: соғлиқ ва бўш вақт». («Саҳиҳул Бухорий», 6049)


«Икки кишидан бошқасига ҳасад қилиш йўқ: Аллоҳ мол-дунё берган-у, уни ҳақ йўлда сарф қилиб юборишга муваффақ қилинган кишига ҳамда Аллоҳ ҳикмат ато этган-у, у билан ҳукм қилиб, уни ўргатадиган кишига». («Саҳиҳул Бухорий», 73/15)



«Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, бездирманглар». («Саҳиҳул Бухорий», 69/11)



«...Агар рост сўзласалар ва (молнинг айбини) очиқ айтсалар, савдоларида уларга барака берилади. Агар яширсалар ва ёлғон сўзласалар, савдоларининг баракаси ўчирилади». («Саҳиҳул Бухорий», 2082/22)



«Ҳеч бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича мўмин бўла олмайди». («Саҳиҳул Бухорий», 13/7)



«Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор», – дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули, топмаган киши-чи?» – дейишди. «Қўли билан меҳнат қилади, шунда ўзига ҳам фойда келтиради, садақа ҳам қилади», – дедилар. «(Имкон) топа олмаса-чи?» – дейишди. «Бошига иш тушган ҳожатмандга ёрдам беради», – дедилар. «(Имкон) топа олмаса-чи», – дейишди. «У ҳолда маъруф иш қилсин ва ёмонликдан тийилсин, мана шу унинг учун садақадир», – дедилар.

(«Саҳиҳул Бухорий», 1445/30)



«Қачонки одам боласи ўлса, амали кесилади. Магар уч нарсадан: жорий садақадан (кўпчилика фойдаси тегиб турадиган хайрия ишлар), (инсонлар) манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», – дедилар».

(Муслим, Термизий ва Насои ривоят қилган)

«Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқ. Қилган ҳар бир ёмон ишинг орқасидан уни ювадиган бирор-бир яхшиликни эргаштир ва инсонларга нисбатан гўзал хулқ ила муомала қил».

(Термизий, 1987 ва Аҳмад 5/153)



«Яхшилик ҳусни хулқдир. Ёмонлик кўксингда тўқилган ва одамлар уни билиб қолишини ёқтирмаган нарсангдир». («Саҳиҳи Муслим», 15/ 2553)



«Кучли одам курашда ютган эмас, ғазабланганида ўзини босиб олган кишидир»

(«Саҳиҳул Бухорий», 5785 ва «Саҳиҳи Муслим», 4853)



«Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин! Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, меҳмонини эҳтиром қилсин!»

(«Саҳиҳул Бухорий», 6018 ва «Саҳиҳи Муслим», 74–47)

(Юқоридаги ҳадисларнинг барчаси эркак ва аёлларга тааллуқлидир)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озиқ-овқат ва тиббиётга оид айтган гаплари

Касалнинг олдини олиш даволашдан кўра яхшироқдир

Гарчи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам табиб бўлмасалар ҳам, у зотнинг овқатлари, соғлом овқатланиш одатлари, гиёҳлар билан даволашга оид ҳадислари кейинчалик «Пайғамбар табобати» номи билан машҳур бўлган китобларда тўпланди.

Қорин-тўлдириш учун энг ёмон идиш

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча бор қорин – тўлдириш учун энг ёмон идиш эканини билдириб ўтдилар. Озгина овқат ва очликдан тўсадиган оз миқдордаги тановул ошқозонни тўлдиришдан кўра яхшироқдир. Булар турли касалликларнинг келиб чиқишининг олдини олади.

У зот саҳобаларини меъёрида еб-ичишга, семиришдан сақланишга, фаол ва соғлом турмуш тарзини пайдо қилишга даъват этдилар. У зот шу мазмундаги Аллоҳнинг қуйидаги Каломини бизга етказдилар. Қуръони Каримнинг Аъроф сураси, 31-оятида шундай дейилади:

«Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатингизни олинг. Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас»



Муҳаммад алайҳиссалом арпага буюрмоқдалар

Бугунги кунда арпанинг соғлиқ учун ажойиб фойдаларини намойиш этадиган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Арпа табиий озиқ-овқат қўшимчасидир.

Унинг таркибида кўплаб ферментлар, витаминлар, минераллар, фитокимёвий моддалар ва саккизта муҳим аминокислота, шу жумладан, тушкунликни олдини олишга ёрдам берувчи триптофан мавжуд.

Муҳаммад алайҳиссалом ошқозон касалликлари учун арпа шўрвасини **(талбинани)** тавсия қилганлар ва у қайғу ва тушкунликни енгиллашишига ёрдам беришини айтиб ўтганлар. Аёллари Оиша розияллоҳу анҳо вафот этган кишининг яқин қариндошларига қайғуни камайтириш учун талбина шўрвасини ичишни тавсия қилар эдилар.



(«Саҳиҳул Бухорий», 5365 ва «Саҳиҳи Муслим», 2316)



Тиббий тадқиқотлар натижасига кўра, руҳий тушкунлик касаллиги миядаги кайфият учун масъул бўлган баъзи кимёвий моддалар ёки нейротрансмиттерлар камайиши оқибатида юзага келади. Антидепрессантлар ушбу нейро-трансмиттерлар даражасини оширадиган кимёвий ўзгаришларни рағбатлантиради.

Кайфият билан боғлиқ учта асосий нейротрансмиттер – бу серотонин, норэпинефрин ва дофамин. Арпа серотонинга тушкунликни енгиллаштирадиган даражада ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. 1400 йил олдин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан арпани тиббий жиҳатдан фойдалари билан тавсия қилишлари ақлга сиғмайдиган даражада ҳайратлидир.



Муҳаммад алайҳиссалом буғдой унидан қочиб, аксинча, арпа ва арпа унидан тайёрланган нонни тановул қилишни хуш кўрганлар.

Арпа унининг соғлиқ учун жуда кўп фойдаси борлиги аниқланди. У қондаги шакар миқдорини тартибга солади, қон қуйқалари пайдо бўлишининг олдини олади ва танада холестерин миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Кун давомида озгина овқат истеъмол қилиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг таълимларидан эди. Агар кимдир кўпроқ емоқчи бўлса, овқат қоринининг учдан икки қисмидан кўп жойини эгалламаслиги керак. У зот ўз саҳобаларига: «...қорининнинг учдан бири таоми учун, учдан бири ичимлиги учун ва учдан бири нафас олиши учун бўлсин», – деганлар.

(Ровий: Миқдом ибн Маъди Кариба) «Риёзус Солиҳийн», 516

1/3 Таом
+
1/3 Ичимлик
+
1/3 Ҳаво

Замзам минерал суви

Замзам – Макка шаҳридаги «Масжидул Ҳаром»да Каъбадан 20 метр шарқдаги қудуқдан чиқадиган минерал сувнинг номи. Бу мўъжизавий равишда минг йиллар илгари Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоил алайҳиссалом чанқаб йиғлаганида оналари Ҳожар кўп вақт дуо қилиб, Сафо ва Марва орасида етти марта бориб келиб сув излаганидан кейин пайдо бўлган, яъни Аллоҳ Жаброил алайҳиссалом орқали берган сувдир.

Замзам суви озгина ишқорли (pH = 7,5) ва ўзига хос таъмга эга. *(Эътибор беринг, дистилланган сув каби минераллашган сувни ичиш ошқозон ва ичакда кислота pH қийматини ҳосил қилади. Шунингдек, у кислота оқимини кучайтиради.)*


Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ер юзидаги энг яхши сув замзам сувидир. У тўйимли таом ва касалликка шифодир». (Табароний ва Баззор ривояти)

АҚШ озиқ-овқат ва фармацевтика идораси маълумотларига кўра, минерал сув бу умумий минераллашуви камида 250 мг/дм^3 бўлган сувдир.

Замзам сувининг кимёвий таҳлили натижасида унинг ўртача минераллашуви 1000 мг/л эканлиги аниқланди. Бу ичимлик суви учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қўйган стандартларига мос келади.

https://www.researchgate.net/publication/52005800_Mineral_Composition_and_Health_Functionality_of_Zamzam_Water_A_Review

Замзам суви инсон танаси учун зарур бўлган кальций, фтор, биокарбонат ва бошқа бир қатор минералларни ўз ичига олган. Кальций суякларнинг кучли бўлиши, юрак, мушаклар ва асабларнинг нормал ишлаши учун зарур, фтор эса тишлар учун зарур ва биокарбонатлар эса овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради.



Замзам суви кальцийга энг бой ичимлик сувларидан биридир. Бир литр замзам сувининг таркибида 195–200 мг калций бор. Бу катталар учун ўртача тавсия этилган кунлик калцийнинг тахминан 20 фоизи дегани. Бу машҳур бўлган «Evian» (бир литрда 78–80 мг кальций) ва «Perrier» (бир литрда 147–150 мг кальций) каби кўплаб таниқли минерал сувлардан юқори ҳисобланади.





Минерал сув мушак ва бўғимларнинг яллиғланиши, ревматизм ва артрит касалликларининг олдини олишда ёрдам беради ва даволашга қодир терапевтик фаолиятларнинг кенг доирасига эга.



Бу «Расулуллоҳ», яъни Аллоҳнинг элчиси деган сўзнинг араб тилида, ўзгача хаттотлик услубида, сув томчисига ўхшатиб ёзилишидир. Хаттот Фарид Али.

Камъа дори сифатида

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ер ости қўзиқорини – манн (Бану Исроилга осмондан туширилган егулик)нинг бир туридир ва унинг суви кўзга шифодир» («Саҳиҳул Бухорий», 5708 ва «Саҳиҳи Муслим», 5244)



Камъа – қўзиқоринлар оиласига мансуб, гўштли қўзиқоринга ўхшаш ўсимлик тури. У япроқ ва илдизларсиз чўлнинг нам жойларида тупроқ юзасидаги 2–50 см чуқурликда гуруҳларга бўлиниб ўсади. У ўзига хос ҳидга эга ва оқ, кулранг ёки жигарранг тусда бўлиши мумкин.

Аналитик тадқиқот натижаларига кўра, камъанинг 77 фоизи сув, қолган қисми эса оқсил, ёғ, углеводлар ва бошқа моддалар аралашмасидан иборат.



Замонавий илм-фан кашфиётлари шуни кўрсатадики, камъа суюқлиги кўплаб кўз касалликларида, шу жумладан, шох парда ҳужайраларига зарар етказадиган юқумли кўз касаллиги бўлган трахомани даволашда самарали ёрдам беради.

Муҳаммад алайҳиссалом ва зайтун ёғи

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам зайтун ёғини муборак дарахтдан чиққан деб таърифлаганлар. У зот саҳобаларига зайтун ёғини тановул қилишни ва суртишни ёки тана терисини мойлашни тавсия қилдилар. (Қаранг: Имом Термизий, 1851)

Замонавий илм-фан зайтун ёғининг соғлиққа жуда кўп фойдаси борлигини тасдиқлайди. Зайтун ёғида кўп миқдорда тўйинмаган ёғли кислоталар мавжуд бўлиб, улар яхши холестерин миқдорини ошириб, ёмон холестерин миқдорини камайтиради. Зайтун ёғи холестеролни камайтиради ва бу юрак касалликларига ижобий таъсир кўрсатади.

Зайтун ёғи ошқозон томонидан яхши қабул қилинади. Бу ёғ ошқозон яраси ва гастритдан ҳимоя таъсирига эга ҳисобланади.







Тоза зайтун ёғи (extra virgin olive oil) таркибида антиоксидантлар, хусусан, Е витамини ва феноллларнинг миқдори анча кўп, негаки унга кам ишлов берилади.

Бугунги кунда зайтун ёғи тери касалликларини самарали даволаш ва уни намлаш учун яхши восита ҳисобланади.

Қандли диабет хавфи бўлганларга кам ёғли, углеводородли парҳезни зайтун ёғи билан бирлаштириш тавсия этилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу бирлаштириш бутунлай кам ёғли овқатлардан иборат парҳезга нисбатан қондаги шакар даражасини назорат қилишда устундир.

«Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. Унинг нурининг мисоли худди бир токча, унинг ичига чироқ қўйилган, чироқ эса, шиша ичида, шиша эса, гўё дурдан бўлган бир юлдуз бўлиб, шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтидан ёқиладир. Унинг мойи ўзига олов тегмаса ҳам, ёритиб юборай дейдир. (Бу) нур устига нурдир. Аллоҳ хоҳлаган одамни Ўз нурига ҳидоят қилур. Аллоҳ одамларга мисолларни келтирур. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир».

Нур сураси, 35-оят

Қисм

11

Хотима

Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари («Масжидун-Набавий»), Мадина, Саудия Арабистони



Бу араб тилида «Муҳаммад» сўзининг хаттотлик услубида, шакл бериб ёзилганидир

Хотима

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсон сифатида

Тарихда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг нозик тафсилотлари, у зотнинг инсонлар билан улуғвор ва самимий муносабатлари қайд этилган.

Майкл Харт ўзининг «Тарихда яшаб ўтган энг нуфузли 100 киши» номли китобида шундай дейди:



«Камтарин келиб чиқиши билан Муҳаммад алайҳиссалом дунёдаги буюк динлардан бирига асос солганлар ва уни эълон қилиб, ҳаммани хабардор қилганлар ҳамда ниҳоятда самарали сиёсий раҳбарга айланганлар. Бугун вафотларидан ўн уч асрдан ошиқ вақт ўтган бўлса-да, у зотнинг таъсирлари ҳали ҳам ўз кучига эга ва кенг тарқалиб бормоқда. Ушбу китобда келтирилган аксарият инсонлар тамаддун марказларида туғилиб ўсишган, юқори маданиятли ва сиёсий жиҳатдан муҳим халқларга эга бўлишган.

Аммо Муҳаммад алайҳиссалом милодий 570 йилда, Арабистон ярим оролининг жанубида, Макка шаҳрида, ўша пайтда дунёнинг савдо, санъат ва илм марказларидан узоқдаги қолоқ ҳудудда дунёга келганлар».


> «Бу дунёвий ва диний таъсирнинг мислсиз уйғунлашуви, мен Муҳаммад алайҳиссаломни инсоният тарихидаги энг нуфузли ягона шахс деб ҳисоблашга ҳақлиман».
>
> Майкл Харт

Изоҳ: Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам «дин асосчиси» деган таъриф билан таърифланмайдилар. У зот Расулуллоҳ яъни Аллоҳнинг элчисилар.

«Эҳтимол, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Исломга нисбатан таъсири Исо Масиҳ ва Авлиё Полнинг насронийликка қўшган таъсиридан каттароқ бўлиши мумкин. Демак, соф диний даражада Муҳаммад алайҳиссалом Исо алайҳиссалом сингари инсоният тарихида нуфузли бўлганлар».

Муҳаммад алайҳиссалом – етакчилар

Француз ёзувчиси ва сиёсатшуноси Алфонс де Ламартин Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида холисона фикр билдириб, ўзининг «Histoire de la Turquie», яъни «Туркия тарихи» китобида шундай деб ёзади:



«Ҳеч қачон бирор-бир киши ўзи учун ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда бундан буюкроқ мақсадни таклиф қилмаган, чунки бу мақсад беқиёс эди: махлуқотнинг Яратганга нисбатан носоғлом тафаккурини бузиш, Худони одамга ва одамни Худога қайтариш, ақл-идрокни ва бутпарастликнинг моддий ва бузилган худолари ҳукмрон бўлган ушбу бетартиблик ўртасида оқилона ва муқаддас илоҳий ғояни тиклаш. Дунёда ҳеч қачон бундай қисқа ва узоқ давом этган инқилобни ҳеч ким амалга оширмаган».

«Мақсаднинг олийлиги, воситаларнинг озлиги ва натижанинг буюклиги – эркаклар иқтидорининг уч буюк сиймосидир. Муҳаммадни ким ҳам тарихда яшаб ўтган буюк одамларга қиёслай олади?!»

Шунингдек, Ламартин: «Муҳаммад алайҳиссалом моддий куч яратиш учун қурол ва империяларни ҳаракатга келтирмаган, аммо у ғоялар, эътиқодлар ва қалбларни ҳаракатга келтирган. У Китобга асос солди, унинг ҳар бир ҳарфи қонунга ва дунёдаги барча тил ва ирқдаги одамларни қамраб оладиган маънавий миллатга айланди», – дейди.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг расулидир

Суроқа ҳикояси: йигирма йилдан сўнг амалга оширилган ваъда

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг яқин ҳамроҳлари Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан (милодий 622 йил) ҳижрат учун Мадинага чиққанларида, Макка раҳбарлари Муҳаммад алайҳиссаломни ўлик ёки тирик ҳолатда олиб келган одамга юзта туядан иборат катта мукофот эълон қилишди.

Одамлар у зотни тутиб олиш учун ҳаракатга тушишди. Улар орасида машҳур изқувар Суроқа деган киши ҳам бор эди. Суроқа Муҳаммад алайҳиссаломни излаб топди, орқаларидан етиб борай деганда, минган отининг олдинги икки туёғи ерга ботиб қолди. Бу ҳол икки марта такрорланди. У ўзи илгари кўрмаган бу ноодатий воқеани Муҳаммад алайҳиссаломни илоҳий куч қўллаб-қувватлаяпти, деган маънога йўйди.

Суроқа Муҳаммад алайҳисссаломга яқинлашганда, Муҳаммад алайҳиссалом унга: «Қавмингга қайт ва мен сенга бир кун Форс ҳукмдори Кисронинг билагузукларини кийишинги ваъда бераман», – дедилар. (Байҳақий, «Сунан ул кубро» (6/357), 13156)

Суроқа эсанкираб қолиб: «Форс императори Армаз ўғли Кисронинг билагузугиними?» – деб сўради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ишонч билан: «Ҳа», – дедилар. У зот Ислом дини Форс диёрига етиб бориши ва бутун дунёга танилиши ҳақида қатъий ишончга эга эдилар.

Суроқа Маккага қайтиб келди. У орадан 8 йил ўтгач (милодий 630 йил), мусулмонлар Маккани тинч йўл билан ишғол қилмагунларича Исломни қабул қилмади.



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам милодий 632 йилда вафот этдилар ва у зотнинг Суроқагага берган ваъдаларига саҳобалар ишонишди ва бу бир кун амалга ошишини билишар эди.

Вақт ўтиб, иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб ислом давлатининг ҳукмдори бўлди. Унинг даврида ислом милодий 642 йилда Форс ерларига етиб борди ва Форс императори Кисронинг барча хазиналари Умар розияллоҳу анҳунинг қўлига ўтди.

Умар розияллоҳу анҳу Суроқа ҳақидаги воқеани эслади ва шерикларидан уни олиб келишни илтимос қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам берган ваъдаларига йигирма йил ўтиб, Суроқа анча кексайиб қолган эди.

Жамоат намозидан сўнг Умар розияллоҳу анҳу Суроқага: «Мана, Форс императори Кисронинг билагузуги, буни сизга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ваъда қилган эдилар. Уларни тақиб, барча мусулмонларга кўрсатинг, шунда ҳамма Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваъдалари ҳақлигига амин бўлишади», – деди.



Суроқа йиғлаб юборди ва унга қўшилиб ҳамма йиғлади. Бу ваъдалари у зотнинг вафотларидан 10 йил ўтгач амалга ошди.


Каъба калити ҳақида ҳикоя: доимий ваъда

Милодий 630 йили Муҳаммад алайҳиссалом Макка бошлиқлари устидан ғалаба қозондилар ва Маккага тинч йўл билан кириб келдилар. У зот ҳаётларининг охиригача у ерда яшаш учун эмас, балки бутпарастликка барҳам бериш ва Каъбанинг асл мақсадини (Пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом томонларидан ягона Аллоҳга ибодат қилиш учун барпо этилган муқаддас бинони) тиклаш учун қайтдилар. У зот Каъба ичини бутлардан тозаладилар ва саҳобалари Билол розияллоҳу анҳудан Каъбанинг тепасига кўтарилиб, қуйидагича баланд овоз билан нидо қилишларини сўрадилар:



Аллоҳ энг буюкдир, Аллоҳ энг буюкдир, гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг расулидир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба эшиги калитини кўришни хоҳладилар. Шунинг учун у зот Каъба калитининг соҳиби Бани Шайба оиласидан Усмон ибн Талҳани чақирдилар.





Шуни билиш керакки, Исломдан олдин Каъбани қўриқлаш ва назорат қилиш Бани Шайба оиласига берилган эди. Бу шараф ва масъулиятли вазифа Бани Шайба оиласининг ота-боболаридан ўтиб, Усмон ибн Талҳага қадар етиб келган.

Ўша вақтда Усмон ибн Талҳа эндигина мусулмон бўлган эди. Кўп йиллар олдин у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга имон келтирмаган, ҳатто Каъбага киришига ва бошқа одамлар каби унга кириб ибодат қилишига рухсат бермаган эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага қайтиб келганларида Усмон у зотга калитни беришдан ва уни сақлаш шарафидан маҳрум бўлишдан бошқа иложи қолмади.

Шу пайт кўп одамлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан Каъба калитини сақлаш каби шарафли вазифани беришларини сўрашди ва минглаб мусулмонлар Каъба калитининг янги эгаси ким бўлишини билиш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб туришди.

Бир дақиқалик сукутни бузган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбанинг эшигини очиб, уни бутлардан тозаладилар. У зот Усмон ибн Талҳага қараб, унга аввалги келишувларни ҳурмат қилган ҳолда дедилар:

«Бугун садоқат ва тақводорлик куни! Калитни қайтариб олинг. Ҳозирдан бошлаб то қиёмат кунигача сизларда қолади. Сизлардан (Бани Шайба оиласидан) уни фақатгина золимларгина тортиб олади». (Табароний «Кабир»да ривоят қилган (11/120) №: 11234)



Ҳозиргача давом етиб келаётган содиқлик

Сиз буни ўқиб ҳайрон бўлишингиз мумкин, калит Бани Шайба оиласининг авлодлари томонидан ҳозиргача сақлаб келинмоқда!

1400 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, калит Бани Шайба оиласининг бир авлодидан кейингисига мунтазам ҳолда ўтиб келмоқда. Ҳозирга қадар ҳеч ким улардан тортиб олишга журъат этмади. Акс ҳолда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таърифларига кўра тортиб олувчи «тажовузкор» ҳисобланади.

Саудия Арабистони ҳукумати йиллик зиёрат учун Каъбани ҳар йили тозалаш ва тайёрлашни амалга ошираётганда, Каъба эшигини очиш учун Бани Шайба оиласидан (ҳозирда Саудия оиласи) бўлган одам билан боғланишади.





Муҳаммад алайҳиссалом: бизнинг давримиз учун пайғамбар

Карен Армстронг – «Муҳаммад алайҳиссалом: бизнинг давримиз учун пайғамбар» китобининг муаллифи, у ўз китобида у зотнинг улкан ютуқларини қадрлаш учун Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларига муносиб равишда ёндашишимиз кераклигини ва у зот алайҳиссалом нафақат мусулмонлар, балки Ғарб халқлари учун ҳам муҳим сабоқларга эга эканликларини таъкидлаган.

Шунингдек, Карен Армстронг биз фалокатдан сақланишни хоҳласак, мусулмон ва Ғарб олами шунчаки ўзаро тоқат қилишни эмас, балки бир-бирларини қадрлашни ўрганишлари кераклигини ҳам билдириб ўтган. Бунинг учун эса Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларини ўрганиш энг яхши ечимдир.






Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари «Масжидун-Набавий»нинг олтин билан қопланган эшиги. Саудия Арабистони, Мадина шаҳри


Қисм

12

Ислом санъати, хаттотлик ва меъморчилиги



Питер Гоулд томонидан олинган фотосурат. Султон Қобус масжиди, Ўмон.



Ислом санъати, хаттотлик, Баҳрайн

Питер Гоулд, Австралия

Сиднейда дунёга келган дизайнер ва рассом Питер Гоулд замонавий график дизайн, санъат, фотосуратлар, исломнинг бой кўргазмали ва маънавий анъаналарига иштиёқманд. Унинг мусулмон дунёси бўйлаб саёҳатлари ва у ерлардан олган таассуротлари одамлар ўртасидаги тушунмовчиликларни очиб берадиган ноёб маданий бирлашма яратишга илҳомлантирди. Питернинг ишлари кўргазмалар ва дунёдаги кўплаб ижодкорлар билан ҳамкорлик қилиши орқали маҳаллий ва хорижий юртларда анчагина томошабинларга етиб борди.

Питер Сандерс, Буюк Британия



Питер Сандерс 1960 йилларнинг ўрталарида ўз фаолиятини бошлаган британиялик моҳир фотосуратчи. У бутун дунё бўйлаб чорак миллиондан ортиқ фотосуратларни ўзига



қамраб олган архивни яратди. Унинг «Дарахт соясида» номли биринчи китоби дунёга мусулмон маданиятининг хилма-хиллиги тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Сандерс Марокаш давлати ҳукумати томонидан Марокашдаги энг муҳим масжидлар, Ислом меъморчилиги намуналарини суратга олиш ва ҳужжатлаштириш учун жалб қилинган.



Ҳасан Чалабий, Туркия

У дунёдаги таниқли мусулмон хаттотларидан биридир. Ҳасан Чалабий 1976 йилдан Ислом хаттотлигидан таълим бера бошлади ва у дунёнинг турли жойларидан келган қирқдан ортиқ талабаларга Ислом хаттотлиги бўйича «ижоза» (диплом) берди. У бутун дунё бўйлаб машҳур исломий тарихий жойлар ва масжидлар учун ноёб хаттотлик намуналарини ижод қилди. Бунга мисоллар: Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридаги Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом масжидлари ва Қубо масжиди, Истанбулдаги Мовий масжид, Германиянинг Пфорцхайм шаҳридаги Фотиҳ масжиди, Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳридаги Жума масжиди, Қозоғистоннинг Алмати шаҳридаги Жума масжиди ва Кувайтдаги Ислом тиббиёт маркази.















Муҳаммад Закариё, АҚШ



Муҳаммад Закариё америкалик хаттот бўлиб, у Америкадаги Ислом хаттотлик санъатининг таниқли вакили ҳисобланади. У 19 ёшида Марокаш, Испания ва Англияда араб ва ислом хаттотлигини ўрганган. У Туркияда Ислом хаттотлиги бўйича иккита ижоза олган биринчи америкаликдир. Шунингдек, у «Eid greetings» яъни «Ҳайит байрами табриклари» АҚШ почта маркасининг дизайни билан машҳур бўлган. У биринчи навбатда мумтоз араб ва усмонли турклари хаттотлигига эътибор қаратади.











Ушбу хаттотлик иши қуйидаги оятни акс эттирган:

«Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир». Ар-Роҳман сураси, 60-оят

Нурия Гарсия Масип, Испания

У Испаниянинг Ибиза шаҳридан келган моҳир хаттотдир. Нурия Гарсия Масип Америка Қўшма Штатларининг Жорж Вашингтон университетида адабиёт дипломини олгач, Марокашда ислом санъати бўйича таҳсил олди, сўнгра Истанбулга кўчиб ўтиб, 2007 йилда Ислом хаттотлиги дипломини олишга муваффақ бўлди. Ҳозирда у ўзининг хаттотлик фаолиятини Америка Қўшма Штатлари, Марокаш, Туркия, Европа, Жанубий Африка ва Яқин Шарқ ўртасида кўргазмалар, танловлар ва устахоналар орқали давом эттирмоқда. Унинг асарлари мумтоз матнларни эстетик ва жозибали тақдимотлар орқали жонлантиради.











Сальва Расул, Ҳиндистон



Салва 1985 йилда Мумбайда амалий санъат даражасига эга бўлди. У яратган ҳар бир жанрида асл араб матни ва замонавий санъат асарлари ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолган ва уларни ўзаро уйғунлаштирган. У ўз асарларига терракота, керамика, сопол идишлар, шиша ва чарм каби ноанъанавий ашёларни ижодий равишда қўшиб олгани билан танилган.





«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи ила бошлайман».



«Ҳамд оламларнинг Робби – Аллоҳгадир. У Роҳман ва Роҳимдир. Жазо-мукофот кунининг эгасидир. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз. Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин. Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига. Ғазабга қолганларникига ҳам эмас, адашганларникига ҳам эмас». *Фотиҳа сураси, 1-7-оятлар*

Ушбу асарда ҳар кунги намозларда ўқиладиган «Фотиҳа» сураси ёзилган. Бу суранинг номи «Очувчи» деган маънони англатади.

Селина Себула, Польша

Селина Субула Краковдаги декоратив санъат ва бадиий таълимга ихтисослашган педагогика университетини тугатган. У ўзига хос истеъдоди билан хаттотлик санъатини расм билан аралаштириш орқали бадиий безаклар бериб, янги маъноларни акс эттира олди.

Араб тилида Аллоҳнинг Расули бўлган Муҳаммад сўзи ранг-баранг фонда акс кўринишида тасвирланган.





«Одамларга раҳм қилмайдиган одамга Аллоҳ таоло раҳм қилмайди».



«Ким одамларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди».

Ҳожи Нур Дин, Хитой

1963 йилда Хитойнинг Шангдонг вилоятида туғилган. У хитой ва араб хаттотлиги ўртасида ноёб алоқани яратган энг таниқли хаттотлардан биридир.





Юқорида: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули», – дейилган. Пастки қисмдаги гумбаз «Муҳаммад Расулуллоҳ» сўзидан ҳосил қилинган.



Нобуко Сагава, Япония



У араб хаттотлик санъатида машҳур япон сертификатига эга бўлган усталардан биридир. У Японияда тасвирий санъатни ўрганиб, араб хаттотлигига қизиқа бошлайди. Сагава хоним япон ёзувлари (кана), хитойча белгилар (канжи) ва арабча ҳарфлар комбинацияси ўртасида «ҳамкорлик» услубини ишлаб чиқди. Унинг «Сулс» ва «Куфий» арабча хатларини ўзлаштиришдаги қобилияти унга ижодий хаттотлик намуналарини яратишга имкон берди.

«Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик».

Сабаъ сураси, 28-оят



Фарид Али, Кувайт

У Кувайт Ислом санъати марказининг директори ва ўзининг ихтирочи санъати билан Яқин Шарқдаги энг таниқли мусаввирлардан бири. 2005 йилда у араб тилида «Муҳаммад» сўзидан ҳосил бўлган 500 та бадиий дизайнлар тўплами – «Муҳаммадият»ни чиқарди (қуйида кўришингиз мумкин). 500 та дизайн 11 гуруҳга бўлинган (юмшоқ, тўртбурчаклар, олти бурчакли, саккиз қиррали ва бошқалар). Бундан ташқари, жаноб Али «Муҳаммадият»га ўхшаш фақат «Аллоҳ» сўзидан ташкил топган яна бошқа бир тўплам ҳам яратган.



Муҳаммад Манди, БАА

Муҳаммад Манди ўзининг ноёб истеъдоди ва ижодий дизайнлари билан Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа кўплаб давлатларнинг пул бирлиги ва паспортининг дизайнери сифатида танилган. Бундан ташқари, у Абу-Даби шаҳридаги Шайх Зайд номидаги масжидда ва дунёдаги бошқа кўплаб масжидларда хаттотлик ишларини бошқариш учун номзод қилиб танлаб олинган.

Араб ёзуви асосида «Муҳаммад» сўзининг бадиий дизайн кўриниши (алоҳида ҳарфлар). Қуйида эса жаноб Манди томонидан ишланган «Муҳаммад» сўзининг араб ва инглиз ёзувларида бадиий безаклар орқали ифодаланиши.







Ачмат Сони, Жанубий Африка

У ўз асарларида араб хаттотлиги ва Африка маданияти ўртасида уйғунлик унсурларини яратишга муваффақ бўлган Жанубий Африка Ислом санъати фондининг асосчиси. Ачмат Сони африкалик Ндебеле қабиласи томонидан қўлланадиган маҳаллий санъат тури бўлган Ндебеле санъатидан фойдаланган. Бу санъат ўзининг ёрқин ранглари ва геометрик шаклларига эга эканлиги билан ажралиб туради.



Қуръони Каримдаги биринчи сура – Фотиҳа сураси куфий Араб хатида, Ндебеле санъати орқали ёзилган.



Бу бадиий асар араб тилида битилиб, Қудратли Аллоҳни улуғлайди ва унда «Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ энг буюкдир», деб ёзиб қўйилган. Анъанавий арабча нақш ва замонавий дизайн уйғунлиги. Араб ҳарфлари худди фил суягига ўхшатиб, кенгайтирилган шаклда кўрсатилган.



Москва жоме масжиди, Россия

Муҳташам Кувайт масжиди: *Фотосурат тасвирчи Аҳмад Амирий томонидан Рамазон ойининг 27-кечасида олинган. Энг кўп ибодатчилар тўпланган вақт, масжид ташқариси билан бирга ҳисоблаганда бир вақтнинг ўзида 45 000 дан кўп одамга хизмат кўрсата олади.*

Мусулмонлар Рамазон ойида субҳдан то қуёш ботгунича рўза тутадилар. Кечаси қўшимча намозлар ўқийдилар ва Аллоҳга дуолар қиладилар.

Муҳташам Шайх Зайд масжиди, Абу Даби, БАА: *Бу Бирлашган Араб Амирликларидаги энг катта ва дунёда эса катталиги жиҳатидан 8-ўринда турадиган масжиддир. Масжид жойлашган майдоннинг ҳажми саккизта футбол майдонига тўғри келади. 40 000 дан ортиқ намозхонни сиғдира олади.*

Унинг 84 та қубба ва ҳар бири 107 метрдан иборат бўлган 4 та минораси бор. Масжидда катталиги 5627 м^2 бўлган дунёдаги энг катта гилам ва баландлиги 15 метр ва кўндаланг кесими 10 метр бўлган дунёдаги энг катта қандил мавжуд. Масжид БААдаги энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган жойлардан биридир.

Жумейра масжиди, Дубай, БАА: *Замонавий ислом меъморчилигини ўзида акс эттирган, сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган масжидлардан бири.*



Қирол Ҳусайн масжиди, Амман, Иордания: *2005 йилда Аммон шаҳридаги замонавий ислом санъати ва хаттотлигини акс эттирувчи энг катта масжидлардан бири сифатида очилган. У денгиз сатҳидан тахминан 1000 метр баландликда қурилган бўлиб, унинг квадрат шакли ва тўрт минораси бутун Аммон шаҳри бўйлаб кўриниб туради.*

Аҳмад ал-Фотиҳ масжиди, Баҳрайн Қироллиги:
1988 йилда Баҳрайннинг марҳум амири Исса бин Салмон ал Халифа томонидан очилган. Масжид 6500 квадрат метр майдонни эгаллайди ва 7000 намозхонни қабул қилиши мумкин. Масжид Ислом меъморчилиги ва маҳаллий меъморчилик уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган.

Ал Солиҳ масжиди, Сано, Яман: *Ямандаги энг катта масжид. Ушбу масжид 2008 йилда очилган, масжиднинг майдони тахминан 27 300 квадрат метр ва 40 000 та намозхонни ўз бағрига сиғдира олади. Масжид Яман меъморчилиги услубида қурилган. Унинг 15 та ёғоч эшиги ва 6 та катта минораси бор.*

Буюк Султон Қобус масжиди, Ўмон: *Бу Ўмондаги энг катта масжид. Ушбу масжид 2001 йилда очилган ва унда дунёда иккинчи ўринда турадиган энг катта қўлда тўқилган гилам ва қандил мавжуд. (Масжиднинг майдони 416 000 квадрат метр бўлиб, намозгоҳ 40 000 квадрат метргача чўзилган).*

Ал-Ақсо масжиди, Қуддус: *Мусулмонларнинг ер юзида қурилган иккинчи масжиди. (Изоҳ: биринчиси – Маккадаги муқаддас масжид, яъни «Масжидул Ҳаром»). Ал-Ақсо масжиди мусулмонлар учун муқаддас жой бўлиб, илгари Исломда биринчи қибла бўлган (мусулмонлар Аллоҳга ибодат қилишда юзларини шу томонга йўналтирган жой). Аллоҳ томонидан Қуръони Карим ваҳий қилинганидан сўнг, мусулмонларга Каъбани қибла қилиб ўзгартиришга буйруқ берилди.*

Ал-Ақсо масжиди зиёратгоҳининг умумий майдони тахминан

Қибла масжиди

144 000 квадрат метрни ташкил қилади. У иккита муҳим зиёратгоҳни ўз ичига олади, «Қибла масжиди» (имом одатда намозга имомлик қилади) ва «Қоя гумбази».

«Қоя гумбази», яъни «Қуббат ус-Саҳро», Қуддус: *бу исломий зиёратгоҳ ва масжид милодий 688–692 йилларда Уммавий халифа Абдулмалик Бин Марвон томонидан тош устига, яъни Мусулмонлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом меърожга кўтарилган жой устига қурилган масжид. Бу диаметри 29,4 метр бўлган олтин гумбазли саккиз бурчакли бино.*



Умавийлар жомеъ масжиди, Дамашқ, Сурия:

Умавийлар жомеъ масжиди (милодий 706–715 йиллар) Умавийлар халифаси Ал-Валид томонидан ташкил етилган. Бу меъморий аҳамиятга эга бўлган дунёдаги энг катта ва энг қадимий масжидлардан бири (масжиднинг ички қисми тахминан 4 000 квадрат метр).

2001 йилда Папа Иоанн Павел II масжидга ташриф буюрган ва бу биринчи марта Папа масжидга ташриф буюриши эди. Жануби-шарқий бурчакдаги минора Исо Минораси деб номланган, чунки Исо алайҳиссалом шу ер яқинига тушадилар.



Самарра шаҳридаги улкан масжид, Ироқ:

Бу Ироқнинг Самарра шаҳрида жойлашган 9-асрга оид масжид. Масжидга 848 йилда қуриш учун рухсат берилган ва 851 йилда Аббосийлар халифаси Мутаваккил томонидан қуриб битказилган.

Самарранинг Буюк Масжиди бир пайтлар дунёдаги энг катта масжид бўлган; унинг минораси бўлмиш Малвия минораси спирал конус (шиллиқурт) шаклида бўлиб 52 метр ва эни эса 33 метрдир. Масжид 17 та йўлакка эга бўлиб, деворлари тўқ мовий шишадан ясалган мозайкалар билан ўралган. Минора Бобил зиккурати услубида қурилган.

Султон Аҳмад масжиди, Истанбул, Туркия: *Бу «Мовий масжид» номи билан машҳур бўлиб, унинг гумбазлари ва олтита ингичка минораси бор. Масжид XVII асрда Усмонли империясининг султони Султон Аҳмад томонидан буюртма қилинган (қурилиш 1609 йилда бошланган ва етти йил давом этган).*



Ая София, Истанбул, Туркия:

Ая София (Ҳожия София) Туркиянинг Истанбул шаҳрида. Бу Византия собиқ черкови бўлиб, у кейинчалик тахминан 500 йил Усмонийлар масжиди сифатида хизмат қилган ва яна 2020 йилнинг июль ойидан масжид сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Бу обида сайёҳларнинг диққатга сазовор жойи.






عثمان رضي الله عنه
حسن رضي الله عنه

Тожмаҳал, Агра, Ҳиндистон: *Шоҳ Жаҳон (1592–1666) томонидан унинг аёли хотираси учун қурилган. Ноёб меъморий дизайни туфайли у дунёдаги энг муҳим сайёҳлик марказларидан бири ҳисобланади. Тожмаҳал ёнида Шоҳ Жаҳон мажмуанинг бир қисми бўлган масжид қурдирган. Тожмаҳал деворларига ўйиб ёзилган Қуръондан тўлиқ суралар мавжуд.*

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга қабристонларга ташриф буюриб, ҳар бир тирик жонзот ўлишини ва Роббига қайтишини эслашни ва ёдда тутишни тавсия қилганлар. Фақат Аллоҳгина улуғланиши, мақталиши ва одамлар унгагина ибодат қилишлари керак.



▲ ***Нью-Деҳлидаги Жама масжиди, Ҳиндистон*** *Ҳиндистондаги энг катта масжид, 1656 йилда қурилган*

▼ ***Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида, Қизил Қалъада жойлашган***

Файсал масжиди, Исломобод, Покистон ⮝

⮟ *Лаҳор қалъаси, Покистон*

248

***Юлдуз масжиди, Дакка, Бангладеш**: Аубурн Галиполли Масжиди, Сидней, Австралия*

Султон Масжиди, Сингапур ⮝
Султон О. А Сайфуддин Масжиди, Бруней ⮟

Токио Жами, Япония ⮝
Паттани марказий масжиди, Таиланд ⮟

Кристал масжиди, Куала Теренггану, Малайзия:

Бу чиройли масжиднинг устки қатлами биллур тошдан ишланган. У Ван Ман оролидаги Ислом мероси боғида жойлашган. Расман 2008 йилда очилган.

Путражая масжиди, Малайзия


Куантан масжиди, Малайзия ⮝
⮟ *Убудийя масжиди, Перак, Малайзия*



Ал Азҳар масжиди, Қоҳира, Миср: *971 йилда асос солинган, 988 йилда ташкил топган энг қадимги университетлардан бири бўлмиш Ал Азҳарга алоқадор*



Аҳмад ибн Тулун Масжиди, Қоҳира, Миср: *879 йилда қуриб битказилган, дунёдаги энг катта масжидлардан бири, катталиги 26 318 квадрат метр, у ўзининг машҳур меъморчилиги ва ноёб минораси билан машҳур.*











Қуртубанинг Мезкуитаси, Қуртуба, Испания: *Мезкуита испанчада «масжид» деган маънони билдиради. Бу Қуртуба амири Абдурраҳмон II (822–852) назорати остида исломий меъморчилик асосида лойиҳалаштирилган VIII асрга оид масжид. Бугунги кунда Мезкуита-Куртуба бош черкови ҳисобланади.*

Алҳамра Калат, Испания: *Шунингдек, «қизил қалъа» деб номланади. Бу Гранаданинг мусулмон султони ҳукмронлиги даврида қурилган сарой ва қалъа мажмуаси (милодий 1353–1391 йиллар). Бугунги кунда у Испаниянинг энг машҳур ислом меъморчилигини намойиш этадиган Испаниянинг энг йирик сайёҳлик масканларидан биридир. Изоҳ: Алҳамбра ичида милодий 1527 йилда Рим императори Карл V саройи барпо этилган.*

⮝ ***Истиқлол масжиди, Жакарта, Индонезия:*** *Бу жануби-шарқий Осиёдаги энг катта масжид. Истиқлолнинг маъноси мустақилликдир. Бу Индонезиянинг энг катта черкови билан ёнма-ён жойлашган.*

⮟ ***Масжид Рая Байтурроҳман, Банда Асеҳ, Индонезия:*** *Бу масжид 2004 йилда цунамидан омон қолган бинолардан биридир. Цунамидан кейин масжид юзлаб одамларга вақтинча бошпана бўлиб хизмат қилди.*

Хассан II масжиди, Касабланка, Марокаш: *1993 йилда қуриб битказилган. Дизайни Француз меъмори Мишел Пинсо томонидан ишлаб чиқилган. Буюк масжид минораси Марокашдаги энг баланд иншоот ва дунёдаги энг баланд минорадир (210 метр). Кечаси лазерлар минора тепасидан Маккадаги Масжидул Ҳарам томонга қараб нур сочади. (Сиғими: 25 000 намозхон)*

Қайрувон университети ва Масжиди, Фас, Марокаш: *Милодий 859 йилда Фотима Ал-Фиҳри исмли аёл томонидан ташкил этилган. Бу ЮНЕСКО ва Гиннеснинг рекордлар китобига кўра дунёдаги энг қадимги, доимий равишда фаолият кўрсатиб келаётган олий ўқув юртидир. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Қайрувон университети Европа университетлари учун намуна бўлган ва у ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келаётган энг қадимги университетлардан биридир.*

Қипчоқ масжиди, Ашхобод, Туркманистон ▲

▼ *Азади масжиди, Ашхобод, Туркманистон*

Шердор мадрасаси, Самарқанд, Ўзбекистон ⮝

⮟ Калон масжиди, Бухоро, Ўзбекистон



Парижнинг катта масжиди, Франция: *Бу Франциядаги энг катта масжид. У Биринчи жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган. 1926 йил 15 июлдан хизмат кўрсата бошлаган.*



Изоҳ: *Исломда бир кунда беш вақт намоз бор. Қуйида «Азон» сўзларининг таржимаси келтирилган. Азон – бу намозга чақириш. Ҳар бир гап икки марта такрорланади: Аллоҳ энг улуғдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули. Намозга шошилинг. Нажотга шошилинг. Аллоҳ энг улуғдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.*

Пензберг масжиди, Пензберг, Германия: *Минора мусулмонларнинг кундалик намозга даъвати бўлмиш «Азон» сўзлари билан ўйиб ишланган. Араб хаттотлик ишларини БААлик хаттот Муҳаммад Манди амалга ўширган..*



Буюк Сиан масжиди, Хитой

Катта масжид, Семаранг, Индонезия ⮝

⮟ *Ҳуи масжиди, Нингхиа, Хитой*

⮙ Бо Каап шаҳридаги Аввал масжиди, Кейптаун, Жанубий Африка. Жанубий Африкада ташкил этилган биринчи масжид (1794)

Қудс масжиди, Гейтсвиллэ, Кейптаун, Жанубий Африка

Низамийя масжиди, Мидранд, Йоханнесбург, Жанубий Африка

Катта масжид, Бобо Диоулассо, Буркина Фасо ▲

▼ *Дженне Масжиди, Мали*



Женне – дунёдаги энг катта лойдан қилинган масжид. Бу ўйлаганингиздан ҳам таъсирли: бино улкан ва узоқдан ҳам, яқиндан ҳам нафис кўринишга эга. Шаҳарнинг бутун аҳолиси йилига икки марта барча ишларини ташлаб, Бани дарёсидан аравада лой ташиб, биргаликда масжид деворларини қайта қуради.

Адабиётлар

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, «Тафсири Ҳилол», «Ҳилол нашр» нашриёти 2020 йил (таржима учун)

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи, «Олтин силсила» тўпламлари, «Ҳилол нашр» нашриёти, 2013 – 2021 йиллар (таржима учун)

Анвар Аҳмад таржимаси, «Риёзус Солиҳийн», Имом Абу Закариё Яҳё Шараф ан-Нававий Димашқий, «Шарқ» нашриёти, 2015 йил (таржима учун)

Abdul Ghani, M. Ilyas, (2003). The History of Al-Madinah Al-Munawwarah, Rasheed Publishing, KSA.

Adair, John, (2010). The Leadership of Muhammad. Kogan Page, UK.

Ahmad, Mumtaz, (1996). Islam and Democracy: The Emerging Consensus; Middle East Affairs Journal.

Al-Maghluth, Sami, (2008). The Historical Atlas for Prophet Muhammad Life. Obaikan, KSA.

Al-Mutawa, Jassem, (2001). The Wives of the Prophet in Contemporary Time. Kuwait.

Al-Mubarakpuri, Safi-ur-Rahman, (1996). The Sealed Nectar: Biography of the Noble Prophet Muhammad, Darussalam, KSA.

Al-Zayed, Samirah, (1995). The Inclusive Book About Prophet Muhammad's Life, The Scientific Press, First Edition, Syria.

Armstrong, Karen, (2002). Islam: A Short History. Harper Collins, New York, USA.

Armstrong, Karen, (1992). Muhammad: A Biography of the Prophet. Harper Collins, New York, USA.

Armstrong, Karen, (2007). Muhammad: A Prophet for Our Time. Harper Collins, New York, USA.

Al-Nawawi, Y.S., (2003). Riyadh Al-Saliheen. Authentic Sayings of Prophet Muhammad, Arabic Cover – Cairo, Egypt.

Bukhari, Mohammad Bin Ismael, (1997). Saheeh Bukhari, Dar Al Afkar, Amman, Jordan.

Hammad, Ahmad Zaki (2007). The Gracious Quran: A Modern-Phrased Interpretation in English, Lucent Interpretations, IL, USA.

Hart, Michael, (1992). The 100; A Ranking of the Most Influential Persons

in History, Carol Publishing Group. N.J., USA.

Islam, Yusuf, (1995). The Life of the Last Prophet, Darussalam, KSA.

Khalidi, Tarif (2009). Images of Muhammad: Narratives of the Prophet in Islam Across the Centuries. Kindle Edition.

Montgomery Watt, W.(1974). Muhammad: Prophet and Statesman. Kindle Edition.

Pickthall, Marmaduke (2006). The Quran Translated: Message for Humanity – The International Committee for the Support of the Final Prophet, Washington, USA.

Sultan Sohaib N., Ali, Yusuf Ali, and Smith, Jane I. (2007). The Quran and Sayings of Prophet Muhammad: Selections Annotated & Explained (Skylight Illuminations).

Wolfe, Michael & Kronemer, Alex (2002). Muhammad: Legacy of a Prophet (DVD-Dec 18, 2002).

ИЗОҲЛАР

